

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ
ЎҚУВЧИЛАРГА НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ ТАЪСИР
ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

мавзусидаги
умумий ўрта таълим мактабларида
таълим-тарбиявий жараёнларда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун
илмий-методологик семинар мақолалар тўплами

МАТЕРИАЛЛАРИ

УДК -371.302.2
ББК – Д.74.202.5
Р-75

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- | | | |
|-------------------|---|--|
| 1. Ф.Х.Рашидов | - | педагогика фанлари
доктори, профессор |
| 2. З.Дехкамбаева | - | педагогика фанлари
номзоди, катта илмий ходим |
| 3. Р.Мусурманов | - | педагогика фанлари
номзоди, катта илмий ходим |
| 4. А.П.Сулаймонов | - | педагогика фанлари
номзоди, катта илмий ходим |

Педагогика фанлари доктори, профессор Ф.Х.Рашидовнинг умумий таҳрири остида.

Ф1-ХТ-0-20452“Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этишнинг назарий ва методологик асослари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган ушбу мақолалар тўпламида дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш усуллари ҳамда жойларда ташкил этиладиган педагогик тажриба-синов ишларини илмий-методик асосда ташкил этиш, унинг натижавийлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, мактабларнинг раҳбарлари, педагоглар ва психологлар учун мўлжалланган.

Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий кенгаши қарори (30.06.2015 №6) билан нашрга тавсия этилган

КИРИШ

Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган турли ҳолатлар, жумладан, фаолият давомида низолар тез-тез содир бўлиб туриши мактаб ҳаётининг ажралмас қисмидир. Бундай ҳолатларида педагоглarning кўпчилик қисми интизом ўрнатишнинг восита ва усуллари танлашда қийинчиликка дуч келмоқда. Ўқувчиларнинг онгли хулқ-атвори тарбиялашга доир методологияга хусусан, бу борада амал қилиш мумкин бўлган аниқ кўрсатма, методик тавсияларга эга эмасликлари ана шундай вазиятларни келиб чиқишининг асосий сабаблардан биридир.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, ўқитувчилар ўқувчиларга асосан абстракт мантиқлаштиришнинг қабул қилувчи, кўпинча меъёрий тушунчаларни сингдиришга қаратилган бир томонлама тарбиявий таъсирни қўлайдилар. Улар жазолаш усулини қўллаган ҳолда, ҳаттоки, болани номутаносиб хулқ-атвори сабабларини аниқлашга ҳаракат ҳам қилмайдилар. Бундай ёндашувда сифатли таълим олишда зарур бўлган психологик қулай шароитлар ва соғлом муҳитни яратиш бўлмайди. Мулоқотнинг авторитар усулида тартиб-интизом болаларнинг ўзларини эркин ҳис қилишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда кўрқитиш билан ушлаб турилади. Аслида эса педагогнинг сабр қилиши, ўқувчиларга нисбатан ҳурмат, дўстона муносабат тартиб-интизомга ижобий таъсир кўрсатиб, дарсга нисбатан онгли муносабатни шаклланишига ҳамда ўқув материалларини ўзлаштириш даражасининг ошишига олиб келади.

Жамиятда қабул қилинган тартиб-қоидаларни бузиш қачон ва қандай шароитларда юз беради? Биз тадқиқот жараёнида ана шу масалаларга ойдинлик киритиш, муаммонинг илдизини аниқлашга ҳаракат қилдик. Зеро, болаларнинг ёш, айниқса, ўсмирлик чоғида у ёки бу таъсирларга тезроқ берилиши уларга хос хусусиятдир. Шу сабабли ҳам болаларнинг салбий хатти-ҳаракатларга мойилликларини илгарироқ аниқлаш ва уни тўғрилаш бўйича чоралар кўрилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Акс ҳолда, кейинчалик болани нотўғри йўлдан тўғри йўлга солиш учун бир неча баробар ортик куч-ғайрат, маблағ сарфлашга тўғри келади.

Ҳеч бир инсон дунёга мукамал бўлиб келмайди. Инсон жамиятда, ўзининг қуршовидаги инсонлар орасида, табиат қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичида, улар билан мулоқотда ҳамда бевосита аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, камолга етади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, вояга етмаган ўсмирлардаги салбий хатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бунинг учун турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Шу сабабли ҳам ҳар қандай шахс ўсмирлик чоғи, яъни эндиgina вояга етиб келаётган пайтданок жамиятда ўзига муносиб ўрин топиши катта

аҳамият касб этади. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Ёш йигит-қизларининг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз кадрини йўқотишига олиб келади.

Ҳозирги узлуксиз таълим-тарбия жараёнида тарбияси оғир, тартиббузарликка мойил, девиант хатти-ҳаракатли болалар билан ишлаш муаммоларига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кўра кучайтирилиши лозим. Ўқувчилар орасида, умуман ёшлар орасида педагогик-психологик нуқтаи назардан қаровсиз қолган, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил, девиант хатти-ҳаракатли ёшларнинг кўпайиб бориши ўқув-тарбия жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Бугунги кунда тартиббузарликка мойил деб топилган бола эртага потенциал жиноятчи бўлиб етишиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам дарс интизомига салбий муносабатдаги ўсмирлар билан тарбиявий тадбирларни олиб бориш алоҳида ёндашувни талаб этади.

Ўспиринлик ёши ўзликни англашнинг муҳим ташкилий қисми бўлиб, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик ва унинг натижасига фақат ўзи сабабчи эканлигини ҳис қилиш хусусияти ҳисобланади. Ўзликни англаш – инсон ички дунёсини кашф қилиш, у ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ўз-ўзига эмоционал муносабат, ақлий, ахлокий ва иродавий сифатларини (ўз-ўзини) баҳолашдир. Маълумки, ички позиция ўз-ўзидан эмас, балки субъектнинг ташқи муҳит билан узлуксиз алоқада бўлиши ва бу муҳитнинг унга таъсир этиши жараёнида шаклланади.

Индивидуал-типологик хусусиятлар, руҳий ҳолатлар ва билишнинг психик жараёнлари эса ўқувчи ички позициясининг шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар ҳисобланади. Бундай психологик омилларнинг ўзбеклар менталитетида алоҳида кўринишларда намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш, фарзандининг мактабда ўзини тута билиши, дарсда қандай ўтиришидан ота-оналарни ҳабардор қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Педагогик-психологик ташҳис бир ёки иккита методикани ўтказиш билан эмас, балки коррекцион ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлган ҳамда комплекс тарзда олиб бориладиган узлуксиз жараён сифатида амалга оширилиши зарур.

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур тўпلامда умумий ўрта таълим мактабларида олиб борган назарий ва амалий тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ, дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив ёндашиш методларини ишлаб чиқишга оид материаллар жамланган.

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРГА НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ ЧОРАЛАР КЎРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Х.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида сифат босқичига ўтилган экан, ўқувчилар ва ўқитувчилар олдида барча турдаги таълим дастурларини давлат таълим стандартлари асосида ўзлаштириш талаблари қўйилмоқда. Таълим мазмунида акс эттирилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш эса дарс интизомига риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин таълим жараёнида ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг ўқишни истамаслиги, дарсларни қолдириш ҳолларига тез-тез дуч келмоқдалар.

Бундай ҳолда болаларда мактаб билан боғлиқ барча нарсаларга салбий муносабат юзага келади. Амалда шундай ўқувчилар ҳам учрайдики, улар синф раҳбари ёки ўқитувчининг педагогик таъсирига қаршилиқ қиладилар. Улар мактабдаги дарслар вақтида ишламайдилар, уй вазифаларини бажармайдилар, кейинчалик эса ўзларини оклаш учун турли баҳоналар топадилар. Одатда, бундай ўқувчиларга нисбатан қўлланган жазолар уларга вақтинчалик таъсир кўрсатади, кейин эса ҳаммаси бошқатдан бошланади, дарсларга бўлган салбий муносабат эса ўзгармайди. Шу билан бирга, жазодан қўркув, ўқитувчи ва ўртоқлари томонидан кулги, ёмон баҳолар билан таъсир кўрсатилаётган ўқиш ҳеч қандай яхши натижа бермайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпчилик мактабларда ўқувчи-ўсмирларнинг дарсга бўлган салбий муносабати муаммоси етарли даражада долзарб ҳисобланади. Салбий муносабатнинг ўзи ўрганишга бўлган мотивациянинг пастлиги билан, фақат натижага (жуда бўлмаса паст баҳога) бўлган кизиқишнинг мавжудлиги билан, қийинчиликларни енгиб ўтишни истамаслик ёки эплай олмаслик билан, ўқув ишларига, ўқитувчиларга, умуман мактаб муҳитига нисбатан салбий ҳиссиётли муносабат билан тавсифланади.

Ушбу муаммони ўрганаётган замонавий педагоглар илмий ишларининг кўпчилигида қуйидаги умумий сабаблар кўрсатиб ўтилади: ўқув-тарбия жараёни, дарсни режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказишнинг камчиликлари, шахсий психологик хусусиятлари; ўсмирларда ўқиш, ўрганишга бўлган қизиқишнинг буткул йўқлиги; ўқув ишларига ва ўқитувчининг топшириқларини бажаришга бўлган мотивациянинг пастлиги.

Назаримизда, ўқувчи-ўсмирларнинг ўқишга бўлган муносабати уларнинг қизиқиши, тафаккурининг ривожланиши, шахс сифатида ўз ўзига баҳо бериши, фан бўйича билимларининг ҳажми ва мустаҳкамлигига тўғридан тўғри боғлиқ. Шу билан бир қаторда, ўсмирларнинг у ёки бу фанга бўлган муносабати кўпчилик ҳолларда шу фанни ўқитаётган ўқитувчига бўлган муносабати билан ҳам боғлиқдир.

Ўзлаштирмаслик, ўқувчиларнинг девиант хулқи муаммолари бўйича ўзбек ва хорижий олимларнинг тадқиқот материаллари, бизнинг юқори синфларнинг раҳбарлари ва ўқувчилари билан ўтказган суҳбатларимиз кўрсатдики, ўсмирларда одатда ўзининг тенгдошлари билан гуруҳлашишга, кўчадаги гуруҳлар билан вақт ўтказиш ва мулоқот қилишга, қарама қарши жинс вакиллари билан эрта муносабат ўрнатишга қизиқиш пайдо бўлади. Ўсмир ўғил болаларда катта ёшдаги судланган кишилардан олинган ахборотлар қизиқиш уйғотиши мумкин. Улар жиноий гуруҳлар тўғрисидаги тушунчалар ҳақида, эркаклар кучи ва уларнинг мустақиллигининг устуворлиги, жамиятдан эркин бўлган ҳаётнинг романтикалари тўғрисида сўзлайдилар. Бу эса ўсмирларда инсоний кадриятлар тўғрисида нотўғри тасаввурлар, эгоизм, ўқишга бўлган салбий муносабатлар ва делинквент (хукукбузарлик) хулқини шакллантиради.¹

Ўсмирнинг ўқишга муносабатига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа сабаблар – булар: ота ёки она билан низоли муносабатлар; ота-оналарнинг ўзларининг аксилижтимоий хулқлари (жанжаллар, алкоголизм, уришлар ва ҳ.к.); оилада тарбиянинг камчиликлари кабилар ўқувчи-ўсмирларнинг психик ривожланишида ва уларнинг

¹Делинквент (ингл. delinquency – айбдорлик) хулқ – бу ўсмирларнинг хукукбузарлик ҳаракатлари, хукукни бузишга бўлган мойиллик ва қайтариладиган аксил ахлоқий ва аксил ижтимоий ҳаракатлар.

ўқишида нуқсонлар келтириб чиқаради. Шулар билан боғлиқ ҳолда болаларда депрессиялар, мактаб дезадаптацияси (мактабга мослашганликнинг бузилиши), хулқидаги ва тенгдошлари, ўқитувчилари, оила аъзолари билан муносабатларнинг бузилишлари пайдо бўлиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда ота-оналар боланинг интизомни бузишига ёмон ўқитиш ва ёмон тарбиялашни йўлга қўйган мактаб айбдор деб ҳисоблайдилар. Боланинг ўқишга бўлган салбий муносабати ва унинг ёмон ўзлаштиришига ўқитувчиларни, аксил ахлоқий ҳаракатлар ва девиант ахлоққа “кўчани” айблайдилар. Лекин, иш билан банд бўлган ота-оналар кўпчилик ҳолларда болалар тарбиясидан ўзларини четга оладилар, уларнинг болалари билан бўлган муносабатларидаги хатолари кўпчилик ҳолларда мактабнинг ўқувчиларга салбий таъсири орқали қилинган хатолари: ўқувчиларга нисбатан авторитар, буйруқбозлик тоирфасида муносабат кўрсатиш, қўпол психологик таъсир, ўқитиш методларининг пассив ва мажбурий тавсифланиши, педагогик мулоқот техникаси даражасининг пастлиги билан қўшилиб кетади.

Муаммонинг амалиётдаги ҳолати шуни кўрсатадики, ўқишга бўлган салбий муносабатли ўсмирларга педагоглар ва айниқса, ота-оналар томонидан кўрсатиладиган жазоли таъсир чоралари кам самарали бўлиб, баъзан эса тескари натижага – ўқишдан бутунлай бош тортишга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ўсмирларга нисбатан диққат, эътибор, сабр-тоқат кўрсатиш лозим. Ўрганишга бўлган салбий муносабатни енгиш ўқувчи-ўсмирнинг фанлар бўйича билимларни эгаллаш мақсадида ўқув ишларига рағбатлантирувчи ўқишнинг ижобий мотивларини тарбиялаш, яхши ҳиссиётлар ва интилувчанлик сифатларини шакллантириш билан боғлиқ. Бу йўналишда ота-оналар ва педагоглар учун қуйидаги тавсиялар ёрдам бериши мумкин.

Ўқувчиларга бериладиган ёрдам ва кўриладиган чоралар:

- бола билан ижобий ҳиссий мулоқот ўрнатиш;
- агар муносиб бўлса болани макташни унутмаслик;
- дарсларни тайёрлаш учун вақт ва доимий жойни белгилаш;
- уй вазифасини бажаришни ҳар куни назорат қилиш;

- болани топширикни бажараётган вақтда чалғимасликка ўргатиш;

- болага ўқишида ёрдам бериш учун барча ишларни четга суриш;
- тезда самарага эришилмаганидан умидсизланмаслик;
- муваффақиятсизликларга босиклик билан ёндашиш,

жазоламаслик, болага бақирмаслик;

- ота-оналарнинг ўзлари болага ёрдам беришни таклиф этишлари.

Бола билан ижобий алоқа ўрнатиш йўллари:

- низони келтириб чиқарадиган барча нарсаларни тўғрилаш;
- дакки беришни тўхтатиш;
- агар муносиб бўлса болани мақташни унутмаслик;

- ўқув ишларини тўғрилашга катта умид боғламаслик;

- болангиз нима билан яшаётганлигига, уни нима қизиқтиришига қизиқиш ва билиш;

- боланинг шахсий ҳаётига киришиш ва унга оила нима билан яшаётганлигини тушунтириш;

- унинг харажатларини биргаликда режалаштириш.

Ўсмирларга дарсларга бўлган салбий таъсирни ва ўзлаштирмасликни енгишда ўқитувчининг мақбул чоралари:

- ўқув ишларини режалаштиришда ёрдам: такрорлашларни ва ўтказиб юборилганларни йўқотиш учун машқлар минимумини режалаштириш;

- ўқув фаолиятини мақтов, муваффақиятли ҳолатларни яратиш, дарсларда фаол ишлаш ва уй вазифаларини бажаришга ундаш орқали рағбатлантириш;

- доимий назорат, ўқувчини тез-тез сўроқ қилиш, барча уй вазифаларини текшириш, ўқув ишларида ўз-ўзини доимий назорат қилишга ўргатиш;

- ўқувчининг мустақил ишини ташкил қилиш орқали ўзлаштирмасликни енгиш мумкин бўлмаган ҳолда, ўзлаштирмаган ўқувчи ва унга бириктирилган ёрдамчи ўқувчига йўриқнома берган ҳолда ўзаро ёрдам ташкил қилиш;

- дастурий материалнинг катта қисми ўтказиб юборилганда ўқитувчининг ўзи ўқувчи билан қўшимча дарс ўтказиши;

- сўраш даврида алоҳида ҳайри хохлик муҳитини яратиш. Сўраш суръатини пасайтириш, доска олдида узокроқ тайёрланишга руҳсат бериш;

- ўқувчига жавобнинг намунавий режасини таклиф қилиш, шунга асосланиб у доска олдида жавоб беради. Баҳо, қўллаб-қувватлаш, мақтов билан рағбатлантириш;

- янги материални баён қилганда мавзунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни қўллаб қувватлаш чораларини кўриш. Паст ўзлаштирувчиларга ўқув материалини тушунганлиги даражасини аниқлаш учун саволлар билан тез-тез мурожаат қилиш;

- дарсда мустақил ишларни ташкил қилишда паст ўзлаштирувчи гуруҳлар учун машқларнинг сонини кўпайтириш эмас, балки уларнинг самарали тизимини танлаб олиш. Топшириқни бажариш кетма-кетлигини муфассалроқ тушунириш;

- кутилиши мумкин бўлган кийинчиликлар тўғрисида огоҳлантириш, йўналтирувчи ҳаракат режаси бўлган карточкалардан фойдаланиш. Топшириқларни бажариш босқичларига бўлиб чиқиш. Аввалроқ бажарилган ўхшаш топшириқларни эслатиш;

- топшириқни бажаришнинг услуби ёки амалларини эслатиш. У ёки бу ҳаракат, қондани актуаллаштиришнинг заруратини кўрсатиш. Ушбу масала ёки машқни бажариш учун зарур бўлган қоида ёки хусусиятни эслатиш;

- топшириқларни бажаришнинг мақбул йўллари, уларни расмийлаштиришга бўлган талаблар тўғрисида йўриқнома бериш. Паст ўзлаштирувчиларнинг мустақил ҳаракатларини рағбатлантириш, уларнинг фаолиятлари устидан янада қаттиқроқ назорат ўрнатиш, хатоларни кўрсатиб бериш, хатоларни текшириш ва уларни тузатишга ёрдам бериш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рашидов Ҳ.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти.- Тошкент. ЎЗНИИПН, 2013 - 86 б.

2. Беззубова Е.Б. Типология школьной дезадаптации // В кн.: "Школьная дезадаптация: Эмоциональные и стрессовые расстройства у детей и подростков. Материалы Всероссийской научно-

практической конференции. 25 - 27 октября 1995 г". Москва, 1995. - с.33-34.

З. Гарганеев С.В., Балашов П.П. Механизмы школьной дезадаптации подростков и пути её преодоления // Вестник Московского Университета. – 2003. - №1 (27). - С.106-109.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ИНТИЗОМЛИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-МЕТОДИК ОМИЛЛАРИ

Х.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти катта илмий ходими педагогика фанлари номзоди, катта
илмий ходим

Мактабнинг барча ўқитувчилари, биринчи синфда ҳам, юқори синфларда ҳам, ёш ва тажрибали, ўзларининг ишида албатта тартиб-интизом муаммоларига дуч келишади. Охирги йилларда мактабда ўқув жараёнида тартиб-интизомнинг бузилиши ва гиперфаол болалар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Бундай шароитларда, педагогика фанида ва мактаб амалиётида мактабдаги интизом муаммосини ўрганиш ва у бўйича фикрлаш катта аҳамият касб этади, бу эса ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин: таълим сифатини ошириш; таълим олишнинг психологик қулай атмосферасини ва дўстона муҳитини таъминлаб беради.

Интизом – ўзини тутишнинг маълум бир тартиби, тарихан қарор топган қонун-қоида, маънавий қадриятларни одамлар томонидан риоя этилишидир. Шу тартиб қоидалар жамият ёки маълум синфлар ёки алоҳида жамоат гуруҳларининг манфаати учун ўрнатилади. Интизом кенг маънода талқин қилиниб, унинг ёрдамида жамоат тартиб қоидалари амалга оширилади. Интизом шундай воситаси

унинг ёрдамида одамлар бирлигининг қандайдир ички бирлигига эришилади [1].

Интизом жамиятнинг нормал, барқарор ривожланишининг муҳим шартидир. У туфайли инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари яхшиланади. Интизом жамоа фаолияти ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти ижобий тус олади. Жамиятда доимо барча мажбурий бўлган ва махсус интизом мавжуд. Махсус интизом фақатгина маълум бир алоҳида ташкилот (меҳнат жамоа, ҳарбий бўлинма ва ҳ.к.) аъзолари учун мажбурийдир.

Интизомнинг ички, ёки ўз-ўзини тартибга солиш дейиш ҳам мумкин. Шунингдек, ўз фойдасини кўзлаган ҳолда интизомга риоя этиш ёки мажбуран тартибли бўлиш турлари ҳам мавжуд. Ички интизом жамия аъзолари томонидан инсонлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрларни ўзига чуқур синдиришни назарда тутди. Бундай интизом ташқаридан кўрсатма берилмай, мажбурламай амалга ошади. Ички интизомдан фарқли ўларок, ўз фойдасини кўзлаб интизомга риоя этиш в амажбуран интизомга бўйсундириш ташқи санкциялар – ижобий ва салбий турларга бўлинади. Охир-окибат интизом жамият аъзоларининг шахсий мафаатларидан келиб чиққан ҳолда, улар томонидан ўз ҳатти-ҳаракатларини белгилайдиган ижтимоий меъёрларни бажаришга бўлган эҳтиёжлари орқали аниқланади.

Интизомлилик эса – интизомни маҳкам тутувчи, унга амал қилувчи, бўйсунувчи, тартибли шахсга хос хусусият. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «интизом» сўзига бундай изоҳ берилган: “Тартиб, тартибли тузилиш, изчиллик. Жамиятнинг ёки маълум жамоа аъзоларининг амал қилиши, бўйсунуши лозим бўлган қатъий тартиб, қоида.

Луғатда интизомга берилган таърифлардан бири «изчиллик»дир. Унга кўра интизом изчил, узлуксиз, мунтазам бўлмоғи керак, шундагина у яхши самара беради. Қатъий интизомга ёшликдан ўргатилса, бола катта бўлганда ҳам интизомли бўлади. Интизом инсон фаолиятининг барча турларида албатта бўлмоғи лозим. Интизом бўлмаган оила, жамоа ва корхона, муассасада иш унумдорлиги ҳамда сифати паст бўлади. Интизом бўлмаган жойда парокандалик вужудга келади, усиз ҳеч қандай тадбирни амалга

ошириб бўлмайди. Интизомли одам вақтдан тўғри фойдаланади, ўз вақтини тўғри тақсимлайди ва мақсадга эришади. Интизомли одам сабр-қаноатли бўлади, у нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам вақтини тежайди. Интизомли одам адҳига вафо қилади. Интизомнинг ўзи ҳам қайсидир маънода одамни трабиялайди. Масалан, аксарият ҳолларда интизомли ўқувчи дарсларни яхши ўзлаштиради, чунки у ўзини назорат қилишини, диққат-эътиборини жамлашни билади. Интизом тилимиздаги тартиб, қоида каби сўзлар билан муайян ҳолатларда маънодош бўлиб келади. Мумтоз адабиётимизда низом сўзи ҳам интизом маъносида қўлланганини кузатиш мумкин. Масалдан “Дунёга келган пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва ўриятларини тартиб ва низом ила юритмишлар. Хусусан ислом дини мукамал равишда тартиб ва низомган риюя қилишдир”. Абдулла Авлоний айтгандек,

Давлатнинг кони манбаи, тартиб-интизом.

Сарвари пойдори эрур иқтисоди том.

Муҳтожлиғ юзини кўрар деб гумон қилманг

Тартиб бирла юрса, кишининг ишимудом. [2].

Тарбия, интизом, алоҳида шахс маънавияти муаммоларни А.С.Макаренко асарларида ҳам ўз аксини топган. Макаренко интизомга мажбурлаш ёки ташқаридан билдирилган тартиб, вазифаларга риюя қилишгина эмас, балки шахснинг маънавий қиёфасини намоён этувчи ички интизом. Шунинг учун ҳамма машҳур педагогнинг фикрича, интизомсиз одам жамоага қарши турадиган маданиятсиз, маънавиятсиз шахсдир. Тартиб интизомга ўргатиш ва ўрганиш, биринчи навбатда, ўзи яшаётган жамиятга, жамият томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ҳурмат белгисидир. Макаренко интизомга тарбия воситаси сифатидагина қарамай, ўқитувчига ишонч ва ҳурмат воситаси сифатида ҳам қараган.

“Интизом - деб ёзган Макаренко,- тарбиявий таъсир этишнинг барча воситаларини қамраб олади. Бунга умумтаълим жараёни ҳам, сиёсий таълим жараёни ҳам, характерни шакллантириш жараёни ҳам, ўзаро тўқнашув ҳам, низолар ҳам, жамоада низоларни ҳал қилиш, дўстлик ва ишонч жараёни, умуман барча тарбиявий жараёнлар ҳам қиради”. Макаренконинг фикрича, онгли равишда ички эҳтиёжга айлангандагина алоҳида шахс эркинлигининг муҳим шартига

айланади. “Интизом – бу эркинликдир, у шахсни янада ҳимояланган, озод вазиятга солади, ўзининг ҳақлигига ишончини кучайтиради” [3].

Мактабдаги интизомлилик муаммосига оид фалсафий ва психологик-педагогик адабиётларнинг таҳлили мактаб давридаги интизомлилик хусусиятининг моҳияти ҳамда ўзига хослигини белгилаш имконини берди. Ўқувчиларда ўзининг хулқи, ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялашга интилувчи ўқитувчига интизомлилик сифатларининг ривожланиш даражалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Уларнинг моҳияти эса қуйидагича таърифланади:

1) меъёрларга риоя қилиш – ахлоқий муносабатлар шаклланмаган, лекин интизомлиликнинг ташқи кўринишининг муҳитидан кўчириб олинганлигидаги даража;

2) ахлоқий меъёрларни бажариш - интизомлилик инсонга бўлган ҳиссий муносабатдан келиб чиққан ҳолда субъект билан фаолиятли боғланган одамлар ёки ёқтирган одамларга бўлган қизиқиш билан шартланади;

3) меъёрларни одатдагидек бажариш – ахлоқий мотив билан шартланади. Интизомлилик муносабат сифатида шаклланган, автоматлаштирилган ҳаракатлар катта роль ўйнайди, лекин ўта шахсий бўлган қизиқишлар ҳали ҳам кўп ҳолларда хулқни белгилайди.

4) бир дақиқалик импульсив истакларни рад этиш ҳолатида интизомга бўйсунуш – интизомни бошқариб турувчи бурч ҳисси шаклланган;

5) интизом – шахснинг табиий эркинлиги сифатида, зарурий шахсий қадриятни ўзига қабул қилади; юқори даражада ахлоқий турғун; шахснинг мақсадлари ва қизиқишлари жамиятнинг мақсадларига мослашади ва инсонпарварлик йўналишида тавсифланади [4].

Интизомлиликнинг функционал таркибий қисмлари шахснинг сифатлари, хусусиятлари ва имкониятларини ривожлантириш учун моҳият ва аҳамиятни аниқлайди (1-жадвал). Бу моделдан кўринадики, операцион, иродали ва мотивацион таркибий қисмларнинг шаклланганлиги – шахснинг интизомли хулқи учун муҳим шартдир. Операцион ва мотивацион таркибий қисмлар иродавий таркибий

қисм орқали пайдо бўлади. *Билимлар, кўникмалар ва мотивлар* инсоннинг хулқини бошқариб турувчи механизм сифатидаги *ирода* бўлмаса, интизомли хулқнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қила олмайди. Лекин улар *ирода* компонентиға маъно беради, яъни хулқ мақсадға мувофиқ ва онгли бўлиши лозим. Маълумки, олий турға шундай интизомлилиқни киритиш мумкинки, унда барча бешта таркибий қисмлар шаклланган бўлиши лозим [5].

1 – жадвал

Интизомлилиқнинг таркибий қисмлари

Таркибий қисм (компонент)	Мазмун
Операцион (когнитив)	Хулқ билан боғлиқ ва уни амалға ошириш, ташқи ва ички талаблар ва меъёрларға риоя қилиш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар.
Иродавий	Ўзининг хулқини бошқариш қобилияти, ўзини ўрнатилган қоидалар, талаблар ва меъёрларни сўзсиз ва аниқ бажаришға мажбур қилиш.
Мотивацион (ориентацион)	Интизомли хулқнинг, талаблар ва меъёрларға амал қилишнинг мотивлари (уйғотувчи сабаблари).
Диагностик (рефлексив-баҳолаш)	Социум ва ўзига нисбатан ўзи ва ўзининг хулқини идрок этиши, ўзининг хулқини ташқи (ижтимоий) ва ички (шахсиятли) нуқтаи назаридан баҳолашни билиши.
Хулқий (фаолиятли)	Интизомлилиқнинг хулқда кўриниши (талаблар, қоидалар ва меъёрларға амал қилиши).

Интизомлилиқни миқдорий баҳолаб туриб, унинг ҳолатлари градациясини ишлаб чиқиш мумкин (2-жадвал). Ушбу шахсий сифат ҳолатлари градациясининг сони 4 га тенг (жуда паст, паст, ўрта ва юкори даража). Таркибий қисмларда эса – 3 (паст, ўрта ва юкори).

Интизомлиликнинг ҳолатлари градацияси

Даража	Тасниф
Жуда паст	Барча таркибий қисмларнинг паст даражаси. Интизомлилик тури – конформли ёки критик.
Паст	Мотивацион таркибий қисмнинг ўрта даражаси ва бошқаларининг паст даражасида хулқий таркибий қисмнинг паст ёки ўрта даражаси. Интизомлилик тури – критик ёки прагматик.
Ўрта	Мотивацион ёки операцион таркибий қисмнинг ўрта даражаси, лекин иродавий таркибий қисмнинг юқори даражасидаги хулқий таркибий қисмнинг ўрта ёки юқори даражаси. Интизомлилик тури – онгли ёки прагматик.
Юқори	Иродавий ва мотивацион таркибий қисмларнинг юқори даражасидаги (операцион таркибий қисм даражаси – ўртадан паст) интизомий таркибий қисмнинг юқори даражаси. Диагностик таркибий қисм даражаси – ўртадан паст. Интизомлилик тури – онгли.

Шахс интизомини фақатгина бўйсунтириш сифатида кўриб чиқиши мумкин эмас, у шахс эркинлиги нуқтаи назаридан, шахснинг ўз ўзини ташкил қилишга бўлган субъектив қобилияти сифатида кўриб чиқиши лозим. Муносабатлар тизими сифатида ҳамкорлик кўптомонламадир. Бунда “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди. Бир жараённинг субъектлари биргаликда ҳаракат қилишлари, каттароқ ёшли ва тажрибалининг камроқ тажрибали, лекин ёшлик кучига ва энергиясига эга бўлган шахс билан билан иттифоқини тузишлари лозим. Шундай қилиб, интизом – социумга нисбатан ўзига ўзининг хулқини англаган ҳолда ўз хулқини ички ва ташқи талаблар ва меъёрларга мос равишда бошқарадиган шахснинг ўз ўзини ташкил қилишга бўлган субъектив қобилиятидир. Ўз интизомига эга, ўз-ўзини ташкил қилишга қобилияти бўлган ўқувчи ўзининг шахсий эркинлигини оширган ҳолда тасодифий ташқи ҳолатлардан ўзини ҳимоя қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Философский энциклопедический словарь. М.: Энциклопедия, 2010.-С. 764-765.
2. Маънавият. Асосий тушунчалар изохли луғати. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010 – Т. 220 б.
3. Макаренко А.С. Соч. в 7 томах. М.: Изд. АПИ РСФСР, 1957. - Т.5. -С. 131-356.
4. Рогожникова Р.А. Определение уровня дисциплинированности школьников: Метод пособие / Перм. гос. пед. ун-т. Пермь, 1998. - 51 с.
5. Шлюбуль Е.Ю.Квалиметрическая оценка дисциплинированности студентов вуза./ Ж. Учёные записки университета имени П.Ф.Лесгафта.- № 7, 2012 . - Стр.145-150.

ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ҲАМДА ИНТИЗОМЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти катта илмий ходими педагогика фанлари номзоди, катта
илмий ходим

С.Н.Алимходжаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти катта илмий ходими

Замонавий шароитларда мактаб ўқувчиларида онгли интизом шаклланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини, ўқувчиларнинг билим даражасини, ўқув ва меҳнат интизомига сўзсиз риоя қилиш, ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўқувчилар жамоасида ўзини бошқаришни жараёнини тўғри ташкил этиш чамбарчас боғлиқдир.

Интизомли бўлиш мотивининг шаклланиши – бу белгиланган қоидаларга ва хулқ-атворнинг маълум бир моделига риоя қилишдан

иборат. Лекин бу модел ўқувчиларда кузатиладиган хулқ-атворнинг барча жиҳатлари камраб олинмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи хаёлан ўз моделини яратади. Бу модел, табиийки, ўқувчи учун таниш бўлган шароитларга ҳамда унда аввалдан шаклланган тасаввурларга мос бўлади. Зеро, ўқувчиларнинг хулқ-атвори турли мотивларга асосланган бўлади. Бу мотивларни 4 гуруҳга ва улар асосида интизомсизлиликнинг тўртта типини ажратиш мумкин:

1. **Ҳақиқий ёки онгли интизомлилик.** У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мотивлар: бурч ҳисси, ўз билимларини амалиётга татбиқ этишга интилиш ва умумий мақсадга эришишга ўз ҳиссасини қўшиш билан белгиланади. Етук мотивацияга эга бўлган ўқувчи ўқитувчининг талабларини жамоавий зарурлигини ҳамда шахсий аҳамиятга эга эканлигини англайди. А.С.Макаренконинг таъкидлашича, интизомли инсон деб ҳар қандай шароитда жамият учун фойдали бўлган хулқ-атворга эга бўлган ва ҳар қандай қийинчиликлар ва нохушликларга қарамай қатъият билан бу интизомга риоя қилган инсонни аташ мумкин.

2. **Конформ (тақлидий) интизом** белгиланган талабларга қандай муносабатда бўлишни англай олмаган ва кўп ҳолларда синфдошларига тақлид қиладиган ўқувчилар учун характерлидир. Уларнинг хулқ-атвори барқарор бўлмай, уларнинг хатти-ҳаракатида, ижтимоий-психологик омилар таъсирига мойиллик кузатилади. Баъзи ўқувчилар атрофдагиларга нисбатан тақлидий реакциялар таъсирида, бошқалар учун эса бошқа ўқувчиларнинг интизомга риоя қилиш элементларини ўз хулқ-атворида қайтариш орқали, учинчилари эса онгли равишда ахлокий қоидаларга риоя қиладилар.

3. **Прагматик интизом** ўзининг хулқ-атвори орқали имтиёзларга, устунлик ва афзалликларга эга бўлишга интилишдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, прагматик интизом ўқувчиларда кўп ҳолларда катталар томонидан уларнинг хатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берилмаганда намоён бўлади.

4. **Кескин интизомлилик** шахсни жазоланишдан ёки белгиланган талабларга риоя қилмаслик каби негатив оқибатлардан қўрқиш натижасида намоён бўлади. Бунинг сабаби ўқувчи томонидан тартиб интизомнинг ижтимоий аҳамиятини англамаслиги билан боғлиқ бўлиб, бу мотивация, ўз навбатида, интизомсизлик

шаклланишига олиб келади. Бундай интизом шахснинг шахсий сифатлари ва раҳбарларнинг ишлаш усули хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бундай ёндашувда ўқувчи томонидан белгиланган талаблар нотўғри қабул қилинади ёки умуман қабул қилинмайди. У доимий ҳолда ўз хатти-ҳаракатини оқламоқчи бўлади. Агар бу интизомсизлик унга фойдадан кўра кўпроқ зарар бўлсау талабларга риоя қилишга ҳаракат қилади.

Интизомлилиқнинг юқорида санаб ўтилган иккинчи, учинчи ва тўртинчи типлари сифат ривожланишининг паст даражасини белгилайди, чунки “жазоланишдан қўриқиб, манфаатни кўзлаш каби вазиятларда интизомга онгли равишда риоя қилинмайди”.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг ижтимоий хулқ-атворининг гуруҳлари мавжуд:

1. **Меъёрий хулқ-атвор** – ижтимоий меъёрларга мос, кўпчилиқ инсонларга хос, атрофдагилар томонидан маъқулланадиган ва мослашув жараёни оson кечадиган хулқ-атвор. Бундай хулқ-атвор индивидуал бўлмасда, умуман, у адекват, самаралидир. Математик статистика нуктаи назаридан, кўп, яъни 50 фоиз ҳолатларда учрайдиган вазиятлар меъёр ҳисобланади.

2. **Маргинал** (“чегара-меъёр”) хулқ-атвор – ижтимоий меъёрларнинг энг қуйи чегарасида бўлиб, у кенгайиб боради ва атрофдагилар норозилигига сабаб бўлади.

3. **Ностандарт** (“номеъёрий”) хулқ-атвор – айнаи вақтда жамиятда қабул қилинган меъёрлардан ташқари. У иккита асосий шаклларда намоён бўлади:

- **креатив** (ижодий) хулқ-атвор – янги ғояларни амалга оширади, меъёрларни оригинал тарзда, самарали равишда ўзгартиради, лекин кўп ҳолларда атрофдагиларнинг қаршилиқларига учрайди;

- **девиант** (оғишган) хулқ-атвор – деструктив ёки аутодеструктив, атрофдагиларнинг норозилигига ва ижтимоий мослашмасликка сабаб бўладиган.

4. **Патологик хулқ-атвор** – тиббий меъёрлардан оғишган, аниқ бир белгилар ва аломатлар шаклида намоён бўладиган, шахснинг иш қобилиятига таъсир этади ва унинг фаолияти самарадорлигини пасайтиради, атрофдагиларни хавотирга солади.

Девиант (оғишган) хулқ-атвор – шахснинг барқарор хулқ-атвори бўлиб, ўта муҳим ижтимоий меъёрлардан оғишган ва жамиятга ёки шахснинг ўзига зарар келтирувчи, шунингдек, унинг ижтимоий мослашмаслигини келтириб чиқарувчи хулқ-атвордир.

Хулқ-атворнинг оғишганлигини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Маънавий муаммолар – ҳаёт мазмунининг йўқолганлиги, шаклланмаган маънавий қадриятлар (виждон, масъулият, ҳаққонийлик), ички бўшлиқ, ўзини намоён қилиш, кўрсатиш хоҳишининг йўқлиги.

- Шахснинг қадриятли-мотивацион тизимидаги бузилишлар – девиант қадриятлар, вазиятли-эгоцентрик йўналганлик, эҳтиёжларнинг фрустрацияси (бузилиши), ички низолар, психологик ҳимоя механизмининг сустлиги.

- Эмоционал (хиссий) муаммолар(хавотир, депрессия, негатив эмоциялар, тушунмовчиликлар).

- Ўзини бошқаришдаги муаммолар – ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш қобилиятининг бузилганлиги, ўзига ишонч ва ноадекват баҳо бериш, ўзини ўта ёки етарли даражада бўлмаган даражада назорат қилиш, шароитга мослашиш ва позитив имкониятларининг пастлиги.

- Когнитив бузилишлар – дисфункционал фикрлар, тафаккур стереотиплари, билимларнинг саёзлиги, ноадекват установакалар.

- Негатив ҳаётий тажриба – салбий одатлар ва кўникмалар, ригид хулқ-атвор стереотиплари, психик жароҳатлар, зўрлаш тажрибаси.

Таъкидлаш лозимки, бола 5 ёшдан ошгандан сўнг “хулқ оғишганлик” аломатларини кўриш мумкин, 9 ёшдан кейин эса бу аломатлар яққол намоён бўлади. 5 ёшгача бола онгида ижтимоий меъёрлар ҳақидаги тасаввур бўлмайди. Чунки улар катталар томонидан назорат остида бўлади. 9–10 ёшда бола мустақил равишда ижтимоий меъёрларга риоя қила бошлайди. 5 ёшгача негатив хулқ-атвор боланинг психик ривожланишидаги оғишлар, руҳий бузилишлар натижасида намоён бўлиши мумкин.

Хулқ оғишганликнинг шаклланишига ички биологик жараёнлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Хулқ оғишганлигининг биологик

асослари маълум бир ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлиб, инсон организмдаги биологик ўзгаришлар, масалан, асаб тизимининг реактивлиги ёки гормонал ўзгаришларга боғлиқдир.

Умуман олганда, оғишган хулқ-атвор мураккаб ижтимоий ва биологик омилларнинг ўзаро таъсири натижасидир ва бу эса, ўз навбатида, шахс тизими орқали изоҳланади.

Ўсмирлар орасидаги девиант хулқ-атвор сабаблари кўп ҳолларда:

- психик ва психофизиологик бузилишлар билан боғлиқ сабаблар;
- ижтимоий ва психологик характердаги сабаблар;
- ёш кризиси билан боғлиқ сабабларда намоён бўлади.

Ўсмирлар хулқидаги оғиши динамикасига таъриф бериб Б.Н. Алмазов ижтимоий дезадаптациянинг учта босқичини кўрсатади:

1) *ён бериш босқичи*: бола ёки ўсмир ички зўриқишни бартараф этишга ҳаракат қилади, умумий қоидаларга риоя қилишни мақсад қилади;

2) *низоли-намоёнишкорона босқич*: ўсмирнинг аввалги босқичдаги хулқ-атвори унинг ўзи хоҳлаган натижаларни бермайди;

3) *ички муҳитдан ажралиш босқичи*: ўсмир ўзини гуруҳ аъзоси сифатида ҳис этмайди ва ўзига ҳамфикрлар излайди .

Ўсмирдаги хулқ оғишганлигининг муҳим омили – бу унинг девиант тенгдошларидир. Девиант гуруҳнинг мавжудлиги:

а) ўсмир девиант хатти-ҳаракатни “осонликча” содир этади;

б) бундай хатти-ҳаракатни содир этишда ўсмирни психологик қўллаб-қувватлайди;

в) ўсмирнинг девиант мойилликлари намоён бўлишига тўсқинлик қилувчи шахсий ва ижтимоий назорат механизмларининг самарасини сусайтиради.

Ўсмир-девиантларда ўзига ва атрофдагиларга муносабатдаги девиант стратегиялар ҳам мавжуд:

• *ўзини бошқалардан устун қўйиш* – ўзини “алоҳида фазилат” эгаси деб кўрсатиш, бошқаларни камситиш, уларни таъқиб ва назорат қилиш;

• *бировларнинг унга ғамхўрлик қилишини манипуляция қилиш* – сен мендан қарзсан; мени яхши кўришингни исботла; агар сен менга...мен ўзимни яхши тутаман; бошқалар буни қилсинлар; менга ёрдамингиз керак, чунки мен ҳимояга муҳтожман;

• *жавобгарликдан қочиш ва уни инкор этиш* – сен мени бунга мажбур қилдинг; бу уларнинг айби; нима қилишимни менга буйруқ беришга ҳаққинг йўқ; пассив бўйсунмаслик; муттаҳамлик; тартибсизликни келтириб чиқарувчи бузғунчилик;

• *қасд олиш* –ғаламисли хулқ-атвор, атайин зиён етказиш, бузғунчилик характеридаги бўйсунмаслик; “Мен портлатиб юбораман.., ўзимга зиён етказаман.., ҳаммангизни пушаймон бўлишга мажбур этаман...мен шунчаки ҳазиллашдим..”;

• *дунёга параноидал қарашнинг сақланиб қолиши* – улар мени бу хатти-ҳарактни содир этишга мажбурлашди, улар менинг ҳар бир ишимдан айб қидиришади. Мунтазам шикоятлар, муаммони бартараф этишга ҳаракат қилмаслик.

Унинг барча хатти-ҳаракати умумий мақсад, яъни шахсий ва ижтимоий ўхшашликни сақлаб қолишга қаратилган. Шахсий планда - ўзининг ижобий образини таркиб топтиришга ҳаракат қилса, ижтимоий планда эса қандайдир ижтимоий ўхшаш гуруҳга мансуб эканлигини таъкидлайди. Барча хулқ-атвор аломатлари ўзининг муҳимлиги ва аҳамиятлилигини ҳис қилишга йўналтирилган. Девиантлик муаммоси шундаки, субъект ўзини тасдиқлаш учун мотивацион мақсадларини деструктив амалга ошириш усулларини танлайди.

Педагоглар, психологлар ва социологлар фикрига кўра мазкур муаммога энг самарали ёндашувлардан бири ижтимоий-шахсий ёндашув бўлиб, у ўз ичига айнан биологик, психологик ва ижтимоий сабабларни қамраб олган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Негаки, хулқ оғишганликнинг детерминанти (сабаби) шахсий омиллар, вазиятлар эса модулятор вазифасини ўтаб, шахсий хусусиятлар намоён бўлишининг вариативлигини (турли кўринишларда) содир бўлиниши белгилайди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Змановская Е.В. Девиантология: (Психология отклоняющегося поведения). – Москва: Академия, 2004. – 288с.

2. Шнейдер Л.Б. Девиантное поведение детей и подростков. – М.: Академический Проект; Трикста, 2005. – 336 с.

3. Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. – Санкт-Петербург: Питер, 2000. – 352 с.

4. Бреслав Г.Э. Психологическая коррекция детской и подростковой агрессивности. – Санкт-Петербург: Речь, 2004. – 144 с.
5. Лоренц К. Агрессия – Санкт-Петербург: Амфора, 2001. – 349 с.
6. Лютова Е.К., Моница Г.Б. Тренинг эффективного взаимодействия с детьми. – Санкт-Петербург: Речь, 2001. – 191 с.
7. Прокофьев Л.Е. Основы психической саморегуляции. – Санкт-Петербург: Лань, 2003. – 32 с.
8. Рычкова Н.А. Деадаптивное поведение детей: Диагностика, коррекция, психопрофилактика. – Москва: ГНОМ и Д, 2000. – 96 с.
9. Собчик Л.Н. Диагностика индивидуально-типологических свойств и межличностных отношений. Практическое руководство. – Санкт-Петербург: Речь, 2002. – 96 с.

ЎЌУВ ФАОЛИЯТИ ШАРОИТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ВА УЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ ХУСУСИДА

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Р.Мусурманов,

педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Таҷрибаларимиздан маълумки, таълим муассасаларида ўқув фаолияти шароитида ўзига хос Келишмовчиликлар содир бўлиб туради. Унинг сабаблари турлича бўлиб, асосан ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари натижасидан келиб чиқади. Агар бу Келишмовчиликка ота-она ҳам ўзининг салбий муносабатини билдирса, унда муаммо янада чигаллашади, айрим ҳолларда мактаб раҳбарлари аралашуви ҳам томонлар қарама-қаршилигига барҳам бермаслиги мумкин. Бундан кўринадики, таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган бундай иллат яхшигина илдиз отиб улғурибди. Эндиги вазифа бу иллатни томири билан юлиб ташлаш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар самарасига боғлиқ бўлади. Субъектлар ўртасидаги мувозанатни барқарорлаштириш учун анчагина меҳнат, сабр-тоқат, чидам ва бардош керак бўлади. Шунинг

учун ҳам педагогик соҳа баркамол шахсни тарбиялашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият турлари мажмуидан иборат бўлиб, унинг мазмунини ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ёш авлодга етказиш ташкил этади. Айнан шу даврда педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар учун руҳий сокинликни таъминлайдиган макбул ижтимоий-психологик шарт-шароитлар зарур бўлади. Бундай шароит дастлаб оилада яратилмоғи лозим. Чунки оила тарбиянинг дастлабки бўғини бўлиб, ўқувчининг руҳий ҳолати барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Агар оилада ота-оналар ўртасидаги муносабатлар тажанглик ва қўполликка асосланган бўлса, боладаги руҳий ҳолат ҳам шунга яраша бўлиб, у нафақат ўқитувчиси билан ҳаттоки тенгдошлари билан ҳам тил топа олмайди. Чунки, “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Ана шу хатоларни таълим-тарбия маскани тузатиши керак. Энг асосийси таълим-тарбия маскани раҳбар ва ўқитувчилари бу масалада ижтимоий ҳаётда ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Улар нафақат ўқувчини, балки, унинг ота-онасига ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб, уларнинг педагогик ва психологик онгини ҳам шаклланишига, тарбия борасида оилада йўл қўйиб келинаётган нуқсонларни бартараф этишнинг аниқ механизмларини кўрсатиб беришлари лозим. Мактаб деб аталмиш улуғ даргоҳнинг елкасидаги салобатли юкнинг салвори ҳам ана шунда ўз аксини топади.

Олимлар халқ таълими фаолияти иштирокчиларининг ўзаро Келишмовчиликда кузаиладиган тўртта субъектини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. Булар: ўқувчи, ўқитувчи, ота-она ва таълим-тарбия маскани маъмуриятидир. Демак, ўзаро Келишмовчиликлар ҳам ана шу тўртта субъект ўртасида содир бўлади: ўқувчи билан ўқувчи; ўқувчи билан ўқитувчи; ўқувчи билан ота-оналар; ўқувчи билан маъмурият; ўқитувчи билан ўқитувчи; ўқитувчи билан ота-оналар; ўқитувчи билан маъмурият; ота-оналар билан ота-оналар; ота-оналар билан маъмурият; маъмурият билан маъмурият.

Қуйида мактаб фаолиятида энг кўп тарқалган ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликни кўриб чиқай. Келишмовчиликлар ичида диққатга сазавори синфда етакчилик учун ўзаро кураш олиб бораётган икки-уч ўқувчилар ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги

келишмовчиликдир. Шунингдек, ўрта синфларда кўпинча ўғил болалар ва қизлардан иборат гуруҳлар ўртасида келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, уч-тўртта ўсмир билан бутун синф ёки бир ўқувчи билан синф жамоаси ҳам Келишмовчиликка бориб қолиши мумкин. Психологларнинг кузатишича (О.Ситловская, О.Михайлов) лидерлик сари йўл, айниқса ўсмирлар орасида, ўзининг устунлигини, бошқа бировни тан олмаслигини, қаттиққўллигини кўрсатишда намоён бўлади. У ўзининг барча хатти-ҳаракатларида бошқаларни тан олмаслик ва уларга нисбатан паст назар билан қарашга мойил бўлади.

Ўқувчиларда агрессив хатти-ҳаракатнинг ривожланиши шахснинг ижтимоийлашувидаги нуқсонлар билан боғлиқ. Тадқиқотларда мактабгача ёшдаги болаларнинг агрессив хатти-ҳаракатлари сони билан ота-оналар томонидан уларни жазолаш частотаси ўртасида ижобий алоқа борлиги маълум бўлган (Р.Сирс). Ота-оналар ўғил болаларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш орқали таъсир қилганларида уларнинг жанжалкаш бўлиб улғайишлари исботланган (А.Бандура).

Ижтимоийлашувнинг дастлабки босқичларида агрессивлик кутилмаганда ҳам содир этилиши мумкин. Агар ушбу хатти-ҳаракат орқали мақсадга эришиладиган бўлса, бола қийин ҳолатларга тушиб қолса агрессивликни ўзининг қуролига айлантириб олиши мумкин. Ана шундай ҳолатлар юз беравергач, агрессия бола учун мақсад сари интилиш воситаси бўлиб қолади.

Ўсмирнинг синфдошлари билан келишмовчиликка бориши ёш кўрсаткичининг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб, уларни маънавий-этик шаклланишини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Мактабда бола шахси ижтимоийлашувининг қай даражада муваффақиятли ҳал этилиши, улар томонидан миллий-маънавий қадриятларни ўзлаштиришлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар интенсивлигининг ўзгаришига боғлиқ.

Ўзаро келишмовчиликларни бартараф этишда интизом сезиларли роль ўйнайди. Боланинг ҳар тарафлама ривожланиши учун етарли эркинлик ва шароит яратиб бериш маълум тартиб-қоида доирасида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Болага нисбатан ишонч,

эркинлик, фикр-мулоҳазаларини хурмат қилиш, унинг қўнглида тўғри йўлга киришга нисбатан илиқлик уйғотади.

Болаларнинг ўзаро қелишмовчилик хатти-ҳаракатига нисбатан ўқитувчи шахсининг таъсири катта бўлади. Бунда педагогнинг таъсири турли аспектларда намоён бўлиши мумкин.

Биринчидан, ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан ўзаро муомала маданияти, меҳр-муҳаббати агрессив характерли ўқувчиларни ҳам тўғри йўлга тушишига намуна бўла олади. Бундай ҳолатда ўқитувчидаги касбий маҳорат, етарли тажриба муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича, болалар биринчи устозининг ўзига хос мулоқоти, педагогларини педагогик тактикаси ўқувчиларнинг синфдошлари ва ота-оналари билан ҳам ўзаро муносабатларига сезиларли ижобий таъсир этади. Ўз навбатида синфдошлар ҳам, ота-оналар ҳам уларга нисбатан кўрс муомалада бўлмасликлари, ҳамкорликда ўсмир характеридаги нуқсонга барҳам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишлари зарур. Акс ҳолда “мен сендан камми” қабилида вазият ўнгарилмасдан қолаверади. Ўқитувчининг шундай тоифадаги ўқувчилар билан олиб борган тарбиявий таъсирининг ўзига хослиги ва унинг “ҳамкорлик” педагогик тактикаси болаларнинг ўзаро қелишмовчилигини олдини олиши мумкин.

Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчилар ўртасидаги ўзаро жанжалларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги ва уларни бартараф этиш учун шай турмоғи шарт. Аммо, бу ўқувчилар иродасини букиш, улар эркинликларини поймол қилиш дегани эмас. Ўзаро қелишмовчиликнинг мураккаблик даражасига қараб иш тутиш мақсадга мувофиқ бўлади. Балки, вазиятга қараб, мактаб маъмуриятининг аралашуви асқотар ёки устозларнинг яхши маслаҳати ва насихатларининг ўзи етарли бўлиши мумкин.

Таълим-тарбия жараёни жамиятнинг барча соҳаларидаги ривожланишлари сингари қелишмовчилик ва қарама-қаршиликлардан холи бўлмайди. Айниқса, оилавий шароити яхши бўлмаган, ноқобил оилаларда тарбия топаётган болалар билан бўладиган қелишмовчиликларни ҳозирги замон воқелиги билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундай ҳолатнинг асосий сабабчиси оила

бошлиқлари, ўқитувчилар, қолаверса, яшаш жойларидаги маҳалла мутасаддиларининг бефарқлиги оқибатидир.

Тадқиқотчи М.М. Рибакованинг фикрича, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни куйидаги турларга ажратиш мумин:

- ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштира олмаслиги, дарсдан ташқари топшириқларни бажара олмаслиги;
- ўқувчиларнинг салбий хулқ-атворлари натижасида мактаб ва мактабдан ташқари тартиб-қоидаларни доимий бузиш ҳоллари;
- ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро шахсий-эмоционал муносабатлари натижасида.

Тадқиқотчининг фикрига қўшилган ҳолда яна эътироф этиш керакки, ота-оналар томонидан фарзандларининг ўқув дастурларини ўзлаштириш самарадорлиги юзасидан фаолиятларини назорат қилиб бормасликлари ҳамда дарсларини ўзлаштира олмаслик сабаблари билан доимий қизиқмасликлари бунга яққол сабабдир. Назоратнинг бўшлиғи, ота-онанинг бефарқлигидан бола унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб, аста-секинлик билан мактабдан безиб, кўча боласига айланади.

Ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги келишмовчилик кўпинча ўқувчининг уй вазифасини бажармаганлиги ёки сифатсиз бажарганлиги натижасида келиб чиқади. Бунинг сабаблари эса: ўқувчидаги чарчоқ, бетоблик, ўқув материални ўзлаштиришда қийналиш, тушунмаслик, ўқув куролларининг етишмаслиги, уйда етарли шароит яратилмаганлиги бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда ўқувчига амалий ёрдам бериш ўрнига ўринсиз танқид, тергаш, унинг шаънига нисбатан айтиладиган кўпол сўзлар – бу албатта, Келишмовчиликка омил бўлиб хизмат қилади. Тажрибалар кўрсатадики, баъзида айрим ўқитувчилар гўёки ўқувчи ҳамма нарсани кўтаришга мажбур, яъни уни хоҳлагандай танқид қилиш, устидан кулиш, ҳақоратлаш мумкин, деб ўйлайдилар. Бундай тоифадаги ўқитувчилар ҳеч қачон ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоада обрў-эътибор топмайдилар. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ўқитувчи томонидан ўқув материални ўзлаштиришга ортикча тарзда жуда юқори талаблар қўйиб, синфда интизомни бузган ўқувчининг баҳосини қасдан пасайтириб қўйиш, ўқувчини жазолаш пайида

бўлишлари истеъдодли ўқувчиларни мактабдан кетиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Натижада бошқа ўқувчиларда ҳам ўқишга нисбатан иштиёқ пасайиши кузатилмоқда.

Ўзаро келишмовчиликни бартараф этишда ўқитувчи томонидан қўйилган хато янги муаммо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Педагогик фаолиятда келишмовчиликни бартараф этишдан кўра уни олдини олиш осонроқдир. Энг муҳими, келишмовчилик юз берганда ўқитувчи вазиятга қараб ўз нуқтаи-назарини белгилашидир. Агар синф жамоаси унинг тарафида бўлса, юзага келган шароитда вазиятдан чиқиши осонлашади. Агар синфдагилар интизом бузувчи томонда ёки иккиёқлама позицияда бўлса, бу ҳол салбий ҳолат (масалан, келишмовчиликлар мунтазамликка айланиши) ни келтириб чиқаради. Кўпинча ўқитувчилар юқори синф ўқувчилари билан ҳам қуйи синф ўқувчиларидагидек мулоқотда бўладилар. Мулоқотнинг бундай кўриниши каттароқ ёшдаги ўсмирнинг ёш хусусиятларига тўғри келмайди. Чунки катта ёшдаги ўсмирлар ўзга бошқача назар билан қарай бошлайдилар, улар ўзларини катталар билан тенг ҳисоблайдилар. Келишмовчиликларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввал ўқитувчи психологик жиҳатдан мулоқотнинг янги кўринишига тайёр бўлиши зарур. Ўқитувчи ўқувчи хатти-ҳаракатларини аниқ сабабларини билмасдан туриб унга баҳо бермаслиги ва уни тузатишга киришмаслиги керак. Синфдаги келишмовчиликларнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчининг хатти-ҳаракатлари сабабларини аниқлаб олиши, тўла тасаввурга эга бўлиши муаммони ижобий ҳал қилишга хизмат қилади. Аксинча, ўқитувчи хатога йўл қўяди, ўқувчиларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Таълим-тарбия муассасаларида юз берадиган келишмовчиликларни таҳлил қилиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, глобаллашув шароитида педагоглар ўқув фаолияти шароитида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб, баркамол инсонни тарбиялашдек улуғвор ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари ҳам фарз, ҳам қарз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Макаренко А.С. Методика организации воспитательного процесса воспитания II Избр. пед. соч.: В 2 т. Т. 1. – М., 1978. – С. 200.
2. Козлов Э.П. Методика воспитания сознательной дисциплины школьников - Ростов на Дону. 1982
3. Потапова Е.М. Радость познания. – М., Просвещение, 1990.
4. Омарова Р.С., Кудайбердиев Т.К., Сариев А.А. Особенности процесса обучения в условиях 12-летней школы: Методическое пособие. Алматы: «Гылым», 2003.
5. 4.Фридман Л.М. Изучение личности учащегося и ученических коллективов – М: Просвещение, 1988.

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДА БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ТАЪСИР ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор,

С.Н.Алимходжаева,

“Maktab va hayot” илмий-методик журнали муҳаррири

Барча ўқитувчилар ўз фаолиятларида ўқувчиларнинг дарс интизоми билан боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келишади. Улар ўқувчиларга маълум талабларни қўядилар ва ўқувчилар бу талабларга сўзсиз амал қиладилар деб ўйлайдилар. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни “кўчадаги қарама-қарши ҳаракатга” қиёслаш мумкин, чунки ўқувчининг ўқитувчига муносабати конфликтли ва муаммоли ҳулқ-атвор шаклида намоён бўлади.

Интизомга риоя қилмайдиганларга нисбатан конструктив таъсир самарали бўлиши учун бу хатти-ҳаракатнинг асл мотивлари нимадан иборат эканлигини аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда муаммонинг ечимини топиш усуллари танлаш лозим. Бундай ёндашув ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳурматни шакллантиради.

Муаммоли хулқ-атворнинг мотивлари. Интизомни бузган ўқувчи бу хатти-ҳаракат нотўғри эканлигини тушунади, лекин у ўз хулқ-атворининг мотивини тушунмайди. Ҳар бир бола учун бу хатти-ҳаракатнинг турли сабаб ва мақсадлари мавжуд. Педагоглар бу мотивларнинг қандай бўлишига қарамай уларга таъсир этиш усулларини топишлари лозим. Агар педагоглар хулқ-атворнинг бузилиш мақсадларини аниқлашга қодир бўлсалар, у ҳолда ўқувчи билан конструктив муносабатларни ўрната оладилар, унумсиз мулоқот самарали мулоқотга айланиши мумкин. Бунда тўғри стратегияни танлаш кадамма-кадам муаммонинг ечимини топиш имконини беради. Бундай вазиятга педагогик аралашув натижасида шундай шароитлар яратиладики, болалар ўз интизомларини тўғрилаш борасида маълум қарор қабул қиладилар.

Ўқувчининг хулқ борасидаги танлови, унинг ёмон хулқ-атворининг мақсади ўқитувчи томонидан аниқланиши ва инобатга олинишига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчига ўзини мактаб ҳаётининг тўлиқ иштирокчиси эканлигини англашига ёрдам бериши лозим. Бу борада педагогга мазкур муаммога индивидуал ёндашиш бўйича амалий режа тузиш тавсия этилади. Бу режа ўқувчининг хулқ-атворига самарали таъсир этишнинг усулидан иборатдир.

Режани тузишда ўқитувчи ўзининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади. Албатта, бунда вақт ва вазиятни таҳлил этиш талаб этилади, лекин натижалар ўзини оқлайди. Ўқитувчининг қарашлари яъни установакиси ўзгаради, хавотирлик йўқолади, авваллари муаммоли ўқувчидан фақатгина ёмон хулқ-атвори кутган бўлса, энди ютуққа эришишга ишончи комил бўлади.

Ушбу режани қуйидагилар ташкил этиши мумкин:

- “ёмон” хулқ-атворнинг сабабини аниқлаш;
- уни бартараф этиш усулларини танлаш;
- ўқувчини қўллаб-қувватлашнинг истиқболга йўналтирилган тактикасини ишлаб чиқиш;
- муаммони ҳал этишга ота-оналарни ва педагогларни жалб этиш.

Режани амалга оширишда педагог кетма-кетликдаги 5та вазифани бажаради.

1-вазифа. Муаммоли хулқ-атвори холисона изоҳлаш. Барча ўқитувчиларга ўқувчининг хулқ-атворини изоҳлашда холислик

етишмайди. Интизомни бузганда ўқувчи айнан нималар қилиши “ҳиссиётга берилмай” қисқа изоҳланиши керак. “У жуда ёмон бола”, Унинг фикри тарқоқ, паришонхотир”, “Уни бошқариш жуда қийин” каби изоҳлар ўқитувчининг ўқувчига нисбатан берилган нотўғри баҳоси ҳисобланади. Бу изоҳлар ўқувчининг хулқ-атвориға берилган баҳо бўлмай, балки айрим ўқитувчиларнинг ўқувчилар хулқ-атворини тузатишда натижаға эриша олмаганлигини билдиради. Лекин битта ўқувчи ҳамма ўқитувчиларға нисбатан ҳам бундай хатти-ҳаракатни амалға оширмайди.

2-вазифа. Ёмон хулқ-атворнинг сабабини тушуниб олиш. Атрофдагиларнинг ўзига бўлган эътиборини хоҳлайдиган ўқувчилар ўзларини худди ҳақиқий артистлардай тутадилар ва кўп ҳолларда бундай хулқ-атворнинг сабаби шу бўлади. Шундай болалар борки, улар ёки бутун синфни жонлантиришлари мумкин, ёки аксинча, барча ишларни жуда секинликда амалға оширадилар. Бундай болаларни барча ишларда фаол бўладиганларға нисбатан “тузатиш” қийинроқ кечади, чунки улар интизомни расман бузмайдилар. Эътиборға бўлган эҳтиёж психологик жараён бўлиб, овқат ва сувдек зарур. Уйдаги эътиборнинг камлиги унинг мактабдаги хулқ-атвориға таъсир этади. Бундай болалар ижобий мулоқот қилишни билмайдилар. Педагогдан бундай ўқувчиларға имкон қадар кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади.

Улар ўзларини кўрсатиш учун турли усуллардан фойдаланадилар, яъни барча ишларнинг аксини қилишға, масалан, назорат ишини ҳаммадан кейин бажарадилар ёки умуман топширмайдилар, синф олдида ўқитувчининг обрўсига путур етказадиган сўзларни айтадилар. Бу эса ўз навбатида хавотир ва зўриқишни юзаға келтиради. Шундай болалар ҳам борки, улар бир қарашдан интизомли, хушмуомала бўлиб кўринадилар, лекин ўзлари хоҳлаган ишни қиладилар, диққатларининг тарқоқлиги ва хотиранинг пастлиги, жисмоний ҳолатлари билан ўзларини оқлайдилар. Улар тартиб-қоидаларға ва ўзидан катталарға бўйсунуш кераклигини аниқ англаб етмайдилар. Агар ўқитувчи ўқувчидаги бундай характерли хусусиятларни тузатишға эришса, бундай ўқувчилар шахсида лидерлик ва мустақил фикрлаш қобилиятлари шаклланади. Улар мустақил фикрлашни, қарор қабул қилишни ва ўз ҳаётларини назорат

қилишни хоҳлайдилар. Мураккаблик томони шундаки, бундай томонларни улар бошқаларга ҳам нисбатан қўллашга, уларни бошқаришга ҳам ҳаракат қиладилар.

Ўқувчи интизомни бузганда айнан қандай хатти-ҳаракатни амалга ошириши, қандай вазиятларда буни қилаётганини қайд этиш ва нима учун бундай қилаётганини аниқлаш муаммоли хулқ-атворни ҳолисона изоҳлаш имконини беради.

Эътибор ва биринчиликни талаб қилаётган болалар ўта ёқимли ва хушмуомала бўлишлари мумкин. Ножўя хатти-ҳаракатларни қасд олиш мақсадида амалга оширадиган ўқувчилар эса агрессив, хўмрайган, жаҳлдор бўладилар. Бундай хулқ-атвор боланинг нимадандир норозилиги ва ранжиганлигининг оқибатидир. Ўқитувчи ҳар куни боланинг олдида бўлганлиги сабабли у бошқалардан кўрган аламининг қасдини ўқитувчидан олади. У дарсга халакит беради, китобларни йиртади, синфдошлари билан жанжаллашади, мунтазам равишда кечикиб келади. Бундай ўқувчилар ўқитувчини турли йўллар билан жаҳлини чиқаришга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда қасд олиш учун ўйлаб топилган ножўя хатти-ҳаракатлар болаларнинг ўзларига катта зарар етказиши, яъни улар ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйишлари, эрта жинсий алоқа ва жиноятга қўл уриш(қасд олишнинг фаол шакллари)лари мумкин. Лекин одамовилик, тортинчоқлик, бефарқлик каби қасднинг пассив шакллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатларда ўқитувчи болага ёрдам бермоқчи бўлади, лекин натижага эришиш бироз қийин кечади.

“Ёмон” хулқ-атворнинг мотивлари:

- эътибор талаб этиш;
- ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиш;
- қасд олиш истаги;
- омадсизликдан қочиш.

Бундай болалар бошқаларни хафа қилиш орқали ўзларини ҳимоя қиладилар. Агар одамови, ғамгин болалардаги бундай руҳий ҳолатларнинг ўз вақтида олди олинмаса, улар депрессияга тушиб суицид ҳолатларини ҳам содир этишлари мумкин.

Шундай ўқувчилар ҳам борки, улар ҳеч кимга зарар етказмайдилар, лекин яна омадсизликка учрайман деб, ўқитувчи сезмайди, деб ҳеч нима қилмайдилар. Ўзларини “ҳаракат қилсам,

буни қила оламан, лекин ўзим хоҳламайман” деб оклайдилар. Фанлар бўйича назорат ёзма ишларида бирдан касал бўлиб қоладилар ёки дарсдан кетиш учун асосли сабаб топадилар. Бундай тарзда улар ўзларини англанилмаган ҳолда ҳимоя қиладилар. Ўқитувчида кўп ҳолларда ўқувчининг самимийлигига шубҳа уйғонади. Мана шундай болалар ўқитувчидан кўпроқ “Сен буни уддалайсан, қўлингдан келади!” деган сўзларни эшитишлари керак. Мунтазам равишда улар ўқитувчининг қўллаб-қувватлашини сезсалар уларда ўзига нисбатан ҳурмати ва ишончи ортади, ўзини бундай хатти-ҳаракатлар билан ҳимоя қилиш эса камаяди.

3-вазифа. Ўқитувчининг нуктаи назари ва муносабатининг ўзгариши. Ўқувчининг хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда ўқитувчининг шахси, унинг ўқувчилар билан мулоқот ва муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ўқитувчилар ўқувчи билан маълум қоидалар доиралари асосида муносабат қилишлари лозим.

1-қоида. Ўқувчининг шахсига эмас, балки унинг айни вақтдаги хулқ-атвориغا диққатингизни қаратинг. Ўқувчининг хулқ-атворини муҳокама қилаётганда унга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилинг. Бунда айни вақтда содир этилган хатти-ҳаракат ҳақида “шу ерда ва ҳозир” гапиринг. Ўқитувчи томонидан бундай хатти-ҳаракатни аввал ҳам содир этгансан ёки келажакда ҳам содир этишинг мумкин деб танбеҳ берилса, ўқувчи тушкунликка тушиб, бу хатти-ҳаракатни тузатиб бўлмас хато деб ўйлайди. Ўқитувчи ўқувчига нисбатан қатъиятли, шу билан бирга хайрихоҳ бўлиши керак. Ўқитувчининг: “Менинг сенга муносабатим жуда яхши, инсон сифатида мен сени ҳурмат қиламан, бу қилаётган ишингни ҳозирроқ бас қилишингга ишончим комил” деган сўзлари ўқувчи учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзини ҳурмат қилишга, хулқини яхши томонга ўзгаришига туртки бўлади.

2-қоида. Ўзингизнинг негатив ҳис-туйғуларингизни назорат қилинг. Ўқувчи бизнинг айни вазиятда унга жahl қилсак, ғазабимизни билдирсак, бунга жавобан ўзини янада касдма-қасд ёмон тутиши мумкин. Ўқитувчи қачонки ўз ҳис-туйғуларини назорат эта олса ўқувчига ўзини ёмон тутишига имкон бермайди ва келгусида яхши шахслараро муносабатлар учун замин ҳозирлайди.

3-қоида. Вазиятни янада кескинлаштирманг. Ўта баланд овозда гапириш, “бу ерда ўқитувчи мен, сен эмас” деган иборани ишлатиш, пичинг ва истехзо билан гапириш, шахсиятга тегиш, низога бошқаларни ҳам жалб этиш, ташқи кўринишини танқид қилиш, ўқувчиларни калака қилиш ва бошқалар қатъиян ман этилади. Буларнинг баъзилари қисқа вақтга ўқувчини тинчлантириши мумкин, лекин унда ўқитувчига нисбатан хурмат уйғонмайди ва ишончли мулоқотга кириша олмайди.

4-қоида. Ўқувчининг хатти-ҳаракатини бутун синф олдида эмас, балки дарсдан сўнг бир ўзи билан муҳокама қилинг.

5-қоида. Ўқувчилар одатда ўқитувчининг барча айтганларини “ўзлари хоҳлагандек”, яъни афтларини бужмайтириб, шошмасдан, бажарадилар. Агар ўқитувчи бунга аҳамият бермаса, ўқувчи ўз-ўзидан қоидаларга бўйсунishi мумкин, улар ўртасида қарама-қаршилиқ пайдо бўлмайди.

6-қоида. Ўқувчига дўк-пўписа қилиш, бақирish, уни айблаш каби агрессивликни намоён қилманг. Улар бу хатти-ҳаракатни сизга нисбатан ҳам “қўллаш мумкин” деб тушунади.

Муаммоли хулқ-атворда педагогик таъсир усуллари. Агар бола эътиборни талаб этса қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

1. Эътиборни камайтириш:

- кўп ҳолларда боланинг намоёишқорона хулқ-атворини тўхтатишнинг энг самарали усули – унга аҳамият бермасликдир;

- кўзлар орқали алоқа ўрнатинг. Ўқувчига разм солиб қараб турингкўз қарашларингиз орқали ўқувчи сизни унинг хатти-ҳаракатидан норози бўлаётганингизни тушунади;

- ҳеч қандай қарашларсиз ва сўзларсиз унинг ёнига келиб туринг. Болалар ниманидир нотўғри қилаётганларини тушунадилар ва уларни олдига яқинлашишингиз заҳотиёқ ножўя ҳаракатларини тўхтатадилар;

- дарс давомида интизомни бузмоқчи бўлган боланинг исмини дарс мавзусига боғлаб айтиб ўтинг. У тинчланиш кераклигини тушунади;

- ёзма тарзда огоҳлантиринг. Шунчаки боланинг олдида “илтимос, шу ишингни қилмагин” деган мазмундаги ёзувни қўйиб кетинг. Болага бу қандай таъсир қилганини кузатинг;

-ўз норозилигингизни тўғри изхор этинг. Баъзида “ҳозирок бас қилинг!” деб бақиргингиз келади. Лекин буни бошқа тарзда айтиш ҳам мумкин: “Лола, мен дарсни тушунтираётганимда сени гаплашиб ўтиришинг менинг ҳаёлимни чалғитади, илтимос, гаплашмай ўтиргин”.

2. Дарс давомида ўқувчиларга бирмунча вақт хоҳлаган ишларини қилишга рухсат беринг (“тақиқланган мева доим ширин”):

- ножўя ҳаракатлар (ўтиришни хоҳламасалар тураверсинлар, бир-бирлари билан гаплашаверсинлар) ва беъмаънигарчиликка маълум вақт рухсат беринг;

- “ҳамма нарса мумкин” усулини қўлланг. Бу усул шундан иборатки, ўқувчилар интизомни фақат аввалдан келишиб олинган ҳажмда бузишлари мумкин. Шунингдек, бу ҳажм кичрайиши мумкинлиги ҳам айtilган бўлиши керак. Бу усул фақатгина ўқувчига эътибор керак бўлганда қўлланилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай алоҳида муносабатлар натижасида ўқувчи ўзига нисбатан эътиборнинг керакли эканлигини ҳис этади.

3. Ўқувчиларнинг ёмон ҳулқ-атворини улар кутмаган тарзда тўсатдан тўхтатиш:

- кулги ва юмордан фойдаланинг;

- паст оҳангда гапиришни бошланг. Кўп ўқувчилар “Мақтабда сиз учун энг ёқмаган нарса нима?”, деб савол берилганда “Бақириб ва ўдағайлаб гапирадиган ўқитувчилар”, деб жавоб берадилар. Қачонки ўқитувчилар секин гапирсалар ўқувчилар ҳам шунга жавобан қўполлик қилмайдилар.

- дарсни бирмунча вақтга тўхтатиб туринг: “Аввал тинчланиб олинглар ва қачон дарсни давом эттириш мумкинлигини айтасизлар”, деб синфга мурожаат қилиш мумкин. Ўқитувчининг бундай енгил босими тезда таъсир этади.

4. Ўқувчиларни чалғитинг:

- “Сен бу саволга қандай жавоб берган бўлардинг?”, “Сенинг фикринг қандай?” каби тўғридан-тўғри саволлар болани “ёмон” ҳулқ-атвордан чалғитади;

- унга бирор бир вазифани (дафтарларни йиғиб олиш, бўр олиб келиш, синф журналини олиб келиш ва бошқ.) юклатинг;

- ўқувчиларнинг фаолиятини ўзгартиринг (ҳар бирига алоҳида топшириқ беринг).

5. Синфнинг диққатини интизомга риоя қилаётганларга қаратинг:

- сизни топширигингизни бажарган ўқувчиларга миннатдорчилик билдиринг;

- уларни мақтанг.

6. Ўқувчиларнинг жойини ўзгартиринг. Уларни бошқа жойга ўтказсангиз “томошабинлардан” маҳрум этасиз ва улар тинчланадилар.

Агар бола қасддан ёки бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилиш хулқ-атворини қўллаша қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Низо келиб чиқмаслиги учун дипломатик йўл тутинг.

2. Ўқувчининг нимага қодир эканлигини тан олинг. Ўқувчига қанчалик кўп босим ўтказсангиз, у шунчалик қаршилиқ кўрсатади. “Сен топшириқни бажармаслигингни мен тушундим”, деган мазмунда мурожаат қилсангиз ўқувчи буни буйруқ ҳам, насиҳат ҳам эмас деб қабул қилади. Дарсни давом эттириш мумкин ва аксарият ҳолларда ўқувчи ҳеч қандай эътирозсиз бошқа ўқувчиларга қўшилиши мумкин.

3. Агар юзага келган низоли вазиятни муҳокама қилмоқчи бўлсангиз буни дарс вақтида эмас, балки танаффус вақтида бажариш мақсадга мувофиқ. Чунки атрофдагиларнинг гувоҳлиги қарама-қаршилиқни янада кучайтиради. “Томошабинларсиз” ўқувчи ўзгаради.

4. Юзага келган вазиятнинг муҳокамасини кейинроққа қолдиринг: “Мен ҳозир буни муҳокама қилмоқчи эмасман”, “Балки, сен ҳақдирсан, кел бу ҳақида кейин гаплашамиз”.

5. Муҳокама учун махсус вақт белгиланг. “Сен билан буни муҳокама қилишга розиман. Олтинчи дарсдан сўнг вақтинг бўладими?”. Ва яна хотиржам дарсни давом эттириш мумкин.

6. Ўқувчиларга топшириқ беринг. “Балки, сен ҳақдирсан... Лекин ҳозир дарсни давом эттирсак”, “Мен, албатта бу ҳақида ўйлаб кўраман, ҳозир эса мавзуга қайтаммиз...”. Ўқувчиларнинг ножўя сўзлари, албатта қаттиқ таъсир этади, агар уларга жавоб бера олмагангиз мавзунини ўзгартиринг, вазиятни юмшатиш ва ўқувчиларга топшириқ беринг.

7. Ўқувчиларни вақтинча дарсдан четлаштириш техникасини қўлланг. Лекин шу ерда айтиш керак-ки, уларни коридорга ёки “манзилсиз” чиқариб юбориб бўлмайди. Синф ичидаги бошқа партага, бошқа синфга, психологнинг, директорнинг хонасига чиқариш мумкин. Бу энг сўнгги чоралардир. Ўқувчига таклиф қилинг: “Азиз, сенга нима кўпроқ маъқул, дарсда биз билан ўтиришми ёки директорнинг хонасига боришми? Сени кўринишингдан директорнинг хонасига боришни танлаганингни сездим”. Ўқувчи иккитасидан бирини танлаши керак. Агар шундай давом этса дарсдан чиқиб кетиши мумкин.

8. Жарима белгилаш. Интизомни бузиш оқибатсиз кечмаслигини болалар тушунишлари лозим. Интизом бузилишининг ҳар бир кўриниши учун маълум жарималар белгиланиши мумкин. Жарималар ноҳўя ҳаракатнинг ёки интизом бузишнинг характериға мос бўлиши, масалан, стулни синдирдингми – тузатиб қўй, хонани ифлос қилдингми – тозала, ҳақорат қилдингми – узр сўра каби мазмунда бўлиши керак. Ўқувчиларға нисбатан бундай жарималар келгусида бу каби хатти-ҳаракатларни тақрорламаслиги учун қўлланилади. Жарималар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ўқувчини танаффусға чиқишдан маҳрум қилиш, дарсдан сўнг бирмунча вақтға олиб қолиш;

- дарсликдан, жисмоний тарбия дарсида бирон-бир спорт инвентаридан, компьютердан фойдаланишдан маҳрум қилиш;

- зарар ўрнини тўлдириш;

- мактаб маъмурияти билан учрашиш;

- ота-оналар билан учрашиш.

Педагогик таъсирнинг усуллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ўқув материални тушунтириш усулини ўзгартириш. М. Монтессорининг таърифига кўра, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар учун дарс мавзусини тушунтиришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш самара беради. Улар учун махсус топшириқлар тайёрлаш, жуфт бўлиб ишлаш, ўқувчиларни бир-бириға бириктириш, “сен буни уддалайсан, қўлингдан келади” деган сўзлар билан ютукка эришиши учун шароит яратиш, муваффақиятға қозонишға ишончни шакллантириш, хатоликка йўл қўйганда тушқунликка тушмаслик,

Ўқувчининг кучли томонларини очиб бериш, ўқувчига индивидуал ёрдам бериш муҳимдир.

4-вазифа. Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш стратегияси.

1) Биз болани қандай бўлса шундайлигича, яъни унинг аҳмоқона қилиқларига, камчиликларига, ножўя ҳаракатларига қарамай қабул қилишимиз керак. Бу уларга ўзини ҳурмат қилиш ва ўз хулқ-атворини ўзгартиришига имкон беради.

2) Ўқитувчи ўқувчига дарс давомида қанчалик эътибор қаратса, уни эшитса, уни мактаса, шунга жавобан ўқувчи томонидан интизом бузиш ҳоллари камаяди.

3) Ўзининг тан олинганлигини ҳис этиш инсон учун жуда муҳимдир. Ўқувчиларнинг фикри ҳурмат қилиниши, уларнинг қилаётган ишлари синф ва мактаб учун фойдали эканлигини кўрсатинг. Тўғри мактов орқали интизомни тузатишга эришиш мумкин.

4) Маъқуллаш. Ўқувчиларга уларнинг ижобий характер хусусиятлари ёки бирон нарсани амалга ошириш учун қилаётган ҳаракатлари, уларнинг қизиқишлари, эришган ютуқлари ҳақида гапириб туриш лозим. Чунки уларнинг ижобий хусусиятлари ўқитувчи томонидан тан олинса улар ўқитувчиларга ҳам яхши муносабатда бўладилар.

5) Илиқ муносабатлар. Ўқитувчи келгусида ҳам қувонч билан эслаб туриладиган илиқ эмоционал муҳитни ярата олиши лозим. Чунки ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яхши муносабатлар синфда интизом бўлиши учун энг яхши воситадир.

5-вазифа. Ота-оналар ва бошқа фан ўқитувчиларини жалб этиш. Ўқитувчининг мазкур муаммо бўйича олиб бораётган ишининг самарадорлиги бу жараёнга ота-оналарни жалб қилиш орқали ҳам ортади. Қачонки ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳаракатлари бирлашса, бир мақсад сари ҳамкорликда иш кўрсалар натижага тезроқ эришилади. Сир эмаски, тарбияси қийин болаларнинг оилалари, ота-оналари ҳам шундайлар қаторига киради. Оилавий тарбиянинг авторитар ёки бепарволик усули таълим олишда яхши натижаларга эришиш имконини бермайди. Шунинг учун ота-оналар муносабатлари усулини ўзгартириш ўқувчининг хулқ-атворининг ўзгаришига ва унинг фанларни ўзлаштиришига сабаб бўлади.

Тарбияси қийин болаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларини йўлга қўйиш учун бир неча қоидаларга риоя қилиш зарур ҳисобланади.

Ота-оналар билан ўзаро муносабатларнинг қоидалари.

Ота-оналарга фарзандининг ёмон хулқ атвори ҳақида шунчаки умумий тарзда эмас (“Сизни ўғлингиз...барча ўқитувчиларга ҳалақит беради”), балки аниқ далиллар келтирган ҳолда маълум қилинг.

Ота-оналарга бирданига фарзандининг барча ножўя ишлари ҳақида гапирманг, акс ҳолда ота-оналар дарғазаб ҳолда болаларини дўппослашга тушадилар.

Ота-оналар билан шунчаки содир бўлган вазиятни (“икки” баҳо олганлиги, кимдир билан жанжал, уй вазифасини бажармаганлиги, интизомни бузганлиги) муҳокама қилиш кифоя. Оқибати нима бўлиши ҳақида гапирмаган маъқул.

Ижобий ҳолатларни башорат қилиш эса фойдали бўлиши мумкин. Ўқувчининг ижобий сифатлари, унинг оз бўлсада ютуқларига урғу бериш ва келажакда ота-оналарнинг ўз фарзандларига ёрдами билан яхши натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч билдиринг.

Ота-оналар ҳам оддий одамлар эканлигини унутманг. Уларнинг эътиборсизлигидан ранжимаслик лозим. Қўп ҳолларда сизнинг талабларингиз ўқитувчиларнинг муаммоси (масалан, бирон-бир ўқув предметида бўлган муносабати, бирон-бир ўқитувчи ёки ўқувчига нисбатан қўпол муомаласи) бўлиши мумкин.

Ҳамкорликка фақатгина ота-оналарни эмас, балки ўқувчиларнинг ўзларини ҳам таклиф этинг. Бу билан уларга ҳам қандайдир масъулиятни юклаган бўласиз. Баъзида ўқувчилар ўзларида қандайдир ўзгаришларни катталарга нисбатан тезроқ англайдилар. Шу билан бирга агар ўқувчилар уларнинг хулқ-атворини ота-оналари ва ўқитувчилар биргаликда тузатишга ҳаракат қилаётганларини кўриб яхши томонга ўзгариш кераклигини тушунадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пантелеева О.В. «Справочник классного руководителя» 2013г. №9

2. Бурдыгина Т.Н., Королёва Е.В., Юрченко П.Г. Проблемные ситуации в школе и способы их решения: практическое пособие. – М.: АРКТИ, 2006. – 234 с.

3. Шипилов А.И. Ситуация успеха на уроке // Начальная школа. – 2003. – № 4. – С. 90–93.

4. Михайлова Н.Н., Юсфин С.М. Педагогика поддержки. – М.: Чистые пруды, 2001. –164 с.

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институту директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институту катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди,

С.Н.Алимходжаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий
тадқиқот институту катта илмий ходими

Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабатининг асосий сабабларидан бири уларнинг ҳулкидаги ғишлик деб талқин этиш мумкин.

Ўқувчилардаги психологик хусусиятлар, уларнинг ривожланишидаги ўзига хос томонлар, улар ўртасида салбий одатларнинг олдини олиш масалалари таълим тизими мутахассисларининг кундалик фаолиятларидаги вазифаларидан биридир. Кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси қийин болалар тарбия жараёнида педагогик таъсирларга қаршилиқ кўрсатади, уларнинг ҳулкида ўзини биз ҳоҳлагандай тутмаслик ҳолатлари кузатилади.

Тарбияси қийин болалардаги ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишига қатор сабаблар таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил

қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг сушт ривожланганлиги, муайян вазиятларда хулоса ва қарор чиқаришда қийинчиликка дуч келиши, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо берилмаслиги, ўқитувчи томонидан боланинг индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор берилмаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларнинг қизиқарсиз ўтилиши, ўқувчининг синф жамоаси билан яхши алоқада бўлмаслиги ва бошқалар. Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Жамоа аъзолари бундай ўқувчининг қарашларини вақти-вақти билан ҳисобга олишлари яхши натижа бериши мумкин. Натижада бола учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилиб, ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва тенгдошлари фаолиятига боғлашдан кўра, ўз гуруҳидан ташқарида топган янги “дўстлари” билан алоқа қилишни афзал кўради ёки бошқа кишилардан нажот излайди. Бунинг натижасида ўқувчи носоғлом хулқли болалар гуруҳига тушиб қолади ва уларнинг хулқ-атвориға хос бўлган характерға эға бўлади. Бундан ташқари, оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир болаларнинг келиб чиқишиға сабаб бўлади. Айрим оилаларда боланинг муваффақиятли ўқиши учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли бола ноҳуш ҳолат билан ёлғиз қураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Боланинг дунёсида оилавий шароитға нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан кун авж олиб, ички қўзғолонға айланиб боради. Бундан ташқари, ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликлар ва бошқа салбий одатларға ружу қўйишлари ҳам боланинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади.

Кўпинча болалардаги оғма, яъни девиант хулқ-атвор оила ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзаға келади. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Хатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортикча баҳо бериш. Асосан ёшиға хос бўлган характер белгиларининг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатға қизиқмаслик, низоларнинг эгоистик йўналишға

асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилингани ҳолда уларга амал қилмаслик.

3. Юқори. Салбий характерли хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарликка мойиллик ошқор қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкорлик пайдо бўлади. Ўзлари “тўғри” деб қабул қилган “ахлоқ нормалари”ни оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4. Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг ҳуқуқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилиқ кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажовузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган “ахлоқий меъёрлар” билан ўлчайдилар, натижада жиноятга қўл урадилар.

Хулқ оғишганлик муаммосини ўрганган баъзи россиялик психологлар бундай ҳуқуқнинг бир неча таснифини келтирадилар. Баъзилари болаларнинг психофизиологик жиҳатдан фарқларини, баъзилари болаларнинг психологик-ижтимоий жиҳатдан ривожланишини асос сифатида олиш керак деган фикрни илгари сурадилар. В.К.Андрienко, Ю.В.Гербеев, И.А.Невскийлар ҳуқуқ оғишлик педагогик қолоқлик, ижтимоий қолоқлик (маънавий бузуқлик), ҳаддан ортиқ ижтимоий қолоқлик деб таъриф берадилар.

С.А.Беличева эса 3 та гуруҳни ажратади:

- 1) ниятда чуқур педагогик қолоқлик;
- 2) аффектив бузилишли ўсмирлар;
- 3) конфликтга (чиқишиб кетиши қийин) мойил болалар.

Л.М.Семенюк ўқитувчилар, ота-оналари, кўни-қўшнилари билан ўсмирларнинг тенгдошлари, катталар билан муносабатлари, унинг қизиқишлари ва қарашлари, шахс хусусиятлари, ҳуқуқ-атворининг турли томонлари тўғрисидаги суҳбатлари, шунингдек, сўровлар, кузатишлар натижасида 4 та гуруҳни ажратади:

1. Барқарор аномал (меъёрдан чиқиш), ахлоқнинг содда талабларига, қадриятлар ва шахслараро муносабатларнинг ўзгаришига эга бўлган, ўз вақтини шахсий талаби нуқтаи назаридан ўтказадиган ўсмирлар. Уларга худбинлик, бошқаларнинг қайғусига лоқайдлик, мурасизлик, беодоблик, ҳурматсизлик, дарғазаблик,

кўрслик, урушқоклик хос. Уларнинг хулқ-атворида тажовузқорлик устундир.

2. Қадриятлар ва шахслараро муносабатларнинг ўзгаришига, қизиқишларнинг кичик доирасига эга бўлган, шахсиятпарастлиги билан ажралиб турадиган, ўзидан кичик ва кучсизларни сиқиб чиқариш йўли билан имтиёзга эга бўлиш истаги устунлик қилувчи ўсмирлар. Жисмоний куч ишлатишга интилиш уларда вазиятга қараб ва фақатгина ўзидан кучсиз бўлганларга нисбатан намоён бўлади.

3. Қизиқишлар доираси тор, мунофиқ, ёлғончи, муғомбир ўсмирлар. Уларнинг хулқида билвосита ва вербал тажовузқорлик устун.

4. Мулоқот ва қизиқишлар доираси чегараланган, иродасизлик, кўрқоклик, шубҳаланиш, кек сақлаш каби хислатлар билан ажралиб турадиган ўсмирлар. Уларга катталар ва ўзидан кучли бўлган ўртоқлари олдида хушомадгўйлик хосдир. Уларнинг хулқида вербал агрессия ва салбий хусусиятлар устун.

Педагогик амалиёт маълумотлари ва тарбияси қийинлик ва ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслиги муаммолари бўйича психологик-педагогик адабиётларда педагоглар ва психологлар ўқувчиларни 3 та тоифага ажратадилар:

1. Қийин тарбияланадиганлар. Булар – тарбиялаш ва қайта тарбиялаш усуллари ижобий таъсир қилмайдиган, ижтимоий муҳитга мослашмайдиган ва жамият талабларига мос бўлмаган болалар ва ўсмирлардир.

2. Ўқишга қийналадиган ёки ўзлаштирмайдиганлар. Булар – нормал хулқ-атворга эга бўлган, тарбияга осон бериладиган, лекин таълим олишга ва бир ёки бир неча фанларни ўзлаштиришда қийинчиликларга учрайдиган болалар ва ўсмирлардир.

3. Педагогик қолоқ. Бу тоифага –тарбиялаш ва қайта тарбиялаш усуллари таъсир қилмайдиган, ижтимоий муҳитга мослашишда қийналадиган, барча ўқув предметларини ўзлаштирмайдиган ва мактабга қатнамайдиган болалар ва ўсмирлар киради.

Дарсларни ўзлаштирмовчи ўқувчилар хулқидаги чекинишларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг салбий хислатлари, тенгдошлари билан муносабатдаги пассивлиги, хулқининг ўзгарувчанлиги нафақат ўз фаолиятдан,

балки ўқувчилар жамоасидаги ҳолатидан ҳамда у билан дўстона муносабатлар етишмайдиган мулоқотдан қоникмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Бу ҳолатларнинг барчаси ўқувчининг психологик кайфиятини кескин салбий томонга ўзгартиришга олиб келади.

Хулқи оғиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган манбааларда хулқи оғишнинг тўрт хил кўриниши мавжуд:

1. Мавжуд тартиб, талаблар ва қоидаларга бўйсунмаслик кўринишидаги оғма хулқ.

2. Ижтимоий муҳитга, жамият нормаларига нисбатан норозилигини намоён қилиш мақсадидаги оғма хулқ.

3. Мавжуд ҳуқуқий нормаларга, қонун–қоидаларга бўйсунмаслик замирида юзага келадиган оғма хулқ.

4. Шахснинг турли вазиятларда ўзини бошқара олмай қолиши ва ўзига шикаст етказишига йўналтирилган оғма хулқ.

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди.

Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишида оила, мактаб каби жамият бўғинларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Энг асосийси бугунги кунда ўқувчи-ёшлар тарбиясидаги салбий бурилишларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларнинг шахси, ўзига ва жамият аъзоларига бўлган муносабатларини ўрганишнинг кўзланганлигидир. Мамлакатимизда бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг кўламини янада кенгайтириш, замонавий услубдаги таълим-тарбия воситаларидан фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнларининг узвийлигини таъминлаш зарур.

Биз ўз тадқиқотимизда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази мутахассислари томонидан ўтказилган сўровнома натижаларидан фойдаландик. Жумладан, 2012 йилда “Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш” сўровномаси ўтказилиб, таълим муассасаларидаги ҳолат

таҳлил этилди. Мазкур ижтимоий сўровномани ўтказишдан мақсад, ўқувчиларнинг бугунги кундаги турмуш тарзига бўлган муносабатлари, Ватанга эътиқоди, билим олишга бўлган иштиёқи ҳамда келажакда олдига қўйган мақсадларига интилишлари, қолаверса, ижтимоий фикрлари, жиноятчилик ва суицид ҳолатларига муносабатларини ўрганишдан иборат.

«Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш» сўровномаси 7 та бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимда 10 тадан, жами 70 та саволга ўқувчилардан жавоб олинди.

Сўровномада республика бўйича жами 343 та халқ таълими тизими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари 8–9-синфларининг жами 72437 нафар ўқувчилари қатнашиб, шундан, 35648(49,2%) нафарини ўғил болалар, 36789 (50,7%) нафарини қиз болалар ташкил этди.

Биринчи бўлимдаги саволлар орқали ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасига оилавий муҳитнинг таъсири, ўқувчининг таълим–тарбия олишида оилавий муҳитнинг роли қай даражада эканлиги аниқланди.

Республика бўйича жами 8–9 синфларининг ўғил болаларидан 15880 (44,5%) нафари ва қиз болалардан 16496(44,8%) нафари таълим тарбия олишда оиланинг роли юқори эканлигини кўрсатган бўлса, ўғил болалардан 14097 нафар (39,5%)и ва қиз болалардан 14326 нафари (38,9%)да оиланинг таъсири ўрта даражада ва 5671 нафар (15,9%) ўғил бола ва 5967 нафар (16,2%) қиз бола тарбиясида оиланинг таъсири паст, яъни бола тарбиясида оиладан бошқа факторларнинг таъсири кучли эканлиги аниқланди.

Иккинчи бўлим саволлари мактаб, яъни таълим олиш жараёнининг ўқувчиларнинг ҳаётидаги ўрни (ўқитувчи – ўқувчи, ўқитувчи – ота-она, ўқувчи – ота-она муносабатлари, маърифий тадбирларга муносабатлари)ни аниқлаш имконини беради.

Республика бўйича иштирок этган жами 8–9 синфларининг ўғил болаларидан 17553(49,2%) нафари ва қиз болалардан 18577 (50,5%) нафарида таълим тарбия олишда мактабнинг роли юқори кўрсаткични кўрсатган бўлса, ўғил болалардан 12123(34,0%) нафари ва қиз болалардан 12678 (34,5%) нафарида мактабнинг таъсири ўрта даражада ва 5972 (16,8%) нафар ўғил бола ва 5534 (15,0%) нафар қиз

бола тарбиясида мактабнинг таъсири паст, яъни бола тарбиясида мактабдан бошқа факторларнинг таъсири кучли эканлиги аниқланди.

Учинчи бўлим саволлари оркали ўқувчиларнинг тарбиясига унинг синфдошлари, дўстларининг таъсири, шахслараро муносабатлар ўрганилди.

Республика бўйича иштирок этган жами 8–9-синфларининг ўғил болаларидан 14250 (40,0%) нафари ва қиз болалардан 15308 (41,6%) нафарида таълим-тарбия олишда тенгдошларининг роли юқори кўрсаткични кўрсатган бўлса, ўғил болалардан 14675 (41,2%) нафари ва қиз болалардан 14920 (40,6%) нафарида тенгдошларининг таъсири ўрта даражада ва 6722 (18,9%) нафар ўғил бола ва 6561 (17,8%) нафар қиз бола тарбиясида тенгдошларининг таъсири паст, яъни ушбу болаларнинг таълим тарбиясига тенгдошларининг таъсири кам.

Тўртинчи бўлим саволлари оркали ўқувчиларнинг атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалардан ва яқинларининг уларга бўлган муносабатларидан қониқмаслик асосида руҳий зўриқиш, сиқилиш, тушкунликка тушиш натижасида ҳаётдан совуш ёки уларда яшашдан мазмун қолмаслик ҳолатига тушиб қолишлари ва бунинг натижасида ўз жонига қасд қилишгача боришлари ўрганилди.

8–9 синфда таълим олаётган ўғил болаларидан 5178 (14,5%) нафар и ва қиз болалардан 5575 (15,2%) нафарида суицидга мойиллик юқори кўрсаткични кўрсатган бўлса, ўғил болалардан 7639 (21,4%) нафари ва қиз болалардан 8723 (23,7%) нафарида ўрта даражада ва 22831 (64,0%) нафар ўғил бола ва 22473 (61,1%) нафар қиз болаларда суицидга мойиллик паст эканлиги аниқланди.

Сўровноманинг бешинчи бўлими – оммавий ахборот воситалари, яъни ўқувчиларнинг тарбиясида радио, телевидение ва интернетнинг тутган ўрни қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, ўғил болалардан 12860 (36,1%) нафари, қиз болалардан 13410 (36,5%) нафари ОАВ таъсирига тез берилувчан, 13626 (38,2%) нафар ўғил бола ва 14624 (39,8%) нафар қиз бола оммавий ахборот воситалари таъсирига тушиш даражаси ўрта, 9162 (25,7%) нафар ўғил ва 8755 (23,8%) нафар қиз бола эса ОАВ таъсирига тушиш эҳтимоли паст эканлигини кўрсатди.

Олтинчи бўлим саволлари ёрдамида ўқувчиларнинг ижтимоий фикрлари ўрганилиб, бунда асосан шахснинг умумий дунёқараши;

хусусан, ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисалар, илм, маданият, сиёсат, спорт, санъат, меҳнат, дин, урф-одат, соғлиқ, қизиқиш ва ҳоказоларга бўлган муносабатлари ўрганилди. Бунда жами 35648 та ўғил болалардан 18057 (50,7%) нафари, қиз болалардан 18546 (50,4%) нафари юқори кўрсаткич, яъни дунёкараши кенглиги, ўғил болаларнинг 11796 (33,1%) нафари, қиз болаларнинг 12245 (33,3%) нафари ўрта кўрсаткич, яъни, дунёкараши ўрта даражадалиги, ўғил болаларнинг 5795 (16,3%) нафари, қиз болаларнинг 6064 (16,5%) нафари паст кўрсаткич, яъни психологик коррекцияга муҳтожлиги аниқланди.

Еттинчи бўлим – ўз-ўзига баҳо. Ўқувчи шахсининг кундалик фаолиятида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати орқали ўз-ўзини англаш ва ўз имкониятларига тўғри ва ҳолисона баҳо беришларини ўрганиш имконини беради. Сўровнома ёрдамида шу нарсани аниқландики, ўғил болаларнинг 15361 нафарида (43,1%), қиз болаларнинг 16165 нафар (43,9%)ида ўз-ўзига берган баҳоси юқори. 13637 нафар (38,3%) ўғил болаларда ва 13938 нафар (37,9%) қиз болаларда бу мезон бўйича кўрсаткичлари ўрта даражада эканлиги аниқланди. 6650 нафар (18,7%) ўғил бола ва 6686 нафар (18,2%) қиз болада ўз-ўзига берган баҳоси паст ҳисобланади. Улар учун бошқаларни у ҳақда айтган фикри доим ўзини фикридан устун туради.

Сўровномада белгиланган мезонлар бўйича ўқувчиларнинг кўрсаткичлари синф раҳбарлари ва психологлар томонидан психопрофилактик ва психокоррекцион тадбирларни белгилашни назарда тутди. Профилактик ишларни ташкил этишда психолог ва синф раҳбарлари ўқувчининг психологик хусусиятлари ва девиант хулқ-атворнинг сабаблари, уни намоён бўлиши тўғрисидаги назарий билимларга эга бўлишлари, бундай хулқ-атворга эга бўлган болаларни ўз вақтида аниқлашлари, уларга ташхис қўйишлари, ўқувчилар, ота-оналар ва фан ўқитувчилари билан профилактик ишларни тизимли ташкил этишлари лозим.

Психопрофилактик тадбирларни ташкил этишда қуйидаги тамойилларга асосланиш мумкин:

- комплекс асосда (ижтимоий маконнинг турли даражалари бўлган оила ва шахсга таъсирни ташкил этиш);

- манзилли ('ёш, жинс ва ижтимоий хусусиятларни инобатга олиш);

- оммавийлик (психопрофилактик ишни ташкил этишда гуруҳий шаклнинг устунлиги);

- бериладиган маълумотнинг асосланганлиги;

- салбий оқибатларни камайтириш;

- иштирокчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва масъулияти;

- шахснинг максимал фаоллиги;

- келажакка интилиш (ўз ҳулқининг оқибатини баҳолаш, ижобий мақсадларни ва кадриятларни фаоллаштириш, ўз келажагини яхши ҳулқ-атворга эга бўлиш мақсади билан режалаштириш).

Психопрофилактик ишни ташкил этишда бир-бирига ўхшаш шакл ва усуллардан фойдаланиш мумкин. Ишни ташкил этиш усули бўйича психопрофилактиканинг қуйидаги шакллари мавжуд: индивидуал, оилавий ва гуруҳий. Хулқий оғишганликнинг олдини олиш мақсадида турли ижтимоий-психологик усуллар қўлланилади. Гуруҳий мунозара, ахборотга эга бўлиш, тренинг машқлари, ролли ўйинлар, ижобий ҳулқ-атворни моделлаштириш, психотерапевтик усуллар психопрофилактик ишнинг етакчи усуллариدير.

Қандай усуллардан фойдаланганлигига қараб психопрофилактик иш тренинг, ўқув дастурлари (масалан, мактаб махсус курси), кескин вазиятларда ёрдам (ишонч телефони), психологик маслаҳат шаклида амалга оширилади. Шу билан бирга дарс интизомига салбий муносабатда бўлган болалар билан ишлашда қуйидаги тавсияларни келтирдик:

1. Таълим-тарбия жараёнида дарсга салбий муносабатда бўлган болаларни тиббий-психологик жиҳатдан ўрганиш, ота-онаси ва оилавий шароитлари билан яқиндан танишиш.

2. Синф раҳбарлари ва ота-оналарнинг ҳамкорлик педагогикасини йўлга қўйиш, дарс жараёнига салбий муносабат сабабларининг туб илдизларини ўрганиш.

3. Таълим-тарбия жараёнида дарсга салбий муносабатда бўлган болаларга конструктив (амалий, ишчан) ёндашув тамойиллари асосида таъсир этишнинг психологик, ижтимоий-педагогик воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Тарбияси қийин болалар билан ишлашда уларда аниқланган

аклий, физиологик нуксонларни келтириб чиқарган сабаблар, оқибатларни эътиборга олиш, тарбиявий таъсирларни шу асосда ташкил этиш.

5. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш, болаларнинг қизиқиш ҳамда лаёқатларини аниқлаш йўли билан уларни турли хилдаги тўғарақларга, спорт секцияларига жалб қилиш.

6. Таълим-тарбия жараёнига салбий муносабатдаги болаларнинг ташқи таъсирларга берилиб кетмасликлари учун уларни доимий (оила билан ҳамкорликда) назорат остига олиш.

7. Тарбияси қийин ўсмирлар билан иш олиб бориш учун мактабда таъсирчан психологик хизматни йўлга қўйиш, уларнинг хулқ-атворини тарбиялашда таълим-тарбия сифатини яхшилашнинг амалий, ишчан ҳаракатлар ва тадбирлар тизимини жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш.

8. Ўқувчиларни китоб ўқиш техникаси билан таништириш, умумий савиясини ошириш мақсадида ўсмирнинг салбий ҳолатларини кўзда тутган ҳолда мос китобларни ўқишга даъват этиш, салбий оқибатларни келтириб чиқарган воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этиш кўникмаларини шакллантириш.

9. Ўқувчиларнинг салбий муносабатлари оқибатларининг хавфли ва хунук жиҳатлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, тарбиявий таъсирнинг ўзига хос методларидан фойдаланиш чораларини кўриш.

10. Катталар ва болалар ўртасидаги мулоқот маданияти, каттага ҳурматда, кичикка нисбатан иззатда бўлиш, маҳалла, кўча-куйда ўзини тутишни инсонийлик бурчи эканлигини англатиш, маънавий етукликнинг мезонлари эканлигини тушуниб етишга замин тайёрлаш.

11. Ўқитувчиларнинг дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга нисбатан муносабатлари, ўқитувчи томонидан ўқувчиларни менсимаслик, қўпол муомила, дарсдан бездириш ҳолатлари содир этилмаётганлиги ёки ўқитувчи ўқувчига етарли билимларни бера олмаётганлиги, яъни ўқувчини қониқтира олмаслик, унинг қизиқиш ва эҳтиёжларига ҳурматсизларча муносабат каби нуксонларга йўл қўйилмаётганлиги юзасидан доимий назорат ўрнатиш.

12. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчига нисбатан синфдошлари томонидан тазйиқ ўтказиш, камситиш ва ҳўрлаш

ҳолатлари содир этилмаётганлигини назоратга олиш.

13. Оилада ўқувчига нисбатан ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи катта ёшдагилар томонидан салбий муносабат, дарс тайёрлаш ўрнига бошқа оилавий-хўжалик ишларини бажаришга мажбурлаш, ўқув қуроллари билан таъминланмаслик ҳолатларини доимий назорат қилиш.

ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ ВА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ ЎҚУВЧИНИНГ ДАРС ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛИШ ОМИЛИ

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институту катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди,

Н.Р.Мусулмонова,

Қарши ДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси
доценти

Ёруғ дунёга келган фарзандлар турли-туман касб-хунарли оилаларда ўсиб-улғайиб, тарбия топадилар. Бола ақлини таний бошлаши билан теварак-атрофдагилар унга ўзларининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари билан касб-хунар ҳақида тушунча бера бошлайдилар. Аслида катталар унга атайлаб касб-хунар ҳақида тушунча бермасаларда, ўзаро мулоқотлардан болада касб-хунар тўғрисида тушунча шакллана бошлайди. Бора-бора ана шу тушунча болада маълум касбга нисбатан ҳавас уйғотади. Мурғаккина бола отаси сингари врач бўлишни ёки ўқитувчи бўлиб болаларни ўқитишни, отаси каби уста ёки замонавий техникаларни бошқаришни орзу қила бошлайди. Оиладан бошланган касб-хунарга қизиқиш боғчада ва мактабда янада такомиллашиб боради. Шундай қилиб, болаларда – мен катта бўлсам у ёки бу касбни эгаллайман, деган кўникма шаклланиб боради.

Жамиятда ўз касби ва хунари билан фахр туйғусини ҳис қилиб яшаётганлар нихоятда кўп. Улар бахтли инсонлар, чунки касб танлаш масаласи оддийгина бир орзу-ҳавас эвазига рўёбга чиқадиغان амал эмас. Орзу-ҳавас билан бошланган касбга жуда катта меҳнат ва шижоат билан узоқ вақт жараёнида эришилади.

Касблар кўп, ана шу касб эгалари жамиятни ривожлантирувчи, жамият ва табиат қонунларини мувофиқлаштириб боровчи восита сифатида намоён бўлади. Лекин, улар орасида шундай бир касб борки, ундан бебаҳра қолган инсоннинг ўзи йўқ. Бу ўқитувчилик – устозлик касбидир. Ана шу касб эгалари туфайли барчанинг саводи чиқади, оқ-қорани танийди. Оддий касб эгаси ишчини ҳам, олим-академикни ҳам ўқитувчи ўқитган. Қанчадан-қанча шогирдлари турли соҳаларда жавлон уриб меҳнат қилиб юрган содда, камтарин, камсуқум домланинг заҳматли меҳнатини тасаввур эта оласизми? Бугунги тезкор замонда ана шундай устозларнинг масъулияти янада ошди. Ўрни келганда ўзи билмаган нарсани ўқувчиларига ўқитиш талаб қилинадиган глобаллашув замонида унинг елкасига ортилган залворли юкни чапдастлик билан кўтариб, белгиланган масофага етказишда катта куч, билим, қатъиятлик, сабр-тоқат, изланиш керак. Бундай вазифани уддалаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Академик Т.Н. Қори Ниёзий “Агар сен ўқитувчи бўлмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла: сен уни касб қилиб ололасанми ёки унга нисбатан майл ва рағбатинг борми? Чунки ўқитувчилик косиблик эмас” деган эди. Бу билан улкан олим ўқитувчилик касбининг масъулияти нақадар улуғлигини таъкидламоқчи.

Алишер Навоийдек мутафаккир ўқитувчи меҳнатини шарафлаб:

Ҳақ йўлида сенга ким бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас онинг ҳаққин адо юз ганж ила – дейди.

Президент Ислом Каримов “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”², деб бу касбнинг нақадар улуғворлигини янада тасдиқлайди.

Республикамиз мактабларида ана шу касбни ўзларининг машаққатли ва шарафли меҳнатлари билан эъзозлаб келаётган минглаб ўқитувчилар борки, ўз вазифа-бурчларини бекаму-кўст адо этиб келмоқдалар. “Зар қадрини заргар билади”, деганларидек, уларнинг амалга ошираётган заҳматли меҳнатларига касбдошлик назари билан таҳсинлар айтса арзийди.

²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч Т.: “Маънавият”.2008. - 131 б.

Мустакиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш натижаси ўлароқ, эришилган ютуқ ва қўлга киритилган муваффақиятлар билан ҳар қанча фахрланиш мумкин. Кенг имкониятлар шароитида кўтаринки руҳ, ихлос ва изланиш билан меҳнат қилиш ёшларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш имконини беради.

Ўқитувчилик касбининг улуғлиги ва шарафлилиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо, шу касбни улуғворлигини арзитмаётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шунданмикин, кейинги вақтларда ўқитувчи-устозлар орқасидан отилаётган таъна тошлари кўпайиб бораётганга ўхшайди. Давраларда “ўқитувчилар жон койитиб, ишламай кўйдилар” қабiliдаги гаплар кулоққа чалинмоқда. Ўқитувчилар эса “ўқувчилар дарс тайёрламай кўйдилар, ота-оналар фарзандларини назорат қилмаяптилар”, деб нолишадилар. Албатта, “қарс икки қўлдан” чиқади. Боласининг фанларни яхши ўзлаштирмаётганини ота-она ўқитувчидан кўрса, ўқитувчи эса ота-онани айбдор қилиб ўз ҳолича юраверса, бундан кимга фойда ва кимга зарар.

Таълим-тарбия соҳасида олиб борган тадқиқотлар ва кўп йиллик илмий-амалий тажрибаларимиздан маълумки, бир-бирларга таъна тошлари отаётган ҳар икки томон ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда фаолият олиб бормаяптилар. Биз бу ўринда ўқитувчиларнинг ҳам тўла оқламаган ҳолда айб кўпроқ ота-оналардалигини таъкидламоқчимиз. Мактабларда олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, айрим ўқувчилар кўп ҳолларда дарсларга ёки мутлақо тайёргарликсиз келадилар ёки умуман келмайдилар. Ота-она эса боласининг бундай аҳволдалигидан беҳабар ва хотиржам. Хуллас, дарс интизомига риоя қилмаслик, дарсда иштирок этиш талабларига бўйсўнмаслик масъулияти ўқувчида кучли. Оқибат – натижада ўқитувчига жуда катта нокулайлик содир бўлади. У синфдаги ҳамма ўқувчиларга дастур асосида ДТС талабларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни бир хилда сингдириши зарур. Тасаввур қилинг, синфдаги беш нафар ўқувчи мутлақо дарс интизомига риоя қилгиси келмаса, ўқитувчи нима қилсин? Дарс эса бор-йўғи 45 минут. Орқада қолганларни етказиб оламан деса, бошқа ўқувчилар зиён кўрадилар ва аксинча. Биламизки, фанлардан ўқув дастурлари

узлуксизлик ва кетма-кетлик тамойили асосида тузилган. Физикадан Ньютоннинг биринчи қонунини ўзлаштирмаган ўқувчи кейинги дарсда иккинчи қонунни ҳам ўзлаштира олмайди. Барча фанлар ҳам ана шундай тартибга бўйсунади.

Дарс интизомига нисбатан салбий муносабатнинг шаклланишида кўпроқ ота-оналар айбдордирлар. Фарзандининг келажагини ўйламаган ота-она учун бундан ҳам катта талофат бўлиши мумкинми? Дарс интизомига риоя қилиш талаблари нимадан иборат?

- Дарсларга мунтазам иштирок этиш;
- Барча дарслик ва ўқув қуролларига эга бўлиш;
- Уйга берилган вазифани тўлиқ бажариб қелиш;
- Дарс жараёнида фаол иштирок этиш;
- Дарсда ўтилган мавзу юзасидан билимларни ўзлаштириш;
- Ўқитувчининг талабларини тўла бажариш;
- Мактаб ички тартиб қоидаларида белгиланган талабларга риоя этиш.

Агар ўқувчи ана шу талабларни мунтазам бажариб борса, ўқитувчилар ҳам ўз вазифаларини етарли даражада бажарган бўлур эди. Бу масаланинг ижобий ҳал бўлишида синф раҳбарларининг ўрни ва масъулияти ҳам муҳимдир. Синф раҳбари ҳар бир ўқувчининг психологияси, ота-онаси ва оилавий шароитини тўлиқ ўрганган бўлиши, дарс интизомига нисбатан салбий муносабатнинг қелиб чиқиш сабабларини аниқлаши ва мактаб раҳбарлари, ота-оналарга тегишли тавсияларни бериб бориши зарур.

Бу муаммонинг ечимини топишда мактаб раҳбарларининг ҳам масъулиятлари жуда юқори бўлиши зарур. Мактабда ҳамкорлик педагогикаси асосида ишни ташкил этиш, махсус чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини қатъий назоратга олиш керак. Оилаларда ота-оналар “оила педагогикаси” талаблари ва тавсиялари асосида фарзандларини мактабга тайёрлаш ва тарбиялашлари лозим. Тажрибасиз ота-оналар учун эса мактаб раҳбарлари амалий ёрдам кўрсатишлари ниҳоятда зарур. Уларни тажрибали оилаларга беркитиб қўйиш, жамоатчилик асосида ўқитувчилардан назоратчи-тарбиячиларни тайинлаш муҳим. Ҳар чоракда бир марта масъул шахс ва мутахассисларнинг ҳисоботларини

мактаб педагогика кенгашида эшитиш ва зарур бўлганда вазиятни ижобий томонга ўзгартирувчи тегишли қарорлар қабул қилиш ҳам мумкин.

Қачонки, мактаб педагогик жамоасининг ташуубускорлиги асосида ота-оналар, маҳалла-қўй ва кенг жамоатчилик бир тан-у, бир жон бўлиб, жамиятимиз равнақи учун комил инсонларни тарбиялашга ҳаракат қилсалар, албатта, кўзланган натижага эришиш мумкин. Бунга фақат ота-оналарнинг педагогик саводхонликлари ҳамда масъулиятларини ошириш, мактаб педагогик жамоаси ишини қайта куриш орқали эришилади.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБІЙ МУНОСАБАТДА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ОТА-ОНАЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар пойдевори ҳам илк бор оила шароитида қарор топиши табиийдир. Тарбия оиладан бошланиб, узлуксиз таълим (боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей, олий таълим) муассасаларида ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Оилада фарзанд тарбияси тўғрисида ўтмишда алломаларимиз ўзларининг бебаҳо фикрларини билдиришган, халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ақида ҳаётда аллақачонлар ўз исботини топган. Шу нуқтаи-назардан дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларни қайта тарбиялашда ота-оналарнинг ёрдами ва аралашувисиз муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин эмас.

Дарс интизомига салбий муносабат – оила бошлиқларининг фарзандлари фаолиятларини назорат қилмасликлари, ота-оналарнинг педагогик саводхонликларининг пастлиги (болаларини оилада ўқув жараёнига тайёрлашнинг талаб ва омилларини билмаслик ёки бефарқлик) натижасида содир бўладиган жараён сифатида таърифлаш мумкин.

Тавсияларни беришдан олдин ота-оналарга бир нечта саволлар билан мурожаат қилиш орқали уларнинг оилада фарзанд тарбияси, таълим муассасаларида ўқийдиган боласини Давлат таълим стандартлари (ДТС) талаблари асосида қанчалик билим, кўникма ва малака (БKM) ларни ўзлаштираётганлигини, оддийроқ қилиб айтганда, дарс жараёнига нисбатан боланинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги юзасидан муносабатларини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Фарзандларингиз келажақда комил инсонлар бўлиб етишиши учун қайғуряпсизми, бу тўғрисида аниқ тасаввур ва билимларга эгамисиз?

2. Ҳар куни қанча вақтингизни фарзандларингиз тарбиясига ажратасиз ва бу жараёни қандай усуллар билан олиб борасиз, сизга ким ёрдам беради?

3. Ўзингизнинг маълумотлилиқ даражангиздан келиб чиққан ҳолда оилада бола тарбиясида етарли билим ва малакага эгаман деб ўйлайсизми? Агар шу масалада камчиликларни сезсангиз кимларга мурожаат қиласиз, тажрибаларингизни ошириб бориш учун сизга кўмак берадиган яқинларингиз борми?

4. Ўқув йили давомида неча марта мактабдаги ота-оналар кенгашлари, синф мажлисларига бордингиз, қандай масалалар муҳокама қилинди ва сиз ундан қоникдингизми?

5. Фарзандингиз ўқийдиган синф раҳбари ва фан ўқитувчиларини танийсизми, улар билан учрашиб турасизми, учрашганда нималар ҳақида гаплашасиз, умуман ўқитувчилар фаолиятидан хабардормисиз?

6. Ўсмир ёшидаги фарзандингизнинг хулқ-атворида қандай ўзгаришларни сездингиз, унга нисбатан хушёрроқ бўлиш учун қандай

чораларни кўрасиз? Агар сизга шу масалада ёрдам керак бўлганда кимга мурожаат қиласиз?

7. Мактабда амалиётчи психолог фаолият кўрсатаётганидан ва унинг вазифалари нимадан иборат эканлигидан хабарингиз борми, бирор марта психолог билан учрашганмисиз?

8. Умуман фарзандларингизнинг оилада, кўча-куйда, жамоа жойларида ўзини тутиши, муомиласи сизни қониқтирадими? Агар қониқтирмаса салбий ҳолатларни олдини олиш учун қандай чораларни кўрасиз?

9. Оилада фарзандларингиз билан тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турасизми? Уларга ўзингиз ибрат бўла оласизми, сўзингиз билан амалдаги фаолиятингиз мос келадими, фарзандингизга ўрнатқилиш, намуна сифатида яқин атрофингиздаги тенгдошларидан кимларни мисол қилиб кўрсата оласиз?

10. Ота-она сифатида оилада фарзандлар тарбиясида ўзингизнинг фаолиятингиздан қониқасизми, агар қониқмасангиз нима учун?

Саволларни яна давом эттириш мумкин эди, лекин ўйлаймизки, ота-онанинг фарзанд тарбиясига нисбатан масъулияти ва муносабатларини аниқлаш учун шуни ўзи етарли бўлади.

Гап ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ҳақида кетганда бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, бу борада барча ота-оналарнинг тайёргарлик даражалари бир хил эмас. Олий маълумотли ота-она билан ўрта маълумотли ёки ундан ҳам паст даражадаги ота-онанинг бола тарбиясидаги тайёргарликлари тубдан фарқ қилади. Мактаб педагогик жамоасининг асосий вазифаларидан бири ҳам шундаки, турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ота-оналарга, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, носоғлом оилаларда тарбияланаётган болаларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан, ота-оналарнинг маълумотлилиқ даражаларидан келиб чиқиб, уларга педагогик ва психологик жиҳатдан ёрдам уюштириш, шунингдек, тарбиянинг мураккаблиқ даражасидан келиб чиқиб ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-онадан фарзанди тарбиясидаги нуқсонлардан нолишдан олдин уларнинг тарбия соҳасидаги муҳтожликларини аниқлаш ва амалда кўмак бериш дастурини ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Бунинг учун эса ота-оналарда эҳтиёж шаклланган бўлиши, фарзандини

бекаму-қўст тарбия топиши ва соғлом бўлиши учун доимий равишда ўзларининг педагогик, психологик ҳамда тиббий маълумотларини ошириб боришлари зарур.

Энди мавзуга қайтиб, дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан коррекцион (қайта тузатиш) ишларни амалга оширишда **ота-оналарнинг вазифалари** юзасидан тавсияларни келтирамыз:

1. Сиз ўзингизнинг ўқувчилик даврингизни эсланг: дарс жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари, синфхонасидаги тартиб-интизом, уй вазифаси, ўтилган дарсни сўраш, баҳолаш, янги мавзунини тушунтириш, уйга вазифа бериш ва ҳ.к., бу яқин ўтмишимиздаги анъанавий дарснинг шакли шундай эди. Замон ўзгарди, дарс шакллари ҳам ўзгарди, бугун янги педагогик технологиялар асосида дарснинг ноанъанавий шакллари пайдо бўлди. Лекин, нима бўлганда ҳам, дарс интизомига бўлган муносабат ўзгармади. Тўғри, талаблар ошди, аввал ҳам ўқувчилардан ўқув дастури материалларини юқори савияда ўзлаштириш талаб қилинган холда, ҳозир ҳам ўқув материалларини ДТС талаблари асосида билим, кўникма ва малака ларни эгаллаш мажбурий шарт қилиб қўйилди. Сиз бундан албатта хабардорсиз. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган холда албатта фарзандингизни етук инсон бўлишини хоҳлайсиз, лекин хоҳишнинг ўзи етарлими, фарзандингиз рисоладагидек таълим ва тарбия олаётганлигига ишончингиз комилми? Илтимос, шу масалада бир шуғулланиб кўринг ва ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг.

2. Оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган холда фарзандларда ота-онага, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришни таъминлашга ҳаракат қилинг.

3. Фарзандларга чуқур дунёвий билим бериш, уларнинг маърифатли ва маданиятли юксак кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш бурчингиз эканлигини унутманг.

4. Фарзандингиз оиладан таълим муассасасига ҳар доим уйга берилган топшириқларни бажарган холда, яъни ўқув жараёнига ҳар томонлама психологик жиҳатдан яхши кайфият билан келиши назорат қилиб бориш.

5. Сиз ота-она сифатида фарзандингизни мактабда ДТС талаблари асосида билимларни эгаллаши учун барча ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлашингиз шарт. Уйингизда шахсий кутубхонангиз, дарс тайёрлаш учун етарли шароит яратилган бўлиши, кундалик оммавий ахборот воситалари; газета, журналлар, радио, телевидениядан тўғри фойдаланиш ҳам болани илм олишга бўлган қизиқишини оширишини унутманг.

6. Фарзандингизни жамоатчилик асосида ўтказиладиган тадбирларга фаол иштирок этишга даъват қилинг, бу билан сиз унинг қобилиятларини ривожланиши, мулоқот маданиятини шаклланишига сабабчи бўласиз.

7. Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан, яъни компьютер, интернет хизматидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш зарурат эканлиги, улардан ёшига мос равишда фойдаланишни назорат этиб боринг.

8. Ҳар доим фарзандингизнинг таълим-тарбия муассасаларида, маҳаллада, жамоат жойларида ўзини тутиши ва бошқалар билан муомиласидан хабардор бўлишга ҳаракат қилинг. Таълим муассасаси ва маҳалла олдида фарзандингизнинг барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканлигингизни унутманг.

9. Агар фарзандингизни дарсларга ёмон иштирок этаётганилиги, хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлардан хабар топсангиз зудлик билан синф (гурух) раҳбари, ўқитувчилари ва мактабнинг амалиётчи психологи билан учрашинг.

10. Дарс интизомига салбий муносабатни келтириб чиқарган факторларни аниқлашга ҳаракат қилинг, салбий муносабат қачон ва қандай пайдо бўлганлигини диққат билан ўрганинг.

11. Боланинг ўзини тутиши, муомаласида олдингига нисбатан салбий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, унинг хулқ-атворининг бузилиши билан боғлиқлигини эътиборга олиб, унга нисбатан яқинлик ва меҳрибонлик билан ёндашиш, у ёлғиз эмаслиги, ота-она сифатида барча муаммоларни ҳал қилиш учун тайёрлигингизни сездиришни унутманг.

12. Боланинг кўнглига йўл топсангиз ва ишончига кирсангиз унинг онгига салбий таъсир этувчи омилларни билиб оласиз, вазиятни яхши томонга ўзгартириш осон кечади.

13. Агар фарзандингиз билан бирор масалада низога борган бўлсангиз, унинг ноўрин талабларини бажариш, оилавий имкониятлар чегарасидан ошиб кетиш ҳоллари юз берган бўлса, аввал ўзингиз тушунтиришга ҳаракат қилинг. Бу ишга бобо-бувиларнинг ёрдами ҳам асқотиши мумкин.

14. Фарзандингизга бирор масалада аввал ўйлаб, кейин ваъда беринг, ваъда бердингизми, уни бажаринг, акс ҳолда бебурд бўлиб қоласиз, фарзандингизнинг сизга нисбатан ишончи йўқолади, бунга йўл қўйманг.

15. Ўқувчининг дарсдан коникмаётганлиги интизомга салбий таъсир этаётган бўлса, унда таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари ва синф раҳбарига секингина билдиринг. Ҳатто, ўқитувчи билан ҳам учрашиб хуш муомилалик билан гаплашинг. Шундангина ўқувчининг ўқитувчига нисбатан қўяётган айблари қанчалик ўринли эканлигини аниқлаш мумкин бўлади.

16. Агар ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида келиб чиққан низо асосли бўлиб, улар ўртасидаги муносабатлар чегарадан чиққан бўлса, яхшиси, ўқувчини бошқа синфга ёки бошқа таълим муассасасига ўтказиш ҳақида мактаб раҳбарлари, синф раҳбари ва мактаб психологи билан маслаҳатлашиб бир қарорга келинг.

17. Фарзандингизнинг ўртоқлари кимлар, албатта қизиқинг, чунки носоғлом муҳитга тушиб қолган ўқувчининг хулқ-атворида салбий ўзгаришлар бўлиши табиий;

18. Фарзандингизнинг сабабсиз дарс қолдириш омилларини аниқланг, ҳар куни кундалик дафтарида ўқитувчи томонидан қилинган қайдларни текшириб ўз муносабатингизни билдириб боринг;

19. Фарзандингизнинг бўш вақти қандай тақсимланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўғарақлар унинг қизиқиши асосида ташкил этилган бўлса, нур устига аъло нур бўлади. Вақтингизни қизғанманг, фарзандингизнинг келажигага нисбатан бефарқ бўлманг.

20. Агар фарзандингизнинг жамиятда қабул қилинган қонун ва қоидаларга нисбатан ҳурматсизларча муносабатда бўлаётганлигини сезсангиз ўзингизнинг кўраётган чора-тадбирларингиз таъсир этмаётган бўлса, узлуксиз таълим муассасаси, маҳалла ва оила

хамкорлигида муаммони ҳал қилиш учун ёрдамчи кучларни жалб қилинг, ҳеч қачон боланинг “чегара”дан чиққанлигини яширманг. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг ёрдамига таянинг.

21. Болага ишонч билдиринг, ундаги қобилият ва сабр-тоқат натижасида йўл қўйган хатоларини тузатиб олишига, келажакда ундан яхши инсон чиқишига ишора қилинг ва синаб кўринг;

22. Боланинг инжиқлик сабабларини психолог маслаҳати, қолаверса, тиббиёт мутахассислари маслаҳати билан бир қарорга келиш мумкинлигини унутманг.

23. Жисмоний ва руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болаларга нисбатан икки ҳисса эътиборли бўлинг, уларга ҳаёт талабларига мос равишда касб-ҳунар эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратишни ўзингизнинг вазифа-бурчингиз деб билинг.

24. Фарзандингизга тежамкорлик ва ишбилармонлик сифатларини, она табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришни унутманг;

25. Фарзандларингизга санитария-гигиеник, экологик билим ва кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкибозлик ҳамда гиёҳвандликка қарши тушунтириш ишларини олиб боришни унутманг;

26. Оилада миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш сизнинг вазифангиз эканлиги ёдингизда турсин.

Фарзанд то вояга етгунича унинг барча хатти-ҳаракатлари ва тарбияси учун ота-она жавобгар эканлиги қонунда белгилаб қўйилганлиги сизни ҳамиша хушёрликка чорлайди, оилангизда ҳамиша хотиржамлик, фарзандларингиз комил инсонлар бўлиб етишиши борасидаги барча хатти-ҳаракатларингиз самарали бўлишига тилакдошмиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга конструктив таъсир этиш амалиёти. – Т.: - 2013. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. 5,25 б.т.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтининг директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди,

С.Н.Алимходжаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий
тадқиқот институтининг катта илмий ходими

Маълумки, дарс интизомига салбий муносабатдаги, яъни алоҳида педагогик эътибор талаб қилинадиган ўқувчилар билан ишлашда ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги кўплаб ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар ва ўқитувчиларнинг шахсий-касбий сифатларига боғлиқ бўлади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги тарбияси оғир ўсмирлар билан ўқитувчиларнинг мақсадли коррекцион педагогик ҳамда реабилитацион ишларни олиб боришларида уларнинг мактаб ва ижтимоий муҳитга осонликча мослаша олмасликларининг эътиборга олиш зарур. Шунингдек, ўқитувчиларнинг юқори педагогик маҳоратлари, замонавий коррекцион педагогик-психологик технологиялардан хабардорликлари, зарурий касбий маҳоратга ҳамда психологик билимга эгаллиги ўқувчилар, хусусан, умумий ривожланишда нуқсонли бўлган болалар билан ишлаш учун касбий жиҳатдан назарий ва амалий тайёргарликлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчиларнинг касбий педагогик фаолиятларининг такомиллаштириш ва хулқи оғишган ўсмирлар билан коррекцион-реабилитацион ишларни олиб боришга тайёргарлигининг аниқлаш мақсадида биз малака оширишда бўлган ўқитувчилар билан диагностик таҳлил ишларининг олиб бордик. Шу мақсадда ҳаммаси бўлиб 250 нафар ўқитувчиларнинг ўсмирлар билан олиб бораётган

коррекцион-педагогик фаолиятлари тажрибаси ўрганилди. Асосан ўқитувчиларнинг фанлардан ўқув дастурларини ўзлаштиришда қийналаётган девиант характерли ўсмирлар билан ишлашга бўлган билим, кўникма ва тайёргарликлари ўрганиб чиқилди. Бунинг учун дарс интизомига салбий муносабатдаги, хулқи оғишган ўсмирлар синфларида ишлайдиган ўқитувчилар тўрт гуруҳга ажратиб олинди.

Биринчи гуруҳ – ёш мутахассислар (педагогик иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлган ўқитувчилар). Улар олий ўқув юртларини тамомлаганига унча кўп бўлмаган ва мактабда синф раҳбарлиги бор бўлган ўқитувчилар.

Иккинчиси – бу педагогик иш фаолияти 10 йилга яқин бўлган ўқитувчи-тарбиячилар. Улар касбий педагогик фаолият сирларини чуқур эгаллаган бўлиб, турли тоифадаги болалар билан ишлашда етарли тажрибага эга бўлганлар.

Учинчи гуруҳни 11–20 йил иш тажрибасига эга бўлган, малака оширишнинг турли босқичларидан ўтган, маълум даражада педагогик тажрибага эга бўлган, ноқобил ўсмирларни қайта тарбиялашга муҳим эътибор бериш лозимлигини англаб етган педагоглар ташкил этди.

Тўртинчи гуруҳга педагогик жихатдан ҳар томонлама малакали ва салмоқли педагогик иш стажига эга бўлган (21 йилдан ортиқ) касбий педагогик фаолиятнинг муҳимлигини чуқур ҳис қиладиган педагоглар киритилди.

Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўпчилик педагогларда педагогик фикрлашнинг шаклланган стереотиплари ҳар доим ҳам ижтимоий-педагогик вазиятни тўғри баҳолашга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам улар хатти-ҳаракатида оғиш бўлган ўсмирларни тарбиялашда замонавий талабларга аниқ жавоб топа олмайдилар. Бу муаммони, яъни девиант характерли болаларни тарбиялаш муаммосини айтиш пайтдаги педагогик шарт-шароитлар нуктаи назаридан баҳолай олмайдилар. Ўсмирларнинг ўтиш даври хусусиятлари ўртасидаги муносабатларни тўлиқ англаб етмайдилар ёки уларга эътибор қаратишни ўйламайдилар.

Гуруҳларга бўлинган ўқитувчиларни амалий жараён фаолиятларида тўпланган материалларни тезлик билан қайта ишлаш, уларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш, ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятининг ҳолати ва унинг у ёки бу маънода намоён

бўлишини аниқлаш учун баҳолашнинг қуйидаги стандарт шкаласидан фойдаланилди:

- Зарур бўлган касбий-педагогик сифатлар ва ҳолатларнинг тўла ҳажмда намоён бўлиши “4” балл билан баҳоланди.

- “3” балл билан юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлсада етарли даражада намоён бўлмаганлар баҳоланди.

- Муаммоли кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш учун тўла имкониятларга эга бўлмаган тақдирда “2” балл билан баҳоланди.

- Муаммога тегишли кўрсаткичларнинг йўқлиги ёки уларнинг нотўғрилиги, у ёки бупедагогик ҳодиса ёки жараёнга нотўғри баҳо берилганда “1” балл қўйилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўқитувчилар билан олиб борилган мақсадли ва манзилли профилактик ишлар тарбияси қийин кечадиган ўсмирларнинг қайта тарбияланиш муаммосига, педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликка, хатти-ҳаракатида оғиш содир бўлган болалар ўртасида профилактик ва коррекцион ишларни олиб боришнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигига муносабатларни аниқлаш имконини берди.

Шуниси қувонарлики, ўқитувчилар орасида дарс интизомига салбий муносабатдаги тарбияси қийин бўлган ўсмирлар билан ишлашда ушбу муаммоларнинг муҳимлигини назарий жиҳатдан юқори даражада тушуниб, тўрт балл билан баҳоланганларнинг нисбатан кўплиги аниқланди.

Ёш ўқитувчилар орасида бу кўрсаткич 3,81 балл, иккинчи гуруҳда 3,86 балл, иш стажы 11-20 йиллик ўқитувчиларда 3,88 балл, иш стажы 20 йилдан кўп бўлган ўқитувчилар орасида – 3,92 баллни ташкил этди.

Вояга етмаганлар орасида профилактик ва коррекцион ишларни олиб бориш заруратини англайдиган ўқитувчилар билан бу соҳада бевосита ишлайдиган ўқитувчи-тарбиячилар фаолиятлари ўртасида анчагина тафовут мавжудлигини тажриба кўрсатди. Бу тафовут қарийиб 1,5 баллни ташкил этади.

Шундай қилиб, ёш мутахассислар коррекцион-педагогик фаолиятининг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги 2,31 баллни, зарурий умумпедагогик фаолият ва маълум иш тажрибасига эга бўлган бошқа

иккита гуруҳдаги ўқитувчиларда бу кўрсаткич 2,68 ва 2,84 ни ташкил этди.

Тўртинчи гуруҳда бу кўрсаткич бироз ўзгарди ва олдинги гуруҳларга караганда 0,02 баллга кўпайиб, 2,86 баллни ташкил этди.

Шу ўринда қатор саволлар туғилади: педагогик мотив ва фаолият ўртасидаги тафовутни нима белгилайди? Дарс интизомига салбий муносабатдаги вояга етмаганлар ўртасида профилактик ва коррекцион ишларни олиб бориш самарасизлигига нималар сабаб бўлиши мумкин? Вояга етмаганларнинг оғма хатти-ҳаракати муаммосини ҳал этиш, ёшларнинг тарбияси қийинлиги ва педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини олдини олиш муаммосини ечишга нима ҳалақит беряпти? Юқоридаги тоифали ўсмирлар билан коррекцион-педагогик иш олиб борадиган ўқитувчиларнинг фаоллигини оширадиган резервларни қаердан излаш керак?

Бизнингча муаммони ҳал этишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, ўтиш давридаги ўқув-тарбия жараёнининг қатъий изга тушмаганлиги, ижтимоий-ахлоқий қарашлар ва маънавий қадриятларнинг маълум даражада алмашиб туриши ҳам сабаб бўлади. Бу фикрлар алоҳида мавзу бўлсада, у ўзининг ечимини кутмоқда.

Аммо олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чикиб, ўқитувчиларни касбий-педагогик ва махсус тайёрлаш бўйича шарт-шароит, имкониятларни аниқлаш ҳамда мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятларини доимий назоратга олиш, мониторингини олиб бориш ва баҳолаш ҳамда тавсифлашга диққат билан ёндашиш муҳимлигини эътироф этмоқчимиз.

Фикримизча, ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятида марказий ўринни педагог шахсининг касбга ва унинг қадриятларига йўналганлигини акс эттирувчи қадриятли-мотивацион компонент тутди.

“Қадрият” тушунчаси объектлар, ҳодисалар ва уларнинг хусусиятларидан иборат бўлиб, у ўзида ижтимоий идеалларни акс эттиради. Булар ўз навбатида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият сифатида майдонга чикиб, унга барча педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида интилишлари лозим.

Педагогика ва психологияга оид адабиёт-ларда қатор тадқиқотчилар (И.Ф.Исаев, В.А.Сластенин, Е.Н.Шиянов, Ш.Қ.Мардонов ва б.) педагогик кадриятларга тегишли касбий фаолиятнинг муҳим шарти ва натижаси сифатида қарайдилар. Алоҳида шахсий кадриятлар мажмуи мураккаб ижтимоий-психологик билимлар сифатида намоён бўлади.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлаш самарадорлиги ўқитувчиларнинг касбий ва коррекцион-педагогик фаолиятлари нуктаи назаридан олиб қаралса, қуйидаги педагогик кадриятлар муҳим аҳамият касб этади:

- Мақсадли кадриятлар – касбий педагогик фаолиятнинг аҳамияти ва мақсади, мазмун-моҳиятини очиб беради;

- Муносабатли кадриятлар – педагогик жараён иштирокчиларининг муносабатлари, касбий-педагогик фаолиятга муносабат; бир бутун педагогик тизимнинг фаолиятида муносабатлар мазмунини белгилаб беради;

- Билимли кадриятлар – касбий-педагогик фаолиятни амалга оширишжараёнида психологик-педагогик билимлар моҳияти ва мазмунини очиб беради;

- Воситали кадриятлар – педагогик мулоқот, техника ва технология, мониторинг, инноватика, интуиция тизими; касбий педагогик фаолиятни амалга ошириш йўллари мазмуни ва воситаларини аниқлаб беради;

- Сифат кадриятлари – касбий-педагогик фаолиятни самарали амалга оширишда ўқитувчи шахсиятининг муҳим сифатларини очиб беради.

- Касбий-педагогик фаолиятга доир кадриятлар – ўқитувчи-тарбиячиларни меҳнат қилишга қорлаш, танлаган касбига масъулият билан ёндашув, педагогнинг маҳорати, унинг изланишли-тадқиқотчилик, инновацион фао-лияти, коммуникатив қобилияти, ўқувчилар билан мулоқотдаги ижобийлик, педагогик маҳорат.

- Ижтимоий педагогик кадриятлар – бу таълим соҳасидаги жамият фаолиятини тартибга солувчи ҳолатлар, тушунчалар, меъёрлар,қоидалар, анъаналар мажмуидир.

Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўсмирлар билан коррекцион тарбиявий ишларни олиб боришда алоҳида-алоҳида ва

гурухларда ишлаш жараёнида юзага келадиган коррекцион-педагогик фаолият мазмуни ва унинг ўзига хослиги моҳиятидан келиб чиқиб, ўқитувчилар ўз фаолиятларига педагогик кадриятлар нуктаи назаридан ёндашсалар амалга оширилиши лозим бўлган иш мазмунан ва шаклан бойитилади.

Ўқитувчилар коррекцион-педагогик фаолиятларида кадриятларни ўзлари учун қулай кетма-кетликда танлаганлар. Ёш ўқитувчилар кадриятларни танлашда “сифат” ва “муносабат” кадриятларини биринчи ўринга қўйганлар, кўп йиллик тажрибали ўқитувчилар эса касбий фаолиятнинг асоси қилиб “билим” ва “воситалар” кадриятини танлаганлар. “Сифат” ва “муносабатлар” кадриятларини кейинги ўринга қўйганлар.

Ўқитувчиларнинг коррекцион-педагогик фаолиятларида кадриятларга бўлган муносабатлари тахлили шуни кўрсатдики, ўз фаолият-ларини эндиgina бошлаган, ёш ўқитувчилар коррекцион-педагогик фаолиятда шахсий сифатларга таянганлар. Уларда ўсмирлар билан алоҳида ишлашга мойиллик кучли, улар мактаб ҳаётига мослашишга қийналаётган ўқувчилар билан тезроқ ва осон муносабатга кириша оладилар.

Кўп йиллик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар эса ўқувчилар билан олиб бориладиган фаолиятнинг таълимий-англаш моделига бир мунча вақт ўтиб киришадилар. Улар учун энг асосийси ўқитиш, ўқув дастурини ўзлаштириш, ўзлари дарс берадиган предмет бўйича ўқувчиларга билим бериш ҳисобланади. Бола шахсияти, қалб муаммолари, шахсий-психологик сифатлар кейинги ўринга тушиб қолгандай сезилади.

Хатти-ҳаракатида оғиш бўлган ўсмирлар билан коррекцион-педагогик иш олиб боришда униси ҳам, буниси ҳам муҳимдир. Аммо, шахсий муносабатларни йўлга қўймасдан туриб, ўқитувчи ва ўқувчи бир-бирини тушунмаса, педагог сифатида ўқитувчи боланинг меҳрини қозонмаса мақсадга эришиб бўлмайди.

Муаммонинг ечимини топиш учун тавсияларимиз шундан иборатки, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ўқув дастурига “Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлашда педагог-ик аксеология элементларидан фойдалан-иш” номли махсус курс учун камида 4 (2

соат назарий, 2 соат амалий машғулоти учун) соат вақт ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лойиҳа доирасида тадқиқотчилар томонидан ўқитувчилар билан мулоқотлар жараёнида, ўтказилган анкета саволларига олинган жавоблар таҳлилларидан ҳақиқатан ҳам ўқитувчиларда дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчилар билан ишлашда миллий педагогик кадриятлар юзасидан қўшимча ахборотларга эҳтиёжлари борлиги аниқланди.

Бундан ташқари туман ва шаҳар методика марказлари мактаб раҳбарлари учун тавсиялар ишлаб чиқиши ҳамда умумий ўрта таълим (айниқса, ўқувчилар ҳуқида салбий оғиш кўпроқ бўлган) мактабларида ҳам шу йўналишда махсус курслар ташкил этиш ҳеч фойдадан холи бўлмайди.

Шунингдек, (излаган имкон топади деганларидек) семинар-тренинглар ташкил этиш, тажрибали ўқитувчиларнинг шу йўналишдаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришга аҳамият бериш, мактаб раҳбарлари ўқитувчилар ишини қатъий тартиб асосида мониторингини олиб бориш ва ўз вақтида жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Ўқитувчиларнинг мустақил ўзлари устида ишлаш бўйича иш режаларида ҳам ана шу мавзуга эътиборни қаратиш, ўқитувчиларнинг аттестацияси саволлари таркибига ҳам дарсга салбий муносабатнинг оқибатларини тугатишга доир саволларни киритиш керак, деб ўйлаймиз.

Бу долзарб муаммонинг ечимини топишда мактаб психологларини жалб қилиш, уларга масъулиятли вазифа сифатида тегишли кўрсатма ва топшириқларни бериш, ижросини назоратга олиш, ота-оналар, синф раҳбарлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан мос равишда психотренинглар ташкил этиш мақсад сари илдамлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчилар учун дарс интизомига салбий муносабатдаги ҳуқуқ оғишган ўсмирлар билан ишлашда қатор усулларни таклиф этиш мумкин.

Авваламбор, ўқувчининг бундай муносабати сабабларини қуйидаги схема бўйича аниқлаб олиш керак:

- ўсмирнинг дарс интизомига салбий муносабатда бўлиши, унинг маънавий дунёсида қандай оғишлар кўпроқ намоён бўлиши;

- айна пайтда қандай ноҳуш шарт-шароитлар мавжуд;
- қандай салбий жиҳатларни ўқувчининг ўзи бартараф эта олиши, қандайлари эса оила ва мактаб ёрдамида бартараф этилади;
- ўсмирга таъсир этишда қандай педагогик хатоларга йўл қўйилганлиги ва қандай қилиб уларни тузатиш мумкинлиги.

Ўсмирлар билан коррекцион-педагогик ва реабилитацион ишларни амалга ошириш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

- ўсмирнинг кучли томонлари ва ижобий сифатларини аниқлаш ва тарбияда уларга таяниш;

- ўсмирнинг ҳар бир ижобий хатти-ҳаракатини рағбатлантириб туриш;

- уни бошқа ўқувчилар билан таққосламасликка ҳаракат қилиш, айниқса бу қиёслаш унинг фойдасига бўлмаса;

- улар билан хушмуомала бўлиш, мулоқотда кескин ибораларни қўлламаслик, камситмаслик, бошқалар олдида танбеҳ бермаслик;

- ҳиссиётларингизни назорат қилиш, ғазаб ва норозиликнингизни билдирмаслик;

- хатоларни тан олиш ва узр сўраш;

- ўқувчини ҳақорат қилмаслик, дўқ уриб қўрқитмаслик;

- ўқувчи шахсига эмас балки унинг хатти-ҳаракатига нисбатан муносабат билдириш (“сен жуда қўполсан” эмас, балки “ҳозир қўполлик қилдинг”);

- бирор ноҳўя иши учун уни “жазолаганингиздан” сўнг ўсмирни мактаб қўйиш учун баҳона топинг, шунда у ўз хатосини тушуниб, ўқитувчининг даъвоси унинг шахсига эмас, балки ноҳўя ишига нисбатан эканлигини англайди;

- ўзининг қарорлари ва хатти-ҳаракати учун унинг ўзи масъул эканлигини ўсмирга тез-тез эслатиб туриш;

- ўсмирнинг диққатини аввалда эришган ютуқларига қаратмоқ ва албатта келажакда эришадиганларига ишонч билдириш;

- унга нисбатан бефарқ эмаслигингизни, унинг ижобий томонлари ва шахсий сифатларига эътибор берилаётганини намоён қилиш, ундаги позитив ўзгаришлар хурсанд қилиши ва ноҳўя хатти-ҳаракатлари эса ранжитишни билдириш;

- фикр-мулоҳазаларни билдириш учун имконият бериш, вазиятдан чиқиш йўллари кўрсатиш;

- сабр-тоқат билан ва кетма-кетликда ҳаракат қилиш, чунки ижобий натижаларга тезда эришиш мумкин эмас;

- синфда ҳам соғлом муҳитни шакллантириш, ўсмирнинг яққаланиб қолишига йўл қўймаслик.

Ўсмирларга синф жамоаси орқали ижобий таъсир этиш мақсадида қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

- ишонч усули- ўсмир аҳамиятга эга бўлган жамоат топшириғини бажаради, бунда у ўзининг билим ва малакаларини намоён эта олади;

- фаолиятга секин-аста жалб қилиш усули – топшириқлар такрорланади, мураккаблашади ва уларнинг жамоа учун аҳамиятлилиги асос-ланади;

- қўллаб-қувватлаш усули- ўсмирнинг жамоат ишларини бажаришдаги ҳаракатини рағбатлантириш ва ижобий баҳо бериш, атрофда-гиларнинг унга хайрихоҳлиги;

- ишончсизлик усули – жамоа ўсмирга унинг салбий шахсий сифатлари сабабли масъ-улиятли топшириқни юкламайди ва бу усул орқали ўсмирни ўзига нисбатан танқидий назар билан қарашга ундайди;

- ўсмирнинг эгоистик установакалари ва қарашларини қоралаш усули;

- ўзининг хатти-ҳаракатини объектив баҳолашга ундаш усули;

- ўсмирни биргаликдаги ҳаракат қилишга ундовчи, синфдошлари билан ҳамкорлик қилиш малакасини намоён қилувчи жамоавий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият турларига жалб қилиш усули.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Рашидов Ҳ.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти. – Т., 2013.

2. Мардонов Ш.Қ. Педагогик аксиология. – Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2013.

3. Щуркова Н.Е. Диагностика воспитанности: педагогические методики. – М., 1982.

4. Воспитание трудного ребенка (под ред. Рожкова М.И.). – М., 2003.

5. Гонеев А.Д., Лифенцева Н.И., Ялпаева Н.В., Основы коррекционной педагогики. – М., 2002.

ИЖТИМОЙ НАЗОРАТ - ЎСМИРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ ВОСИТАСИ

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институты катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

Ҳозирги замон шароитида мавжуд бўлган муаммолар ичида вояга етмаганлар ўртасида у ёки бу таъсирларга берилувчан ёшларнинг девиант хатти-ҳаракати масаласи долзарб муаммолар сирасига киради. Ушбу муаммони ўрганиш орқали олинган статистик маълумотларнинг таҳлили Республикамизда вояга етмаганлар ўртасида девиант хатти-ҳаракатларга мойил ёшлар ҳали кўп эканлигини кўрсатмоқда.

“Девиант хатти-ҳаракатлар” тушунчаси вояга етмаган ёшларнинг хатти-ҳаракати жамиятда қабул қилинган ижтимоий тартиб-қоидалардан четга чиқиш деган маънони билдиради ва ушбу тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ва уларни бузиш билан характерланади. Девиант хатти-ҳаракат айниқса, вояга етмаганлар учун хосдир. Ушбу даврда вояга етмаган ёшларнинг шахсий хислатлари шаклланади, унинг ўз-ўзини англаши, дунёни билиши қарор топади. Бирок шахснинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос қийинчиликлар ва оғишлар, ички қарама-қаршиликлар ҳамда ижтимоий ҳаётдаги турли- турли вазиятларга кўника олмасликлар билан кечиши мумкин. Девиант характерга эга бўлган ёшлар кўпинча мактабдаги дарсга бормайдилар, уйдан қочиб кетадилар, дайдилик қиладилар, тиланчилик билан шуғулланадилар, ичкилик ичадилар, гиёҳвандликка ружу кўядилар. Натижада қонунбузарликка мойил бўлиб, жинойатга қўл урадилар.

Ҳозир ўсмирлар ичида содир этилаётган жинойатлар, яъни ўғрилиқ, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фошиҳабозлик қилганлар тегишли қонунларга мувофиқ жазони ўташ ва тарбиялаш муассасаларига юбориладилар. Бу албатта тўғри. Чунки юқорида

номлари келтирилган жиноятчиларнинг асосий қисми бемор кишилар бўлиб, улар медицина ходимлари, психологлар ва ижтимоий соҳа вакилларининг ёрдамларига муҳтождирлар.

Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, кўпинча ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари тармоғи инсонларни тузатиш ўрнига уларни жазолайди. Айрим ҳолларда озодликдан маҳрум этиладиганлар сақланадиган муассасаларда болалар жиноятчиликлари турли йўллари ва усуллари бўйича “сабоқ” оладилар. Баъзиларда девиант ҳатти-ҳаракат айлани шу ерда шаклланади.

Одатда, девиант ҳатти-ҳаракатнинг мотиви бўлмаслиги мумкин. Кўпинча ўсмир жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидалар, талабларга мос яшашни хоҳлайди. Аммо айрим ҳолларда мавжуд шароит бунга йўл бермайди. Натижада ўсмир ўзини боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилади. Ана шундай вазиятда унга турли жиноятлар ва жиноий гуруҳлар бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга қарши чиқиш, шу йўл билангина ўзини намоён этиш, яъни топталган кадр-қимматини тиклаш эканлигини уқтирадилар. Ўғирлик, талончилик, фоҳишабозлик, наркотик моддаларни сотиш орқали орттирган бу бойликларини, мавқеларининг исботи, мисол сифатида келтирадилар. Ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган ўсмир эса уларнинг тузоғига илиниб қолиши ҳеч гап эмас.

Бунга йўл қўймаслик учун девиант характерли болалар устидан ижтимоий назорат ўрнатишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин. Улар нималардан иборат деган ҳақли савол туғилиши табиий. Қуйида ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз:

Ижтимоий назоратнинг асосий омиллари:

1. Ижтимоий назоратнинг услуб ва воситалари девиант ҳатти-ҳаракатнинг аниқ турларига мос бўлиши лозим. Бу ерда ижтимоий назоратнинг асосий воситаси ноўрин ҳатти-ҳаракатларга мойил ёшларнинг турли хил талабларини кондиришга қаратилиши керак. Масалан, илмий, техник, шунингдек, ижодкорликнинг турли йўналишларига ўсмирларни жалб қилиш уларни нотўғри йўлдан қайтаришда муҳим омил бўлади.

2. Қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ёшларга нисбатан таъсир ўтказишнинг репрессив усуллари анча камайтириш лозим. Озодликдан маҳрум этиш инсонни ижтимоий ва ахлоқий таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бу жазони энг охириги чора сифатида қўллаш керак бўлади. Демак, ёш қонунбузарларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш муддатларини қисқартириш, жазони ижро этишни кечиктириш, уларни шартли равишда муддатидан илгари озод этиш, энг асосийси ўсмирларни сақлаш шароитларини яхшилаш талаб этилади.

3. Ижтимоий, давлат, жамият, хайрия ва бошқа муассаса ва ташкилотлар томонидан бериладиган тарбиявий таъсирларнинг усул ва услубларини такомиллаштириш даркор.

4. Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш орқали болаларнинг қаровсиз қолишини олдини олиш, уларни фойдали машғулотларга жалб қилишнинг оптимал йўллари топиш.

5. Ёш авлодни умуминсоний кадриятлар, ахлоқий меъёрлар принциплари асосида тарбиялаш, виждон ва сўз эркинлиги учун имкониятлар яратиш, жамиятда ўз ўрнини топишга интилишини қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда руҳий тушқунлик, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаклик ёшлар учун ҳаёт мзмунини йўқотиши, уларнинг хатти-ҳаракатларида девиантлик характери шаклланишига олиб келади. Бу ишда маҳалла фаоллари, воситачилик, ўзаро ёрдамга тайёр хайрия ташкилотлари, турли хил жамоат ташкилотлари ўсмирлар содир этган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб маъмурий жазо органлари ваколатларини ўз зиммаларига олишлари мумкин.

6. Ҳозирги замон компьютер техникаси замони дейилмоқда. Ёшлар турли хил касеталар, ахлоқ меъёрларига зид кино фильмларни, зўрлик, зўравонлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, гиёҳхандликни тарғиб этувчи видео маҳсулотларни кўришяпти. Бундан буёғига юқоридаги иллатларни тарғиб этувчи бундай нарсаларни ўлкамизга кириб келиши ва ёшлар ўртасида тарқалиши устидан каттиқ назорат ўрнатиш даркор.

7. Тоталитар тузум шароитида ўсиб, онги шу тузумга мос равишда шаклланган фуқароларнинг менталитетини ўзгартириш ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

8. Жиноят содир этган, тарбияси оғир, девиант характерли болалар билан ишлайдиган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, айниқса, жазони ўташ жойларидаги ёш ҳуқуқбузарлар билан ишловчилар, шунингдек, ижтимоий-педагоглар, ижтимоий-психологлар, нарколог-шифокорлар, яъни девиант характерли болалар билан ишлайдиган барча ижтимоий соҳа вакиллари тийёрлаш ва қайта тийёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, болаларда девиант хатти-ҳаракатлар шаклланишининг талайгина сабабларини очиб бериш учун бу хатти-ҳаракатлар жамиятда мавжуд бўлган инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг инъикоси эканлигини унутмаслик лозим. Ижтимоий меъёрлар ва улардан четга чиқиш жамиятимизда фаолият юритувчи шахслар хатти-ҳаракатларининг икки кутбларидир.

Ижтимоий ахлоқ меъёрларидан четга чиқиш ижтимоий меъёрлари каби ранг-барангдир. Бунинг устига четга чиқишнинг ранг-баранглиги меъёрларнинг ранг-баранглигидан кўпроқдир. Бошқача қилиб айтганда меъёрлар типик бўлиб, ундан четга чиқишлар анча хусусий ҳисобланади. Масалан, бир одамнинг жиноий хатти-ҳаракати жиноий кодексда аниқ равшан белгилаб қўйилган моддага тўғри келади, иккинчи одамнинг содир этган жинояти ҳам юқоридаги моддага тўғри келсада, олдингисига ўхшамаслиги мумкин. Бу ҳол жиноятларни содир этувчиларнинг ўзлари ҳам бир-бирларига ўхшамаслигидан келиб чиқади.

Ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан унинг мавжудлиги, ўсиши ва тарқалишига қараб умумий сабабларга эгадир. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги объектив ва субъектив қарама-қаршиликларни ўзида акс эттиради. Бу ҳол ўз навбатида шахснинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатига зарар етказди ва мавжуд тузум томонидан белгиланган ижтимоий меъёрлар билан келиша олмайдиган шахсларда девиант хатти-ҳаракатнинг шаклланишига олиб келади.

Мамлакатда шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида ва дунёда юз берган иқтисодий кризис натижасида вақтинчалик қийинчиликлар юз бериши табиий ҳол. Бундай шароитда аҳолининг айрим қатламларининг моддий аҳволи ўзгаради. Ишсизлар сони

ортиши табиий. Ёшларнинг девиант хатти-ҳаракатига бундай ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ёшлар ҳаётидаги етишмовчиликларни олдини олиш, қийинчиликлар содир бўлганда уларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ечимини топишга қўмаклашиш ҳам меъёрлардан четга чиқишнинг олдини олишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борада ҳукуматимиз томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда сўнгги саккиз йил мобайнида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 19,8 фоизга камайган. Шунингдек, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган конференция материалларида келтирилган маълумотларга қараганда вояга етмаганларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, уларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган тизим шаклланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлар натижасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилганлиги ҳамда олиб борилган бошқа тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган ойларида республикаимизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик қарийиб 14 фоизга камайган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адиллов Ш. Ёшлар ва маънавий тарбия Қарши-2007й.
2. Толипов Ў. Қ., Усмонбоева М.Х., Фозиева Л.М. Ўқувчиларда ғоявийиммунитетни шакллантиришнинг амалий жиҳатлари. “Фан”-2007 й.
3. Фазилов Ж.К. Ўзбекитонда мутақиллик шароитида мактабдан ташқари таълим тизимини бошқаришнинг педагогик асослари (автореферат п.ф.н. илмий даража олиш) -2007й.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ДАРС ИНТИЗОМИГА НИСБАТАН САЛБИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАКТАБ ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИМУАММОЛАРИ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Президентимиз И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”³ деб таъкидлаган эдилар.

Узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигига эришиш ва уни такомиллаштириш таълимнинг тарбиявий қудратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Таълимнинг тарбиявий қудрати эса ўқитувчи шахси, унинг касбий маҳорати, ғоявий-ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилиги, уддабуронлиги билан узвий алоқадордир.

Шунингдек, миллатнинг ўқимишли бўлиши учун жон куйдирган маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деб ўз даврида халққа қилган хитоби юқоридани фикрларнинг муштараклигини янада тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, таълим ва тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминламасдан туриб ўқувчиларга берилаётган маълумотлар сифатини яхшилаб бўлмайди. Тарбия берувчи таълим жараёнининг асосий ташкилотчиси бўлган ўқитувчи худди шунинг учун ҳам жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучи деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Ўқитувчининг сўзи билан амалий фаолияти ўртасида мутаносиблик бўлмаса, унда таълимнинг табиявий таъсири борган сари ўтмаслашиб бораверади.

Ҳеч бир инсон дунёга мукамал бўлиб келмайди. У туғилиб келган бадий асарлардаги қаҳрамонлардек ботир, паҳлавон, доно ва билимдон бўлиб қолавермайди. У албатта, жамиятда инсонлар

³И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент “МАЪНАВИЯТ” 2008 й. 62 Б.

қуршовида, она табиат қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичида, бевосита мулоқотда ҳамда аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, камолга етади.

Шунинг учун ҳам комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан маънавий-ахлоқий, илмий, эътиқодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга етган хислатларини назарда тутди. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими олдида турган энг асосий вазифа таълим-тарбия таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишдан иборатдир. Бунинг учун эса кундалик машғулотларга ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам ҳар томонлама ана шу жараёнларга пухта тайёрлаш керак бўлади. Агар ана шу учта бўғин бир мақсад йўлида бирлашса, ҳар ким ўз вазифаларини аниқ тасаввур этиб, виждонан бажарсагина таълимнинг тарбиявий қудрати ошади.

Мулоҳазалардан келиб чикиб, ўсмир ёшидаги болаларнинг дарс интизомига салбий муносабатлари сабаблари нималардан иборат? Нима учун ўқувчи дарсда ўз вазифа бурчини бажаргиси келмайди? Бунинг иллати қаерда деган саволлар нафақат таълим муассасаси ходимларини, қолаверса, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни ҳам ҳамиша ўйлантиради.

Олимлар томонидан бундай ҳолатни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкинлиги аниқланган:

- боладаги психо-физиологик ривожланишдаги нуқсонлар;
- боланинг тез-тез касалланиб туриши, яъни касалманд болалар;
- оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бефарқликлари;
- носоғлом оилавий муҳитда тарбияланаётган болалар;
- боқувчисини йўқотган, айрим кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болалар;
- оиладан безиган, кўча-қуйда турли иллатли гуруҳларга қўшилиб қолган болалар;
- тенгдошлари билан ўзаро келиша олмаслик оқибатида яққаланиб қолган болалар;
- ўқитувчиларнинг бола қалбига йўл топа билмасликлари оқибатида мактабдан безиган болалар;
- ўқитувчи касбий маҳоратининг етишмаслиги, қўпол муомила, ўқувчини менсимаслик, унинг хатти-ҳаракатларига нисбатан

холисона ёндошмаслик, камситиш, болага нисбатан адолатсизлик, бефарқлик ва ҳ.к. лар бўлиши мумкин.

Ақлий жиҳатдан ривожланмаган, тенгдошларига нисбатан ақли заиф болаларни тушунса бўлар, нега ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом болалар ҳам машғулотларга рисоладагидек иштирок этмайдилар ёки иштирок этсаларда дарсда берилган билимларни ёмон ўзлаштирадилар, синфдошларининг ўзлаштиришлари учун ҳам халакит берадилар, бу муаммони ҳал қилиш учун кимлар жавобгар?

Ўтмишдан мерос бўлиб келаётган тарбия – шакл, усул ва воситаларида оиладаги ўзига хос урф-одатлар ва анаъаналар, ота-оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тажрибаси ҳисобланади. Фарзандлар ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ота-оналар олдида қатор вазифалар туради:

- Бола ҳаётининг биринчи кунидаёқ унинг ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

- Болаларни атрофдагиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг ишлари, қизиқишлари, манфаатлари билан ҳисоблашишга ўргатиш;

- Болада жонқуярлик, вазминлик, камтарлик, умумманфаат билан ҳисоблашиш кўникмаларини таркиб топтириш;

- Болада нутқ маданиятини (одоб билан гаплашиш) шакллантириш;

- Катталарни сизлаб, исми-шарифини тўлиқ айтиб мурожаат қилишга, аниқ талаффуз, мулойим ва ортиқча имо-ишорасиз сўзлашга ўргатиш;

- Фаолият маданияти (ўйинчоқлар, китоблар, шахсий буюмлар билан муомила қилиш) кўникмаларини шакллантириш;

- Болада бурч ҳиссини вужудга келтириш кабилар.

Дарс интизомига салбий муносабат – оила бошлиқларининг фарзандлари фаолиятларини назорат қилмасликлари, улар тақдирларига бефарқликлари, айрим ота-оналарнинг педагогик саводхонлиқларининг пастлиги (болаларини оилада ўқув жараёнига тайёрлашнинг талаб ва омилларини билмаслик ёки бефарқлик) натижасида содир бўладиган жараён сифатида таърифлаш мумкин. Бундай салбий ҳолатни олдини олиш (профилактика) ёки қайта тарбиялаш (коррекция) учун мактабларда ота-оналар билан

ҳамкорликда ишлашнинг мукамал дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг зарурати кун тартибига қўйилмоғи лозим.

Гап ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ҳақида кетганда бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, бу борада барча ота-оналарнинг тайёргарлик даражалари бир хил эмас. Олий маълумотли ота-она билан ўрта маълумотли ёки ундан ҳам паст даражадаги ота-онанинг бола тарбиясидаги тайёргарликлари тубдан фарқ қилади. Мактаб педагогик жамоасининг асосий вазифаларидан бири ҳам шундаки, турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ота-оналарга, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, носоғлом оилаларда тарбияланаётган болаларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчиларнинг маълумотлилиқ даражалари ва тарбиянинг мураккаблиқ даражасини назарда тутган ҳолда ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-онадан фарзанди тарбиясидаги нуқсонлардан нолишдан олдин уларнинг тарбия соҳасидаги муҳтожликларини аниқлаш ва амалда кўмак бериш дастурини ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Бунинг учун эса ота-оналарда эҳтиёж шаклланган бўлиши, фарзандини бекаму-кўст тарбия топиши ва соғлом бўлиши учун доимий равишда ўзларининг педагогик, психологик ҳамда тиббий маълумотларини ошириб боришлари зарур.

Таълим сифатини таъминлашда оиланинг иштироки ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Оилада аجدодлардан мерос бўлиб қолган тарбия мезонлари ва анъаналарини фарзандларга етказиш ота-она зиммасида бўлади. Ота-она вазифаларини бажаришда яна бир муҳим омиллардан бири — бу етакчилик хислатидир. Муносиб ота ва она фазилатлари мужассамини топиш ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Тарихда шундай ота-оналар бўлганки, уларнинг саъй-ҳаракатлари, инсоний фазилатлари, ишбилармонлиги билан оиласи обод бўлган, аммо, тараққиётга эмас, аксинча, беқарорликка сабаб бўлган етакчи оилалар ҳам талайгина. Булардан нотинч ва жиноятчиликка сабаб бўлувчи оила юзага келади. Жамиятимизда қонун устиворлиги, халқ ҳокимияти ва фуқаролар жамияти юксалиб борар экан, оила етакчилари бўлган ота-онага нисбатан талаблар ҳам ўзгараверади.

Оила раҳбари – ота-она, аввало, оила аъзолари дарди билан яшашни, зиммасига оиланинг оғирини енгил қилишдек масъулият юкланганлигини теран ҳис этиши лозим. Зеро, ҳалоллик, адолатпарварлик, оилапарварлик ота-оналарнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган, унинг обрўсини оширадиган муҳим омилдир. Афсуски, баъзи бир ота-оналар иқтисодий жиҳатдан бой-бадавлат яшасаларда (данғиллама ҳовли жойлар, қимматбаҳо машиналари бўла туриб) мактабда таҳсил олаётган фарзандларининг дарс тайёрлашлари учун зарурий шароитларни яратиб беришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Мактаб билан оила ўртасидаги илик ва ижобий муносабатлар тўғрисида ўйламайдилар, ота-оналар йиғилишларига боришни ўзларига эп билмайдилар.

Бинобарин, оила раҳбари – ота-онанинг маънавий фазилатларида ҳам ташаббускорлик муҳим рол ўйнайди. Ташаббускор ота-она ёниб, завқ билан яшайди ва оилани бошқаради, унинг моддий ва маънавий таъминотини енгиллаштиради, шунга яраша меҳнат қилади. Ота-онанинг ташаббускорлиги уч нарсада билинади: оилани бирлаштириш, уларни бошқариш ва тарбиясини таъмин этиш. Бирлик йўқ жойда барака ва оилада тинчлик бўлмайди. Оила бошқаруви заиф бўлса, тартиб ва интизомга тупур етади. Тарбия бўлмаса бирлик йўқолади.

Хулоса шундан иборатки, дарс интизомига салбий муносабатнинг шаклланишида ота-оналарнинг фарзанди келажагига нисбатан бепарволик билан муносабатлари, таълим-тарбия муассасалари билан доимий ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилмаганлиги оқибатида келиб чиқиб, жамиятимиз учун катта зарар етказиши мумкин.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти Т.: - 2013. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ нашриётида чоп этилган. 5,25 босма тобоқ.

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институту директори, педагогика фанлари доктори, профессор

С.Н.Алимходжаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий
тадқиқот институту катта илмий ходими

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида педагогик-психологик нуктаи назардан қаровсиз қолган, тарбияси оғир, тартиббузар ва ҳуқуқбузарликка мойил, девиант хатти-ҳаракатли ёшлар билан тарбиявий ва профилактик ишларни олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Мактаб ўқитувчилари ва психологлариининг кундалик фаолиятлари нафақат ўқувчиларнинг билим сифатини оширишга, балки уларнинг маънавий ва ахлоқий дунёқараши, ақлий ва жисмоний ривожланиши, ҳуқ-атвор маданиятига қаратилгандир. Бундан келиб чиқадики, мактабда ва дарс вақтида интизом талабларига, одоб ва ахлоқ, мулоқот маданияти меъёрларига зид бўлган ҳуқ-атворга эга бўлган ўқувчилар билан ишлаш алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Бола ҳуқ-атворидаги бу каби ғишларнинг сабаблари ғарб маданиятининг таъсири натижасида болалар ва ўсмирлар учун қадриятлар мазмуни ўзгарганлиги, оилада маиший шароит-ларнинг ночор-лиги, ота-оналарнинг ҳаддан ташқари бандлиги натижасида болаларнинг тарбиясига керакли эътибор берилмаётганлиги бўлиши мумкин.

Баъзи ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси учун фақатгина мактаб масъул деб, уларнинг фанларни ўзлаштирмаслигида ўқитувчини айблайдилар. Бола интизомсизлигининг сабаби эса унинг “кўчадаги дўстлари”, деб ҳисоблайдилар. Оила ўзининг асосий вазифаларидан бири бўлган фарзанд тарбия-си жараёнида иштирок этмайди. Оилада ва мактабда тарбияга етарли даражада эътибор берилмаслик натижасида, бола

шахсининг ривожланиши, унинг кизиқишлари тўғри йўналтирилмайди.

Бундай болаларга қандай ёрдам бериш мумкин? Уларнинг ота-оналарига қандай маслаҳат бериш мумкин? Тарбиявий ишларни қандай ташкил этиш керак?

Ўқитувчилар ўқувчилардаги салбий хулқ-атворни келтириб чиқарувчи интилишни бартараф этишга ва шароитни ўзгартиришга урғу беришлари лозим. Синф раҳбарининг тарбиявий профилактик ишлари боланинг ижобий позитив хулқ-атворини доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат бўлиб, хулқи оғишликнинг турли шаклларига нисбатан “жазолаш” усуллари татбиқ этилишини камайтиришни талаб этади.

Ота-оналар билан якка ҳолда ишлаш самарали усуллардан биридир. Чунки ўқувчилар билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ҳам ота-оналар йиғилишида муҳокама қилиб бўлмайди, яккама-якка суҳбат эса ўқитувчи ва ота-она ўртасида илиқ ва ишончли муносабатларни ўрнатишга ва барча муаммолар ҳамкорликда ҳал этилишини таъминлаши мумкин. Ҳар бир ота-она ўқитувчи ҳам унинг фарзанди келажаги ҳақида қайғураётганлигини, унинг билим олиши, ундаги қобилиятларни вақтида илғаб тўғри йўналтиришга биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлигини ҳис этиши муҳимдир.

Ўқитувчининг тарбияси қийин болаларнинг ота-оналари билан индивидуал суҳбатлари ва маслаҳатлари ҳамжиҳатликда болага таъсир этиш йўллари топишга ёрдам беради. Шунингдек, индивидуал суҳбатлар оилавий тарбиядаги салбий ҳолатларни бартараф этишга ва ижобий омилларни мустаҳкамлашга имконият яратади.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан ўтказган суҳбатлари давомида кўтарилган муаммолар ва уни бартараф этиш усуллари, болалар хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириши учун берилаётган тавсиялар амалий аҳамиятга эга бўлиши муҳимдир. Ота-онани мактабга чақиртиришга сабаб бўлган вазиятни тушунтириб аввалига ота-она бундай ҳолатларда қандай йўл тутиши ҳақида маслаҳат сўраш ва сўнгра биргаликда муаммони бартараф этиш йўллари топишга ҳаракат қилиш керак. Бундай суҳбатларда табиий равишда ҳамкорликда қабул қилинган чоралар қандай таъсир

этаётганлигини аниқлаш учун такрорий учрашув белгилаш ва келгусидаги ишларни белгилаб олиш масаласи кўтарилади. Шундай қилиб, аста-секинлик билан ота-оналар билан доимий ҳамкорликда боланинг хулқ-атворидаги ва ўқишидаги салбий ҳолатларни бартараф этиш мумкин.

Ўқитувчи ота-оналарга боланинг имкониятлари ва ижобий хусусиятларини очишга ёрдам беради. Бунда ўқитувчи ота-онага шунчаки кўрсатма бериши эмас, балки бола ҳақида доимо қайғуришини ўз маслаҳатлари орқали билдириши керак. Боланинг устидан доимо шикоят қилиш, унинг камчиликларини қайта-қайта эслатиш ота-оналарни ҳам бездириши мумкин ва мақсадга эришишга тўсқинлик қилади.

Ота-оналар билан ишлашда синф раҳбарининг вазифалари қуйидагилар:

1. Оиладаги тарбия шароитини ўрганиш.
2. Ота-оналар билан индивидуал ва гуруҳий ишлаш.
3. Ҳар чоракда бир марта бирор мавзуга бағишланган ота-оналар ййғилишларини ўтказиш.
4. Ота-оналарни болалар учун кизикарли бўладиган дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишга жалб этиш.
5. Ота-оналарнинг болалар билан муносабатларини яхшилашга таъсир этиш.
6. Болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини жамоат ташкилотлари олдида ҳимоя қилиш.

Бу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, синф раҳбари ўз фаолиятини режалаштириб олиши керак. Режада болалардаги салбий хулқ-атвори бартараф этиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш, болаларни жамоавий фаолиятга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини қандай ўтказиши, турли синф ва мактаб тадбирларида иштироки акс этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир ота-она билан мулоқот қилганда самимийлик ва уларга нисбан хурмат кўрсатиши, уларнинг биргаликдаги фао-лияти бола учун фақат фойдали бўлишига эришиши муҳимдир.

Оилавий тарбия муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, ота-оналарни доимо болаларнинг хулқи хавотирга солади, лекин улар ўзларининг хулқ-атвори бунда қандай

аҳамиятга эга эканлиги ҳақида камдан-кам ҳолатларда ўйлайдилар. Чунки айнан ота-оналарнинг хулқи боланинг тарбия-сига таъсир қилиши исботланган, ота-оналар бола учун энг аҳамиятли инсонлар бўлиб, бола албатта уларга ўзи билмаган ҳолда тақлид қилади.

Мустаҳкам аҳил оила болада ўзига, ўзининг имкониятларига ишончнинг ривожланишига ёрдам беради. Ота-оналар бундай оилаларда бола учун доимо ҳар бир нарсада намунадирлар. Бундай бола қаттиқ ҳаяжон ва руҳий зарбалардан ҳимояланган, бирор-бир мақсадга эришиш йўлида ўзининг имконият-ларини англаган ҳолда йўл тутади. Ўзига ишонч унга мустакил ҳаракат қилишга имкон яратиб, унинг ижтимоий ҳаракатлари позитив, ички муаммолар уни кам безовта қилади, ўз фикрларини эркин ва очиқ баён эта олади. Унинг хулқ-атвори ўзига ишончи паст, ўз фик-рини баён қила олмайдиган, бошқаларнинг таъсирига берилувчан депрессия ҳолатидаги боланикидан катта фарқ қилади.

Авторитар ота-оналар фарзандларининг хулқ-атвори юқори хавотирлик, зўриқиш, имтимоий пассивлик билан характерланади. Агар ота-оналарнинг хулқ-атворида ғамхўрлик ва назорат, талабчанлик ва боланинг ички кечинмаларига қизиқиш бўлса, у ҳолда болада ижтимоий фаоллик, атрофдагиларга позитив йўналганлик, очиқлик намоён бўлади.

Девиант хулқ-атворнинг келиб чиқишига қатор ижтимоий сабаблар билан бирга, оиладаги вазият, яъни ота-оналар томонидан бола тарбиясига эътиборсизлик, назоратнинг етарли даражада эмаслиги, ота-оналарнинг кўрсатаётган намуналари, моддий таъминланганлик, ота-оналарнинг ишсизлиги ва ичкиликбозлик, ота-оналарнинг интеллектуал пассивлиги ҳам катта таъсир этади

Оила бола тарбияси ва маълум бир ҳаёт тарзининг шаклланиши учун табиий муҳитдир. Оила муҳити бола хулқ-атворининг индикатори ҳисобланади. Фарзандингиз ким билан дўст, атрофдагилар кимлар, ким унинг энг яқин дўсти ёки дугонаси, нимага қизиқишини билишингиз шарт. Фарзандингиз сиз билан қўпол муомалада бўлса, сизга айтмасдан уйдан кетиб қолса, ёлғон гапирса, пул талаб қилса, спиртли ичимликлар ича бошласа, сиз билан мулоқотдан қочса, талабларингизни бажармаса бундан албатта хавотирга тушинг. Лекин шуни билингки, энг қийин вазиятлардан

чиқиш йўллари бор. Фақат уни топишга ҳаракат қилиш керак. Бунда бизга психокоррек-цион тадбирлар ёрдам беради:

- ота-она ва болалар ўзаро муносабатларини яхшилаш;
- оила ичидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш;
- “ота-она” ва “тарбияси қийин бола” тизимидаги шахслараро муносабатларни уйғунлаштириш;
- ўзини фаол шахс сифатида намоён қилишга ёрдам берадиган хулқ-атворнинг коммуникатив шакллари ривожлантириш;
- атрофдагилар билан тенг мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Ота-оналар билан ишлашда суҳбат методи қуйидаги режа асосида қўлланилиши мумкин:

1. Оиланинг тузилиши (фарзандлар сони, оила таркиби, оиладаги муҳит). Оилада нечта фарзанд, тўлиқ ёки нотўлиқ оила, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари оиланинг моддий таъминланганлиги аниқланади.

2. Оиладаги турли авлодлар, яқин қариндошлар (бобо ва буви) ўзаро муносабатлари. Кўп ҳолларда оилада оналар ва бувилар, оталар ва бувилар ўртасида низолар юз беради.

3. Ота-оналарни педагогик ва ижтимоий--педагогик тайёрлаш (оилада фарзандларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда маънавий, жисмоний, эстетик, жинсий тарбиялаш). Ота-оналар бу масалаларга кераклича эътибор қаратмайдилар, кўп ҳолларда булар ҳақида маълумотга эга эмаслар.

4. Баъзи оилалардаги авторитар тарбия усули.

5. Тарбия жараёнида хаддан ортиқ рағбат ва жазолаш усулларида фойдаланиш.

6. Оилаларда болаларнинг меҳнат қилиши, дам олиши ва таълим олиши режими ташкил этилмаганлиги.

7. Ўсмирлардаги девиант хулқ-атворнинг ота-оналарнинг асоциал (ичкиликбозлик натижасида оила аъзоларини калтаклаши, ишсизлиги) ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқлиги.

Ота-оналар билан ишлашнинг энг самарали усулларида бири уларни бу муаммо юзасидан ташкил этиладиган йиғилишларга таклиф этиш, маслаҳатлар бериш ва баҳс-мунозаралар ўтказишдир.

1. Биринчи йиғилиш девиант хулқ-атворли болаларнинг ота-оналари билан танишиш. Бу йиғилишда ота-оналарни бу муаммо юзасидан мактаб психологи, синф раҳбари ва мактаб маъмуриятига мурожаат қилиш зарурлигини таъкидлаш

2. “Агрессия. Унинг сабаблари ва оқибатлари”.

Бу тадбирни давра суҳбати тарзида ташкил этиш мумкин. Бу йиғилишда болалардаги агрессиянинг сабаблари таҳлил этилиб, ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари, боладаги агрессив хулқ-атвори бартараф этиш йўллари муҳокама этилади. Шунингдек, болалар учун тренинг машғулотли ўтказиш мумкин.

3. Оилада боларни “жазолаш” ва рағбатлантириш.

Болаларни “жазолаш” ва рағбатлантириш-нинг масалалари муҳокама этилади, педагогик вазиятлар, болалар ва ота-оналарда ўтказилган анкета сўровномалари натижалари таҳлил қилинади. Тадбир баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

4. “Шахсий сифатларни ривожлантиришда мулоқотнинг ўрни”

Мазкур давра суҳбатининг мақсади болалар ва ота-оналар учун мулоқот қилишнинг аҳамиятини белгилаб олишдан иборат.

5. “Оилада болани меҳнатга ўргатиш, унда ишчанликни ва шахсий сифатларни ривож-лантириш”. Бу йиғилишда педагогнинг вазифаси болада меҳнатсеварликни тарбиялашда оиланинг роли билан таништиришдан иборат.

6. Жисмоний ривожланиш ва унинг боланинг интеллектуал, шахсий сифатлари шаклланишига таъсири. Бунда болаларнинг физиологик ўсиши муаммоси кўриб чиқилиб, боланинг шахсий сифатларига таъсир этиш йўллари белгиланади. Ўтказиш шакли ота-оналар учун тренинг бўлиши мумкин.

7. “Оиланинг маданий қадриятлари ва уларнинг бола учун аҳамияти”. Бу мавзуда ўзаро фикрлар алмашиш шаклидан фойдаланиш мумкин. Оиланинг маданий анъаналари, маданий қадриятларнинг боланинг билим олишига таъсири масалалари муҳокама қилиниши мумкин.

8. “Жинсий фарқланиш ва жинсий етилиш”. Бу йиғилишда жинсий етилиш даврида оиланинг аҳамияти, ўсмир организмидаги ўзгариш-лар, ўсмир физиологияси ва жинсий етилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқилади.

9. “Ўқувчиларда ирода сифатларининг шакл-ланиши”. Боладаги негатив характер хусусиятларини бартараф этишда оиланинг роли, шахсда иродавий сифатларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинади. Бу тадбирни давра суҳбати ёки мавзу бўйича баҳс-мунозара шаклида ўтказиш мумкин.

10. “Ўқувчиларда ахлоқий сифатларнинг шаклланишида оиланинг роли”. Бу тадбирга ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларини таклиф этиб, ота-оналарни “Қонун ва жавобгарлик” масалалари билан таништириш мумкин.

11. “Ўқувчининг ёш ва психологик хусусият-лари”. Синф раҳбарлари, психологлар ота--оналарни болаларнинг психологик ва ёш хусусиятлари билан таништиради.

12. “Тарбияси қийин бола. У ким?”

Бу тадбир давра суҳбати шаклида ташкил этилиб, унга вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси вакили, синф раҳбарлари, мактаб психологи таклиф этилади.

13. “Чекиш ва гиёҳвандлик-зарарли одатлар”.

Бу йиғилишнинг мақсади ота-оналарни оилада бу муаммони муҳокама қилиш ва уни ечиш усулларини топишга ишонтириш, чекишнинг ва гиёҳвандликнинг оқибатлари бўйича маълумотлар билан таништиришдан иборат.

Хулқи оғишганликнинг коррекция жараёни шу билан мураккабки, фарзандидаги бу хулқ-атворни бартараф этиш ҳаракатида бўлган ҳар бир ота-онага индивидуал ёндашувни талаб этади. Чунки ота-онага фарзандидаги тарбияси қийинликнинг асоси нималиги, уни қандай аниқлаш ва коррекция усулларида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар бериш, уларнинг педагогик ва психологик билимларини ошириш лозим.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Рашидов Ҳ.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти. – Т., ЎзПФТИ, 2013. 86 б.

2. Рашидов Ҳ.Ф., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабат: сабаблар таҳлили ва тавсиялар “Maktab va hayot” илмий-методик журнали, 3-сон, 2014.

3. Бардин К.В. Чтобы ребенок успешно учился:/Педагогический всеобуч родителей. – М., Педагогика, 1988.

4. Белкин А.С. Ситуация успеха. Как ее создать:Кн. Для учителя. – М., Просвещение, 1991.

5. Годовникова Л.В. Основы коррекционно-развивающей работы в массовой школе. – Белгород, 2005. – С. 200

6. Елизаров А.Н. Коррекция родительско-детских отношений в случае девиантного поведения подростка // Тезисы Международной научно-практической конференции «Современные психосоциальные технологии: проблемы освоения и использования» 21-22 мая 2001 года. – М., Консорциум “Социальное здоровье России”, 2001. – С. 88-89.

7.Ўзбекистон Респ. ХТВ, ЎзПФИТИ “Бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш: муаммолар ва ечимлар” Респ. илмий-амалий конференция материаллари тўпл. Т.: - 2014. Б. 101-104.

ОИЛА – ИНТИЗОМСИЗ ЎҚУВЧИЛАР ХУЛҚИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛ СИФАТИДА

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

С.Н.Алимходжаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий
тадқиқот институти катта илмий ходими

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар пойдевори ҳам илк бор оила шароитида қарор топиши табиийдир. Тарбия оиладан бошланиб, узлуксиз таълим (боғча,

мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей, олий таълим) муассасаларида ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Оилада фарзанд тарбияси тўғрисида ўтмишда алломаларимиз ўзларининг бебаҳо фикрларини билдиришган, халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ақида ҳаётда аллақачонлар ўз исботини топган. Шу нуқтаи-назардан дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларни қайта тарбиялашда ота-оналарнинг ёрдами ва аралашувисиз муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин эмас. [1]

Ўсмир шахсининг шаклланиши ва унинг хулқ-атвор хусусиятларига таъсир этадиган бир қатор ижтимоий-педагогик омиллар мавжуд. Улар орасида ўсмирнинг оиласи тенгдошлари оила ва, айниқса, тенгдошларининг ноформал гуруҳларини таъсири касб этади.

Ўсмирнинг хулқ-атвор йўналишини белгилаганда оила ҳал қилувчи аҳамиятига эга бўлиб, айнан шу жараёнда ота ва онанинг, ота-она ва фарздаларнинг ўзаро муносабати таъсирида ахлоқий меъёрлар ва қоидалар асослари, биргаликдаги фаолият кўникмалари таркиб ториб боради, ўсмирнинг дунёқараши, кадриятлар йўналганлиги, ҳаётий режалари ва олий мақсади шаклланади [2].

Бола шахсининг шаклланиши мана шу ўзаро муносабатлар ва мулоқот қандай йўналиш ва мазмунга эга эканлигига, оиланинг тарбиявий ишлардаги компетенцияларга боғлиқдир. Бу омил эса оиланинг тузилиши, ота-оналарнинг маълумот даражаси ва маданияти, оиланинг ижтимоий-маиший ҳаёт шароити, оиладаги психологик муҳит, оила аъзолари мажбуриятлари ва уларнинг тақсимланиши, дам олиш ниташкил этиш ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Амалиёт ва илмий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўсмир хулқ-атворида, уларнинг маънавий ва маданий кадриятларга муносабатларида, тенгдошлари ва катталар билан мулоқот оиладаги муҳит, унинг ижобий ва салбий томонлари яққол ифодаланади. Кейинчалик эса ижтимоий муҳит, синф жамоаси ва бошқа турли гуруҳларнинг таъсирида бу муносабатлар ўзгариши мумкин.

Ўсмир ёшда оилавий муносабатлар ва мулоқот қарама-қарши характерига эга бўлиш мумкин. Усмир бир томондан катталар билан, шу жумладан ота-оналар билан мулоқотга интиладилар, бошқа томондан эсауларда оилавий мулоқотга қизиқиш сусайиши, ўсмир ҳаётида оиланинг аҳамияти камайиши кузатилади.

Ўсмир ёшида муносабатлардаги ва оилавий мулоқотдаги бундай қарама-қаршиликлар, айниқса, нохуш оилаларда кузатилади. Зеро, оиланинг бош вазифаси баркамол инсонни тарбиялашдан иборат бўлсада, бундай оилаларда тарбия масаласига етарли аҳамият берилмайди. Ҳар бир инсон индивидуал психологикхусусиятларга эгадеган тушунчадан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, бундай оиладаги муносабатлар қайсидир болани қониктирса, бошқаси учун эса оғир калбий жароҳатлар ва руҳий касалликлар сабабчиси бўлиши мумкин [3].

Тарбиядаги нуқсонлар нохуш оиларнинг биринчи ва асосий кўрсаткичидир. Оила моддий томонидан таъминланган, маиший шароити ҳам аъло даражада бўлиши мумкин. Оила моддий томонидан таъминланган, маиший шароити ҳаммаъло даражада бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси оиланинг нохуш ёки тинч ва хотиржанлиги даражасини белгиламайди. Фақат оиладаги ўзаромулоқот характери ота-онанинг болага бўлган муносабати орқали ўсмир ёшдаги болалардаоилага ижобий муносабатларни шакллантириш мумкин. Бироқ оиланинг тўлиқ ёки нотўлиқлиги, уларнинг қадриятларини инобатга олмаслик ҳам мумкин эмас. Оиланинг таркибий деформацияси (нотўлиқ оила) боланинг мулоқотида ҳам акс этиб, унинг тенгдошлари ва катталар (айтинса эркаклар) билан мулоқотида акс этади. Бундай оилалрдаги ўсмирлар дуст танлашда, тенгдошлари билан мулоқотда кийинчилик сезадилар.

Оилавий муносабат ва мулоқотга таъсир этувчи омиллардан бири ота-оналардан бири турли сабабларига (хизмат сафарлари, ўта бандлиги ёки шунчаки фарзанди тарбияси билан шуғулланишни хохламаслини) кўра, тарбия жараёнида иштирок этмайди ва табиийки, мулоқотда бўлмайди. Оила тузилмасининг бузилиши ўсмирга ўз-ўзидан эмас, болки бошқа омиллар билан биргаликда таъсир этади, хусусан, ота-оналарнинг умумий ва педагогик маълумотининг

даражаси, оиладаги ўзаро муносабатлар, муловотнинг мазмуни ва бошқа.

Оиланинг фаровонлик кўрсаткичларидан бири ва унинг болага таъсири ижтимоий талаблар ва кадриятларга муносабатида кўринади. Чунки бола бунда инсоний муносабаълар ва мулоқот маданиятига ўрганади ва булар келгусида унинг учун ахлокий эталон вазифасини бажариб, унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб туради. Ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари ва болалар билан муносабатлари мулоқотнинг мазмуни ва характериға таъсир қилади, шу билан бирға мулоқот муносабатларни коррекция қилади, ривожлантиради ва бойитади. Оилавий мулоқотнинг характери ва муносабатлар усули қоидаға кўра оила аъзоларнинг биргаликдаги ўзаро алоқасида намоён бўлади. Агар оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ижобий бўлса, оилавий мулоқот конструктив, ўзига жалб этадиган ва томонларнинг қониқишлари юзаға келтиради. Агар муносабатлари низоли, эмоционал салбий бўлса, у ҳолда оилавий мулоқот ҳам негатив тусға эға бўлади. Шу билан бирға мулоқотда, унинг коммуникатив кенглигида жуда катта тарбиявий имконият мавжуд.

Айни пайтда мулоқотда, унинг коммуникативлик маконидакатта тарбиявий имкониятлар мавжуд бўлиб, бу имконият оила ичидаги муносабатларнинг ҳам характерини, ҳам оиладаги ўзаро муносабатлар тартиби(стили)ни ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу омил нафақат муносабатларға хос бўлган ҳиссийтға, балки одамларнинг онгига, уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини баҳолашға йўналтирилган [4].

Педагогик ва психологик адабиётларда ота-оналарнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилишнинг бир қатор ёндашувлари мавжуд. Айрим тадқиқотчилар оилада ота-оналарнинг низоли ва низосиз муносабатларини таъкидласа, бошқалари эса буни келишилган ва келишилмаган муносабатлар тарзида талқин этадилар. Бирок ҳар икки муносабатларнинг моҳияти пироворд натижада улар бола шахсини шаклланишиға қандай таъсир этиши, боланинг одамлар билан муносабатлар тизими ва улар билан мулоқот қилишиға боғлиқ бўлади. Шунингдек, мутахассислар томонидан ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги нотўғри педагогик муносабатлар натижасида юзаға келадиган тарбининг бир неча хато усуллари ажратиб

кўрсатилади. Масалан, гипопротекция ота-оналарнинг ўз фарзандларига эътибрининг камлигидан келиб чиқади. Гипопротекциянинг ёмон оқибати – болаларнинг бутунлай қаровсизлигида намоён бўлади. Яширин гипопротекция ота-оналарнинг фарзандлар устида формал назорат ўрнатганликлари, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига бефарқлик кўринишида намоён бўлади. Болабошқаларнимутлоқо қизиқтирмайдиган ўз ҳаёти билан яшайди .

Хукмрон гипопротекциямайда нарсаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишга асослан юзаки ғамхўрликка асосланади. Унда боланинг ҳар бир қадами, хатти-ҳаракати устидан назорат ўрнатиш, уларга нисбатан қўлланиладиган тақиқларнинг бир бутун тизимини юзага келтириш натижасида, айниқса, болаларнинг ўсмир ёшида норозилик ҳолатлари, ота-оналарнинг тақиқларидан яшириниш истаклариникелтириб чиқаради. Эркалатувчи гиперпротекция болани ҳар қандай мажбуриятлардан холи бўлиши, унинг арзимаган иқтидорини тинимсиз макташ, ундан завқланишга асосланган бўлиб, тарбиянинг бундай усули болада ҳамма нарса мумкин, дегандунёқарашни шакллантиради. Натижада атрофдагилар билан зиддиятларни келтириб чиқаради. [5].

Зиддиятли тарбия вазиятлари ота-оналардан бири эркалатишга, бошқаси эса ҳиссий тақиқлашгаасосланган тарбия усулини қўллаган ҳолатларда келиб чиқади. Ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги шу каби муносабатлар тизими оила ичидаги ўзаро муносабатларда зиддиятларга олиб келади. Бу зиддиятлар оила доирасидан чиқиб ўсмирларнинг катталар, тенгдошлари билан мулоқотидаги зиддиятли вазиятларни содир бўлишига сабаб бўлади. Ўсмирнинг характеридаги бу иллатларни таъкидлайвериш вояга етмаганларни интизомсизлигини келтирибчиқаради.

Эр-хотиннинг бир-бири олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги тасаввурлари ҳар хил бўлса ҳам оилада зиддиятли вазиятлар юзага келади.Улар ўзларига мос ва хос бўлмаган бир қатор ҳаракатларни амалга оширадилар.

Ота-оналар ўртасидаги салбий муносабатлар айрим иқтисодий масалаларнинг ечимига бир хил қарамасликлари, бола тарбиясида қўлланиладиган тарбия методларини белгилашдаги келишмовчилик,

умумий ва педагогик маълумотнинг ҳар хиллиги ва шу каби бошқа омиллар натижасида келиб чиқади. Одатда, ота-оналарнинг муносабатларидаги ҳамжиҳатликнинг йўқлиги уларни ўз фарзандлари билан мулоқотидаги гармонияга путур етказди, оилада эмоционал жиҳатдан тўлақонли муносабат бўлмайди.

Ота-оналарнинг бир-бирига нисбатан қўполлиги, бефарқлиги, ишончсизлиги, самимийлик ва ҳурматнинг йўқлиги, сурбетлиги ва пасткашлиги болаларнинг шахсий тажрибаларида акс этади ва уларбу тажрибани бошқалар билан мулоқотда қўллашлари мумкин. Нотинч оилаларда, одатда, эр-хотин ўз муносабатларини ойдинлаштириш билан машғул бўладилар. Натижада болаларга, уларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, уларнинг ўқув фаолияти, қизиқишлари ва лаёқатлари, бўш вақтлари, уларнинг ўртоқлари ва тенгдошлари даврасига бўлган эътибор пасаяди. Бундай шароитда болаларнинг белгиланган меъёрлардан ҳам мазмун, ҳам йўналиш жиҳатидан четлашиши характерли кўрсаткич ҳисобланади. Бундай оилалардаги мулоқотларнинг моҳияти шунда намоён бўладики, биринчидан, мулоқотлар эпизодик характерга эга бўлиб, улар онда-сонда ўзаро мулоқотга киришади, бир-биридан қочиб юришга интилади. Иккинчидан, бу мулоқотлар бир томонлама бўлиб, унда қўп ҳолларда ижтимоий-моддий мазмун касб этади. Ижтимоий, ахлоқий масалалар, маданий қадриятлар муаммолари мулоқотлар доирасига кирмайди. Учинчидан, одатда мулоқотларда эмоционал компонентлар етишмайди, маънавий яқинлик, самимий яқинлик, меҳр-муҳаббат аҳён-аҳёнда мулоқот фони сифатида кузатилади. Эмоционал алоқалар мустаҳкам, барқарор бўлмайди, аксинча зиддиятлилигича қолади.

Демак, юқоридаги омиллар туфайли, яъни оилавий муносабатлардаги нохуш ҳолат ўсмир шахсининг шаклланишига, унинг мулоқот тажрибасига, ўзини жамоада тутиши, унда ўзаро мулоқотга киришиши, тенгдошлари ва катталар билан мулоқотига таъсир ўтказди. Шунинг учун оиланинг педагогик компетенцияси нуктаи назаридан тарбия учун қодирлиги ёки қодир эмаслиги, оиланинг болага таъсирининг натижавийлиги ва ишончлилиги ҳақида гап борар экан, нафақат ўсмир шахсининг шаклланишида, унинг тенгдошлари ва катталар билан мулоқот стили ва характерини белгилашда муҳим рол ўйнайдиган оиладаги ахлоқий микроклим,

балки жамиятнинг бола тарбияси борасидаги меъёр ва талабларини бажаришга нисбатан муносабатларини назарда тутди. Шуларни эътиборга олган ҳолда психологлар оилаларни “педагогик укувсиз”, “педагогик пасив” ва “антипедагогик” каби типларга ажратади[6].

Биринчи тип, педагогик билимларига эга эмас. Уларнинг болатарбиясига таъсири босқичма-босқич амалга оширилмайди ва бу ҳаракатлар ҳеч қандай асосга эга бўлмайди. Улар тарбия методларини танлашга қийналадилар, улар, асосан, тарбия борасидаги қачонлардир ўзлари тарбияланган муҳитни юзага келтиришга ҳаракат қиладилар, яъни олдинги тажрибаларга таянадилар. Унда авторитаризмга чекланганлик муҳити, белгиланган тартибга қатъий риоя қилиш, уни бузиш жазоланиши каби муҳит ҳукм суради. Оила ичидаги мулоқот чекланган ва юзаки, жамоавий нейтрал характерга эга бўлади. Бундай оилаларнинг умумтаълим ҳамда ахлоқий-маданий савияси паस्त бўлади.

Оиланинг иккинчи – “педагогик пасив” типининг хусусияти шундаки, унда ота-оналарнинг педагогик укувсизлиги уларнинг ижтимоий фаоллик кўрсатмасликлариданамоён бўлади. Улар объектив (узоқ муддатли касаллик, кўп вақт оиладан ташқарида бўлиш, бандлик)га кўра ёки субъектив(оила муаммоларига нисбатан ягона қарашнинг мавжуд эмаслиги, ота-оналарнинг фикри бир жойдан чиқмаслиги, тез-тез содир бўлиб турадиган жанжал ва келишмовчиликлар) сабабларга кўра тўғри тарбиявий жараёни таъминлай олмайдилар. Бундай оилаларда ота-оналарнинг муносабатларикескинлашган, зиддиятли, бир-бирига бефарқ ёки хуш кўрмайдиган тарза бўлади. Оилавий муносабатлар эпизодик, деструктив характерга эга бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий аҳамият касб этмайди. Ота-оналар ўзаро муносабатларга ойдинлик киритиш билан банд бўлиб, ўз фарзандларига кам эътибор қаратадилар ва оқибатда оилада ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фарзандлари устидан назоратни йўқотадилар. х -ҳарактлари, амалдаги меъёрларга муносабатлари билан болаларда салбий қарашларни шаклланишига сабабчи бўладилар. Бундай оилаларда жамоат меъёрларига, атрофдаги одамлар ва уларнинг ишларига нисбатан эгоистик психология, ҳурматсизлик қайфиятлари таркиб топа боради. Ота-оналар ўз юриш туришлари(бойликка рўжу қўйиш, манфаатпараслик,

таъмагирлик, ичкиликбозлик, ахлоқсизлик) билан оилада антипедагогиквазиятни юзага келтирадilar. Оилавий муносабатлар бир томонлама, ассоциатив йўналишга эга бўлади. Бундай оилалардаги ота-оналар ўзига ишонган, болаларининг оиладан ташқаридаги, мактабдагимулоқотлардаги ахлоқсизликларини оқлаган ҳолда мактабда ўрнатилган тартибларни тан олмасликка ҳаракат қиладилар [7].

Шундай қилиб, боланинг истаги ва иродасидан қатъи назар оилавий мулоқот ва муносабатлар характери боланинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатлари қуриладиган база вазифасини ўтайди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мусурманов Р. Узлуксиз таълим тизимида интизомсиз ўқувчиларнинг ота-оналар билан ишлаш/ “Узлуксиз таълим” ж. Т.: - 2014. № 2.
2. Пезешкиан Н. Позитивная семейная психотерапия. М., 1993.
3. Нальчаджан. А.А. Социально-психическая адаптация личности. М. 1988.
4. Титов Б.А., Машкова Л.Т. Семейная драма глазами ребёнка. Л., 1990.
5. Фельдштейн Д.И. Психология взросления : структурно-содержательные характеристики процесса развития личности: избранные труды. М., 1999.
6. Короленко Ц.П., Донских Т.А. Семь путей к катастрофе: деструктивное поведение в современном мире. Новосибирск, 1990.
7. Буянов М.И. Ребёнок из неблагополучной семьи: записки детского психиатра. М., 1988.

ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯНИНГ ФАН СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШИ ВА АҲАМИЯТИ

М.Т.Ахмедова,

ТДПУ “Педагогика” кафедрасининг доценти, п.ф.н.,

А.У.Ахмадалиев,

ТДПУ ўқитувчиси

Конфликтология, ёки конфликтлар ечими соҳаси янги ривожланиб келаётган ва тараққий этаётган фан соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, конфликтология соҳасининг назарий асослари, унинг миллий хусусиятлари, ижтимоий ўзига хосликлари, конфликтларнинг жамият ҳаёти билан алоқадорлиги, шахслараро конфликтлар, конфликтларнинг ҳуқуқий аспектлари, меҳнат жамоасидаги конфликтлар масалалари кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтиради.

Конфликтологик кайфият ва хусусиятларни ўрганиш жамиятдаги инқирозларнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олиш муаммоларини бартараф қилиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, глобаллашув жараёнида ўзлигимизни асраб қолишни таъминлаш ҳам юзага келадиган низоли вазиятларни ҳал этишнинг долзарб вазифасидир.

Бу муаммонинг илмий-услубий йўналишларининг илмий жиҳатдан таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълимнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш масалалари бўйича Е.И.Степанов, С.В.Баникина, А.Н.Самарин, В.Н.Шаленко, В.Шейнов, А.Я.Анцупов, Н.И.Леонов, В.Н.Кудрявцев, В.Н.Васильев ва В.В.Дружинин каби олимларнинг тадқиқот ишларида ҳар томонлама ўрганилган.

АҚШнинг бир неча университетлари қошида конфликт ечимларини ўрганишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқот марказлари фаолият олиб боради. Майамида ташкил этилган “Тинчлик таълими тадқиқотлари маркази” ана шундай ташкилотлардан ҳисобланади. Россия Фанлар Академияси

Социология институти қошида ҳам “Конфликтологик тадқиқотлар маркази” иш олиб боради.⁴

Фан нуқтаи-назаридан илк маротаба конфликтни илмий ўрганиш давлат ҳокимияти, жамият аъзолари ҳамда алоҳида ижтимоий гуруҳлар орасидаги зиддиятларни ўрганишдан бошланган. Кейинчалик илмий қизиқишларни ортиб бориши билан ижтимоий, сиёсий, миллий, гуруҳлараро ва шахслараро конфликтлар фан объектига айлана бошлади. Конфликтология XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фан сифатида шакллана бошлагандан сўнг, жамиятда конфликтнинг тутган ўрнини ўрганиш жамият ҳаётида жуда муҳимлиги сабабли, этник ва гуруҳлараро конфликтли муносабатларни ўрганиш, систематик асосда уларни таҳлил қилиш ва ўзаро тўғри ечимга келиш зарурий эҳтиёжлардан бирига айланди.

Конфликтология фан сифатида ўқитилар экан, энг аввало ўқитувчининг касбий, ахлоқий фазилатларидан бири талабчан ва адолатли бўлишга ундаши ва шу асосида иш кўришга ўргатади.

Педагогик конфликтология фани ихтисослик фани ҳисобланиб, унинг ривожланиши қатор педагогик туркум фанлар, хусусан, педагогика, педагогика назарияси, оила педагогикаси, ижтимоий педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат, умумий психология, ёш ва педагогик психология, психологик конфликтология, педагогика тарихи, қиёсий педагогика, шунингдек, анатомия ва физиология, психология, социология, фалсафа, тарих, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар билан яқин алоқадорликда ўрганилади ва ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялайди.

Конфликтология соҳасининг таҳлиллари натижасида педагогик конфликтология фанининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат деб белгилаб олдик:

- педагогик техникани эгаллаш;
- нутқ техникасини мукаммал ўзлаштириш;
- тушунарли, таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш;
- тана забони (мимика ва пантомимик) ҳаракатларидан ўз ўрнида фойдаланиш;

⁴Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М.: 1995;

- маъноли ва очик чехрали нигоҳ билан қараш;
- ҳиссий психик ва тасодифий ҳолатларда ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олиш;
- турли вазиятларда тарбиячига ҳос бўлган ижобий кайфиятни бошқариш;
- кулги ва табассумда самимийликни эътироф этиш;
- ўқувчилар билан доимо яхши кайфият ва рағбатлантирувчи муносабатда бўлиш;
- саводли сўзлаш;
- ижодий педагогик қобилиятни қўллаш билиш;
- шарқона тарбия ва муошарат одобига доимо риоя қилишдан иборатдир.

Педагогик конфликтология фанининг асосий таркибий қисмлари миллий анъана ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб, ҳозирги глобал ривожланиш даврида янада тўлдирилиб борилиши мумкин.

Ҳозирги кунда конфликтология соҳасидаги тадқиқотлар унчалик кўп бўлмай, мазкур мақолани ёзишда биз конфликтология асослари бўйича инглиз, рус тилларидаги баъзи маълум манбаларга таяндик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сўнгги вақтларда замонавий жамиятдаги инсонга бўлган турли илмий-техник, маънавий, иқтисодий таъсирларнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши, замонавий жамиятда яшаш тарзининг мураккабликка томон ортиб бораётганлиги, одамлар тўкнаш келиши мумкин бўлган турли конфликтли вазиятларда ёшларни жамиятда мустақил ва фаол фуқаро сифатидаги иштироки учун замин яратиш, бошқа инсонлар билан табиий бўлган турли ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий, психологик мулоқотларда улар онги, тафаккури ва ахлоқида камтарлик, меҳрибонлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик, самимийлик, виждонийлик, ўз сўзида туриш каби ҳислатларни тарбиялашда “Педагогик конфликтология” фанининг ўрни бекиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. – М.: 1995;
2. Леонов Н.И. Конфликтология. – Москва-Воронеж: 2006. – 232 С.
3. Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных

конфликтов: Учебное пособие. — М.: Издательство ЛКИ, 2008. — 176 с. ;

4. Самарин А.Н., Степанов Е.И., Шаленко В.Н.Духовные проблемы нашего времени /Социальные конфликты в контексте глобализации и регионализации. – М.: URSS, 2005.;

5. Тўйчиева Г. , Асадова Э. Ёшлар ва конфликтлар ечими. Мануал. – Т.: 2003.

6. Холиков А. Педагогик маҳорат. -Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011. -420 б.

ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ ЎРТАСИДАГИ КОНФЛИКТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС САБАБЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

М.Т.Ахмедова,

ТДПУ доценти, п.ф.н.,

М.Ҳ.Умарова,

ТДПУ доценти, п.ф.н.

Таълим муассасаларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги конфликтларни бартараф қилишнинг айрим педагогик ва психологик жиҳатлари, масалалари юзасидан олиб борилган тадқиқотга оид изланишлар шуни кўрсатдики, конфликтларни келтириб чиқарувчи сабаблардан биринчиси ўқитувчининг ўз касбига кизиқмаслиги, ўз касбининг моҳиятини яхши билмаслиги, ўқувчиларга бераётган билимининг сайёзлиги, қўполлиги, эҳтиётсизлиги, ўқувчи ва ота-оналар билан муомала қилиш тажрибасининг етишмаслиги, ўқувчининг қалбига йўл топа олмаслигидир.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги конфликтларни келтириб чиқарувчи сабаблардан яна бири психолог И.В.Страхов айтганидек, айрим ўқитувчиларнинг педагогик такт маҳоратига эга эмаслигидир. Конфликтлар ни бартараф этиш учун тарбиявий таъсирни ошириш мақсадида педагогик ва психологик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни инобатга олиш, ўқувчи шахсининг

психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур психологик ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.⁵

Шундай экан, таълим муассасаларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги конфликтларни бартараф қилишнинг айрим педагогик ва психологик жиҳатлари, масалалари юзасидан олиб борилган тадқиқотга оид изланишлар асосида улардан баъзиларини эслатамиз:

Исм. Ўқувчидан жаҳлингиз чиқиб турган тақдирда ҳам унга исмини айтиб мурожаат қилинг. Бу унга қилинган мурожаатга мулойим-талабчан характер бахш этади. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, айнан ўсмирлар ўзларининг исмларини кўп эшитмайдилар. Мактабда уларга кўпинча фамилияларини айтиб мурожаат қиладилар: "Сен, Валиев, яна безорилик қиляпсанми!", "Бугун Хўжаева жавоб беради". Ўсмирлар бу ёшда бир-бирларини лақабларини ёки исмларини чала айтиб чақирадилар, ота-оналар эса қуйидагича шаклда ўсмирга мурожаат қиладилар: "Менга қара, дарсингни қилдингми?", "Уялмайсанми, доим сенга ўз вазифангни эслатиб туриш керак!" ва ҳ.к. Ахир ҳар бир киши ўзининг исмини лексик бойликдаги энг яхши сўз деб ҳисоблайди ва уни эшитиб, ўқувчи дарҳол инсон билан ишончли мулоқотга киришади.

Мулоқотнинг "новербал" воситалари ва тинглаш қўникмаси. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқотида нутқнинг мазмуни билан бирга мимика, оҳанг, нутқ интонацияси ҳам катта аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг *таъкидлашича, катталар билан мулоқот интонацияси 40% ахборотга эга экан.* Бола билан мулоқотда эса интонациянинг таъсири ортади. *Бола* катталарнинг ўзига қаратилган мурожаатининг интонациясига қараб, уларнинг ўзига бўлган муносабатларини билиб олади. У "ҳиссий эшитиш"га эга. Унга қараб бола айтилган сўзларнинг мазмун-маъносини ҳамда катталарнинг муносабатини билиб олади. Сўзларни идрок қилганда у аввало интонацияга жавобан ҳаракат қилади, шундан сўнггина айтилган сўзнинг маъносини илғайди. Интонацияда катталарнинг болага қаратилган нутқидаги кечинмалар намоён бўлади ва бола унга жавобан ҳаракат қилади.⁶

⁵Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М.: 1995.

⁶Самарин А.Н. Конфликты в духовной сфере современного общества: состояние и проблемы урегулирования// Конфликтология. Теория и практика. 2004. №4.

Тинглаш. Ўқитувчи ҳам ўқувчини тинглаши ва эшита олиши лозим. *Ўқитувчи* нутқининг самарадорлиги ўқувчининг *тинглай* олиш кўникмасига боғлиқ бўлади. Буни эса бир қатор сабабларга кўра бажариш осон эмас: биринчидан, ўқувчидан бир маромдаги ва бир-бирига боғланган нутқни кутиш қийин. Шунга кўра катталар ўз нутқини кўпинча бўлиб гапирадилар. Шу билан сўз ибораларини янада қийинлаштирадилар ("Майли, ҳаммаси тушунарли, бор!"), аммо у ўзи учун энг асосийсини гапирмаган бўлади. Иккинчидан, ўқувчи гапиришни истаганда, ўқитувчининг *тинглаш* учун ҳар доим ҳам вақти бўлавермайди, ўқитувчи ниманидир билмокчи бўлганда эса, ўқувчи ўзининг суҳбатга бўлган қизиқишини йўқотган бўлади, ҳа, тингламайдиганлар билан гаплашиш кимни ҳам қизиқтирарди.

Таъна. Боланинг яқинларини юзига солиб, таъна қилманг! Ҳеч қачон ўқувчини, айникса ўсмирни, оиласидаги нотинчликларни, ота-онаси, ака-укаси, опа-сингилларининг ахлоқини юзига солиб, маломат қилмаслик керак. Бундай таъна учун ўқувчилар ўқитувчиларни ҳеч қачон кечирмайдилар! Ўқитувчи бундай кўпол хатога йўл қўйиб қўяди. Ўқувчининг кўз олдида ўзининг ўқитувчи ва катта киши сифатидаги обрўсини йўқотади. Аммо, афсуски, ушбу қониданинг бузилиши тез-тез учраб туради. Ҳар бир киши ота-онаси қандай бўлмасин, уларга нисбатан мукаддас ҳисларга эга бўлади.

"*Ҳиссиётларни қайтариш*" усули орқали конфликтнинг олдини олиш ва муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Ўзининг касбий нуктаи назарини англаш, ўқувчи хулқи мотивларини тушуниш, ўқитувчига ўзининг шахсий ҳиссиётлари асиридан *чиқиш* (бу эса осон эмас) ва бола кечинмаларига ҳамдард бўлишга ёрдам беради.⁷

Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда шахс юксалишининг ҳар бир даврини "бошдан кечиради", уларнинг омадсизликларига куйинади, муваффақиятларидан хурсанд бўлади, хулқ ва ишиларининг барбод бўлганидан хафа бўлади. Бағрикенглик билан уларни кечиради - буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг обрўсини тўкмайди, балки уларнинг нуктаи-назарларини ҳиссий яқинлаштиради, бир-бирларини тушунишларига олиб келади, ўқувчилар билан муносабатлардаги стереотиплардан қутулишга

⁷Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие. — М.: Издательство ЛКИ, 2008. — 176 с.

ёрдам беради. Буларсиз педагогик ҳамкорлик ўз маъносини йўқотади. Бунда ўқитувчи энг ёмон ўқувчининг ҳам яхши томонини кўра олади, унинг тузалишига умид қилади. Кунлардан бирида математика ўқитувчиси ўқитувчилар хонасида, хурсандчилик ва ҳайрат билан Толиб (жуда "оғир" бола)нинг ишини кўрсатди: "Қаранглар, Толиб дарсда график чизди.

Биласизларми, сездирмай секин юзига қарадим: диққати жамланган, меҳрли ва чиройли. Бу дақиқада у ўзгача эди. Балки, биз уни эрта "оғир"га чиқариб қўйгандирмиз, а?" Ўқувчилар ўзлари билан хурсандчиликларини бўлиша оладиган ўқитувчилар билан бўлган муносабатни қадрлайдилар. Бундай муносабатларда конфликтлар ҳам рўй бериб туради, аммо уларни ҳал қилиш осонроқ, муносабатлар конфронтациягача етиб бормади. Педагогик конфликтларда охиригача "ҳақ" ва "ноҳақ"лар, ғолиб ва ютқизганлар бўлмайди, ҳар бир педагогик муваффақиятсизликда, ўқувчининг оғир тақдирида ўқитувчининг ҳам айби бор.

Жазо. Ўқитувчи конфликтни ҳал қилганда жазони асосий таъсир воситасидан бири деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, шу билан хулкнинг такрорланмаслигига эришилади, бу эса ўқувчини қўрқитади. Аммо, бола жазолангандан сўнг унинг руҳида қандай кечинмалар из қолдиради: надомат, ғазаб, матонат, қўрқув, хафагарчилик, айбдорлик, агрессия. А.С.Макаренко ёзган эди: "Тарбияланувчи қандай қаттиққўллик билан жазоланмасин, берилган жазо доим конфликтни ҳеч қандай қолдиқсиз, охиригача ҳал қилмоғи лозим. Берилган жазодан бир соат ўтиб, тарбияланувчи билан нормал муносабатларда бўлиш лозим. Жазо алоҳида конфликтни ҳал қилмоғи ва йўқотмоғи ҳамда янги конфликтни юзага келтирмаслиги лозим, чунки уларни ҳал қилиш қийинлашиб боради, ахир бунда конфликт чўзилиб, кенгайиб кетади. Кейинги вақтда кенг қўлланаётган жазо чораларидан бири – ота-онани чақириш ва уларга ўқувчининг айбларини таъна қилмоқдир.

"Учинчи" кишини таклиф қилиш. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши кураш ҳолатига ўтганда, баъзан "учинчи" кишини таклиф қиладилар. "Учинчи" кишини чин дилдан ўқувчига ёрдам беришни хоҳлаши, конфликтнинг сабабларини чуқур тушуниши лозим. Ота-оналар, ўқитувчилардан

кимдир тенгдошлари шундай киши бўлиши мумкин. Асосийси, "учинчи" киши ўқувчи учун аҳамиятли инсон бўлиши лозим. Кўпинча конфликтни ҳал этишда мактаб директори ёки раҳбариятдан кимдир жалб қилинади.

"Ёш ўқитувчи эндигина иш бошлаганида ўз фани ёки услубий ишлар бўйича қийинчиликларга дуч келса, биз унга ёрдам берамиз, - дейди мактаб директори. Мактабда доим тажрибали фан ўқитувчиси ёки услубий қўлланмалар бор. Аммо ўқитувчи ўқувчилар билан тўғри муносабатлар ўрната олмаса, улар билан доим конфликтга борса, унга ёрдам бериш жуда қийин. Ахир бу нарсани унинг ўзига, унинг нуқтаи назарига боғлиқ".

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, олиб бораётган кузатишларимиздан аниқланишича, конфликтларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари шахс тарбияси ва маданияти билан боғлиқ бўлиб, бу борада педагог олимлар, тажрибали ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида истиқболли тарбиявий ишларни амалга оширишлари талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. – М.: 1995.
2. Леонов Н.И. Конфликтология. – Москва-Воронеж: 2006. -232 с.
3. Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 176 с. ;
4. Самарин А.Н., Степанов Е.И., Шаленко В.Н. Духовные проблемы нашего времени /Социальные конфликты в контексте глобализации и регионализации. – М.: URSS, 2005.;
6. Тўйчиева Г., Асадова Э. Ёшлар ва конфликтлар ечими. Мануал. – Т.: 2003.

ЎҚУВЧИЛАРДА ОНГЛИ ИНТИЗОМ ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳ.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини директори, педагогика фанлари доктори, профессор

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини катта илмий ходим, педагогика фанлари номзоди.

Замонавий шароитларда мактаб ўқувчиларида онгли интизом шаклланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини кўтариш ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш олдидаги масъулиятини кучайтириш, ўқув ва меҳнат интизомига сўзсиз риоя қилиш, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўқувчилар жамоасида ўзини бошқаришни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Онгли интизом мактабнинг давлат муассасаси сифатидаги ва умумий ўрта таълим вазифаларини самарали амалга оширишнинг муҳим омилidir. “Онгли интизом” атамасини қуйидагича талқин этиш мумкин: хулқ-атвор қоидаларини онгли бажариш асосида шаклланган шахснинг сифати, ўқишга ижобий ва масъулиятли муносабат, ҳар қандай шароитда белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда ўз хулқини назорат қилиш; ўқувчининг интизом ҳақидаги умумий қоидаларни билиши, мактабда, уйда ва жамоа жойларидаги тартиб қоидаларини англаш; бу қоидаларга сўзсиз итоат қилиш ва астойидил бажариш; фаол ҳаётий позицияга, масъулиятлилиқка, ҳамдардлиқка, жамоадошлиқка эга бўлиш [1].

З.Ф.Орехованинг таъкидлашича, ўқувчида онгли интизомни тарбия-лашда аниқлик, ижрочилиқ, ишчанлик, берилган вазифаларни аниқ ва ўз вақтида бажаришга эътибор қаратиш лозим. Вазифаларнинг аниқ бажарилиши ўқувчи томонидан ташаббус кўрсатилишини ҳам маъқуллайди. Вазифани ўз вақтида бажариш, ишчанлик ва аниқлик меҳнатсеварликни ва тиришқоқликни тарбиялайди. Булар эса интизомли ўқувчи учун муҳим сифатлар

бўлиб, ақлий ва жисмоний меҳнат, билим олиш учун доимий ҳаракат қилиш асосий вазифа ҳисобланади[2].

Мактабда ўқувчиларнинг онгли интизоми шаклланишининг даржаси қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

- ўқувчилар томонидан жамоат жойларида, мактабда ва шахсий хулқ-атворида интизомга риоя қилишни тушуниши;
- ўқишда, бўш вақтида жамоа талаблари ва меҳнат интизоми қоидаларини бажаришга тайёрлик ва унга эҳтиёж;
- ўз хулқини назорат қилиш, жамоадаги умумий интизомнинг бузилишига олиб келадиган бошқаларнинг ахлоқсиз хатти-ҳаракати билан курашиш.

Ўқувчиларнинг маънавий тарбияси масалалари билан шуғулланган олим В.Е.Гурин ўқувчиларнинг тарбияланганлиги шаклланишининг кўрсаткичи сифатида қуйидагиларни келтиради:

- шахснинг ижтимоий йўналганлиги;
- объектив зарурият, юзага келган қарама-қаршиликлар, эҳтиёжлар ва мотивларни англаш асосида фаолият мақсадини мустақил шакллантириш қобилияти;
- ахлоқий-иродавий сифатларнинг юқори ривожланиши;
- хулқ-атвори оптимал ахлоқий-иродавий бошқариш тайёрлиги ва қобилияти;
- хулқ-атвор вазиятларини ҳар томонлама ечиш учун тажрибанинг мавжудлиги;
- хатти-ҳаракатни танлашга онгли муносабат;
- хулқ-атворнинг шахсий ва ижтимоий меъёрларини ижодий такомиллаштириш, мулоқот жараёнида ва фаолиятда ўзаро ёрдам, самарали муносабатларни ўрнатишга тайёрлик ва қобилияти[3].

Онгли интизомни тарбиялашнинг асосий йўли – ўқувчи фаолиятини, унинг яшаш тарзини, тартибга риоя қилиш, хулқ-атвор қоидаларини бажариш мақсадида тарбиявий тадбирларни ташкил этишдан иборат.

Хулқ-атвор қоидалари интизом талаблари ва уларнинг аҳамияти мазмунини очиб беради. Онгли интизомни самарали тарбиялашнинг асосий шартларидан бири тартибга риоя қилиш бўлиб, у нафақат организмнинг физиологик функцияларига ижобий таъсир кўрсатади,

балки интизом талабларини бажариш малака ва кўникмаларнинг шаклланишига ҳам ёрдам беради[4].

Мактаб интизоми ўз ичига ўқувчилар учун мажбурий бўлган интизом қоидаларининг бутун бир тизимини, уларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятларини ташкил этиш қоидаларини қамраб олади ва уларнинг бажарилиши онгли равишда амалга оширилиши лозим. Ўқувчиларнинг онгли интизоми моҳияти хулқ-атвор қоидаларини ва мактабда ўрнатилган тартибга бўйсунтиришдан иборат. Бу тартибга бўйсунтириш зарурлигини англаш ўқувчида барқарор интизомни шакллантиради ва у шахс сифатига айланади.

Онгли интизом ва болаларнинг интизомлилиги интеграл фазилат сифатида уларда аста-секин етилиб унинг дунёқараши, мақсад сари интилиши ва иродаси, хулқ-атвор кўникмалари ва одатлари, ташаббускорлиги ва мустақиллиги, принципааллигининг шаклланиши ва фаолиятда, муносабатлар ва мулоқот жараёнидаги камчиликларга нисбатан муросасиз эканлигида намоён бўлади. Бу сифат онгнинг бир элементи сифатида бола шахси томонидан эришилган муваффақиятлар ва ютуқлар тажрибаси орқали ифода қилиниб, шахсий ва жамоавий ҳаракатларнинг натижасидир. Шунинг учун болаларда унинг ривожланиш даражаси ёш хусусиятларига ва тарбиявий ишларнинг ташкил этилганлик ҳолатига боғлиқ бўлганлиги учун турлича бўлиши мумкин.

Кичик мактаб ёшиданок ўқувчиларда жамоавий фаолият интизоми юзага келади. Интизом ўқувчи шахсини тарбиялаш воситаси ва биринчи навбатда, интизомлилиқ хусусиятини шакллантиради. Интизомлилиқ ўқувчида тартиблилик, аниқлик каби хусусиятларнинг намоён бўлишига хизмат қилади. Интизомлилиқ хусусият сифатида инсон учун одатий бўлган хулқ-атвор усулидир. Интизомлилиқнинг физиологик асоси ўзгаришли стереотипдир. Бироқ интизомлилиқ – бу ижтимоий сифат бўлиб, унда ахлоқий одатлар ва инсоннинг талабларга муносабати намоён бўлади. Кичик мактаб ёшида интизомлилиқнинг асосини ижобий намунага тақлид қилиш ташкил этади. Ўқувчи катта бўлган сари интизом масъулият ҳисси, иродавий хусусиятларга боғлиқ бўлади. Ташқаридан қараганда интизом ўқувчи шахсида юқоридаги хусусиятларнинг

турғунлиги натижасида мустаҳкамланмаса, у ҳолда вазият ўзгариши билан у ҳам осон ўзгариши мумкин.

Онгли интизом мактаб ҳаёти жараёнида юзага келади. Педагогик таъсир шундан иборат бўлиши керакки, у ўқувчининг ҳаётий тажрибасини ташкил этиши керак. Аввалига интизом ҳар бир ишнинг элементар шарти сифатида ўқитувчининг тўғридан тўғри талабидир. Талаб интизомнинг асоси, яъни болалар жамоасидаги ҳаёт тартиби ва муносабатлардир. Талабларни ташкил этиш эса мактабда, оилада, мактабдан ташқари муассасаларда ва жамоат жойларида болаларни уюштиришдир.

Уюшган фаолият, яъни ўқишда, меҳнатда, спортда бола барча иштирокчилар талабларга риоя қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилади. Ўқувчи фаолиятида талаб унинг ҳаётининг ташқи жиҳати ва унинг ички эҳтиёжига айланади. Талабларни ташкил этишнинг ташқи воситаси эса тартибдан иборат ва у маълум бир гигиеник ва педагогик асосларга боғлиқ ва боланинг кун тартиби, меҳнат ва ҳордиқ, бошқа машғулотларнинг алмашишини назарда тутди. Кун тартиби бола атрофидаги шароитларнинг мунтазамлиги ва ўзгариб туришини таъминлайди, бу эса ўз навбатида динамик стереотиплар (қолип) тарбияланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Болалар жамоасига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши назорат қилаш мантиқан тўғридир. Талабларни қўйиш малакаси тарбиячининг турли вазият ва ҳолатларга тез ва аниқ баҳо бериш, далилларни таҳлил қила олиш ва турли педагогик воситаларни қўллай олиш қобилиятига боғлиқ. Талаблар фақат баланд овозда кескин эмас балки қатъият билан ўқувчининг шахсига нисбатан ҳурмат билан қўйилиши лозим. Ўқувчи бунга ўқитувчининг овоз тони орқали сеза олсин. Агар ўқитувчи бу шартни бажара олмаса, ортиқча кескинлик ва қатъийлик айниқса, ўсмир ёшида турли низоларга, бўйсунмасликка олиб келиши мумкин.

Онгли интизомни тарбиялаш болаларнинг хулқ-атвор маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ ахлоқий маданият тушунчаси фақатгина ўқувчиларнинг интизоми характеристикаси билан чекланмайди. У шахснинг ахлоқий намоён бўлишининг барча томонларини қамраб олади. Бу маънода ахлоқий маданият ўзига хос атама сифатида инсоннинг барча хатти-ҳаракатларининг юқори

даражадаги пухта ва аниқлигини билдиради. Ахлоқий маданият тушунчасига педагоглар томонидан инсоннинг барча сифат ва фазилатлари деб қаралади.

Кундалик ижтимоий тажриба орқали ўқувчилар онгли интизомнинг меъёрларини ўзлаштирадилар. Ахлоқий маданият мазмуни инсонлар орасидаги мулоқотни, нутқ ва ташқи кўриниш (кийим, гавдани тутиш, имо-ишора, мимика, кадам ташлаш)ни тартибга солиб турувчи меъёр ва қоидалар мажмуи билан белгиланади. Бундан келиб чиқадики, ахлоқий маданият— бу мулоқот, нутқ ва ташқи кўриниш маданиятидир. Бу маданиятни тарбиялаш учун ўқитувчининг ўзи юксак намуна соҳиби бўлиши керак.

Болаларда онгли интизомни тарбиялаш учун тизимли ва мақсадга йўналтирилган ишлар унинг мактабга келган кунидан бошланади. Онгли интизом инсоннинг ички маданияти, эстетика талаблари, жамиятда қабул қилинган анъаналар ва урф-одатлар билан боғлиқ. Айнан инсоннинг ички маданияти орқали унинг ахлоқи белгиланади, бошқа томондан эса ахлоқнинг ташқи томони инсоннинг ички ҳолатига таъсир этади, яъни уни босиқ, вазмин, доимо фикри жамланган бўлишга мажбур этади. Ташқи кўринишдаги пала-партишлик, кўполлик аста-секин шахсда салбий сифатларни шакллантиради. Шунинг учун эрта ёшдан болаларга ўзини тутиш маданияти ва ахлоқий тушунчалар ҳақидаги билимларни сингдириш зарурдир. Болада ҳали мулоқот маданияти тушунчалари шаклланмаган, жамиятда қабул қилинаган ахлоқ қоидаларини билмаганлиги сабабли кўпҳолларда кўпол муомала қилиши мумкин. Аксарият ҳолларда болалар ўзлари учун ҳурматли бўлган ота-оналари, катталарнинг ўзини тутишини кузатиб, уларга тақлид қилиб муомала одобини ўрганадилар.

Боланинг ўз хулқ-атворини, ўзининг хатти-ҳаркатини англаши ижтимоий фойдали кўникмаларнинг ва интизомнинг ахлоқий меъёрларини шаклланишининг асосий шартидир. Мана шундай хулқ учун шахс онгли равишда жамият, жамоа, бошқа одамлар олдида жавоб бериши ва буни жамият учун фойдали ва зарур эканлиги нуктаи назаридан тушуниши муҳим ҳисобланади.

Интизом, шунингдек, таълим олишнинг ҳам заминидир, бир вақтнинг ўзида натижаси ҳамдир. Мактабнинг ўрта бўғинидаёқ ахлоқий онг орқали кўпгина муҳим қарашлар ўқувчиларнинг ахлоқий томонига қараб ўзгара бошлайди. Маънавий меъёрлар, қонун меъёрлари – бу болалар ҳар куни тўқнаш келадиган ва уларга ўзларининг тарбияланганлик даражасига қараб риоя қиладиган ёки одат ва интилишлари кўринишида мустаҳкамланган талаблардир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мальковская Т. Н. Воспитание сознательной активности старших школьников. – М., 1974. – С. 56.
2. Орехова З. Ф. Воспитание дисциплинированности учащихся на уроке. – М., 1953. – С. 12.
3. Гурин В.Е. Дифференцированный и индивидуальный подход к старшеклассникам в процессе нравственного воспитания// Современные проблемы школьной и вузовской педагогики. – М.; Краснодар: 1998. – с. 53
4. Раскин Л.Е. Влияние детского коллектива на воспитание сознательной дисциплины. – М: 1948. – С. 38.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРНИНГ ОДОБ ВА ИНТИЗОМ ҲАҚИДА ҚАРАШЛАРИ

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий ходим, педагогика фанлари номзоди.

Инсониятни жамиятда яшаш тарзи, биринчи навбатда, унинг ахлоқи билан белгиланади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида одоб-ахлоққа оид таълимотлар юзага келган. Шунингдек, ҳар бир соҳанинг, шахс тарбияси, унинг шаклланиш жараёнининг ҳар бир босқичи учун ўзига хос меъёрий талаблари мавжуд. Шунинг учун ҳам бу омил Шарқ фалсафаси, халқ педагогикасида қадимдан алоҳида эътироф этиб келинган ҳамда илм олишда амал қилиниши лозим бўлган меъёрлар ҳақида кўплаб дидактик асарлар битилган.

Интизомнинг ажодларимиз томонидан қўлланиб келинган ва бугунги ҳаётимизга сингиб кетган “одоб” (“адаб”, арабча) шаклидаги

талқини инсоннинг маънавий-ахлоқий етуқлигини баҳоловчи мезондир. Одатда, одоб деганда тарбия (тарбияли) тушунчаси англанади. Одоб инсоний фазилат, киши қадрини баланд қилувчи қимматли сифатдир. У таълим-тарбиянинг маҳсулидир. Ақлнинг суянчиғи ҳисобланган одоб инсонда шакллантириладиган барча ижобий сифат, фазилатларнинг асосидир. Шунинг учун ҳам шахс тарбиясига узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида устувор тарзда қаралади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” [1].

Тарихий генезиси (“генезис”, юнонча genesis – содир бўлиш, юзага келиш; ривожланаётган ҳодисаларни юзага келиши ҳамда шаклланиш жараёни. Бизнинг мисолимизда одоб – дарс интизомининг генезиси) қадимий, айна пайтда ҳозирги кун мактаби ҳаётида ўқувчи одоби (интизоми) бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган мактаб таълими билан айри ҳола тасаввур этиб бўлмайди. Демак, инсонда ҳар иккови ҳам шаклланган тақдирдагина у баркамол шахс сифатида эътироф этилиши мумкин.

Мусулмон оламининг муқаддас китоби Қуръони карим, шунингдек Ҳадиси шарифда ҳам бу борада ибратли ҳикматлар битилган. Уларга амал қилган Ўрта Осиё халқлари тарихида, унинг халқ педагогикасида ўзига хос анъаналар юзага келган. Шу маънода шарқ мутафаккирларининг одоб-ахлоқ ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Наср Форобий ёзади: “Ақлли деб шундай кишини айтамызки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратилган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва бутун фикр юритувчи деб аташ мумкин”.

Машҳур мутаффакир, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд “Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг, ҳам нимаики қилсанг беадаблик кўринади”, “Адабни сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир”,-деган ибратли фикрларни айтиб ўтган. Тарихчи, олим ва шоир, уламо ва давлат арбоби Ҳожа Самандар Термизий

“Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.

Яхши йўлга солай дебон уринма,

Ўсиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас”,- деган сатрлари билан тарбия билан боланинг гўдаклик чоғидан шуғулланиш лозимлигига ишора қилади.

Хусаин Воиз Кошифий ижтимоий-ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. У ахлоқ ва инсонийликни ҳаёт кечиришдаги энг зарур, ҳаво каби керакли восита деб тушунади ҳамда инсоннинг кадр-қиммати, аввало, унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанишини уқтиради.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири, тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳам таълим ва тарбияга оид бой маънавий-маърифий мерос қолдирган. Алломанинг “Оила тадбири”, “Мантиқ рисоласи”, “Ахлоқ рисоласи” каби асарларида ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос муаммолари –комил инсон тарбияси, шахс ва жамият, умуман инсон тўғрисидаги педагогик қарашлари, ғоялари замонавий шароитда ҳам ўз нуфузини йўқотган эмас. Жумладан, ибн Сино ўзининг тарбия методлари ҳақидаги хулосаларида рағбатлантириш ва жазолаш хусусида қимматли фикрларни баён қилган. Унинг фикрича, бола тарбиясида жазолаш методини фақатгина иложи қолмаган тақдирдагина қўлланиши мумкин. Ота-она ва устозлар болани доим яхши хулқлар ва одоблар асосида тарбиялашга интилишлари лозим. Ибн Сино айтадики, ёмон феъл-атворлар ва нафратли одатлар болани бузади, улардан болани четлаштириш лозим. Алломанинг фикри бўйича, болага илм ва одобни биринчи навбатда ўргатиш лозим.

Абу Райҳон Беруний интизомлиликни бадан ва руҳнинг тозалиги билан боғлайди. Агар оилада тозаллик ва интизом бўлса, маънавий поклик ҳам бўлади. Ушбу ғояни фақатгина бадан тозалиги билан белгиласлик керак. Уни асослаш учун кўпгина ҳаракатларни амалга ошириш керак. Ушбу ҳаракатлар меҳнат қилишни назарда тутди. Алломанинг руҳ ва хатти-ҳара-катлар ҳақидаги фикрлари инсон руҳи ва танасининг бирлиги ғояси билан уйғунлашган. Ўзаро боғлиқлик ҳақидаги ушбу фикр болаларни жисмоний соғлом,

маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ҳақидаги ҳозирги давримиз талаблари билан ҳамохангдир.

Машхур Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий интеллектуал жиҳатдан юксак, маънавий пок кишиларни тарбиялаши икки йўл билан: шахснинг мустақил ва мажбурий куч ҳисобига бўладиган хатти-ҳаракати орқали амалга оширилади. Бироқ мақсад битталиғича қолади – яъни, юксак фазилатларга эга бўлган, идеал жамият аъзосига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган шахсни тарбиялашдан иборат. Олимнинг фикрича, таълим ва тарбия оилада ота-она, мактабда ўқитувчи, идеал жамиятда одил раҳбар орқали амалга оширилади.

XX аср бошларида педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси Абдулла Авлоний кишиларда тарбияланадиган ахлоқни таърифлаб, уни инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмга қиёслайди. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар билан баёнқиладиган китобни ахлоқ деб атайди ва “Ахлоқ илмини ўқиб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини. билмас, ўз айбини билўб, иқдор қилуб, тузатмакга саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва пахлавон кишидур”, - дейди.

Шарқ мутафаккирларининг одоб ва интизом ҳақидаги фикрларидан хулоса шуки, бугунги кун таълимининг, мактаб интизомининг асоси – ахлоқ уни шакллантириш қадимий тарихга эга, бу жараёнда ўқитувчи мураббийларга катта масъулият юклатилади. “Зеро, ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг асосий мақсади – халқимизнинг миллий меросига ворислик қила оладиган ва умумбашарий бойлигини қадрлайдиган шахсни тарбиялашдан иборатдир” [2].

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўладики, интизом муаммоси одоб-ахлоқ тарбияситарзида асрлар оша қўланиб келинган. Педагогик фан сифатида шаклланган даврларда ҳам таълим олувчиларнинг одоб-ахлоқи, хусусан, дарс интизومي узоқ йиллар давомида

педагоглар ва психологларнинг диққат марказида бўлган. Бу муаммо бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 44-б.

2. У.Маҳқамов. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Тошкент: “Фан”, 1995. – 13-б.

ТАЪЛИМНИНГ ТАРБИЯВИЙ ҚУДРАТИ

Р.Мусурманов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

Н.Р.Мусулмонова,

Қарши ДУ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Президент И.Каримов **“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.”**⁸ деб жуда тўғри таъкидлаган эдилар.

Узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигига эришиш ва уни такомиллаштириш таълимнинг тарбиявий қудратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Таълимнинг тарбиявий қудрати эса ўқитувчи шахси, унинг касбий маҳорати, ғоявий-ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилиги, уддабуронлиги билан узвий алоқадордир.

Шунингдек, миллатнинг ўқимишли бўлиши учун жон куйдирган маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деб ўз даврида халққа қилган хитоби юқоридаги фикрларнинг муштараклигини янада тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, таълим ва тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминламасдан туриб ўқувчиларга берилаётган маълумотлар сифатини яхшилаб бўлмайди. Тарбия берувчи таълим жараёнининг асосий ташкилотчиси бўлган ўқитувчи худди шунинг учун ҳам

⁸И.Каримов .“Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент: “МАЪНАВИЯТ”, 2008. - 62 б.

жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучи деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг сўзи билан амалий фаолияти ўртасида мутаносиблик бўлмаса, унда таълимнинг табиавий таъсири борган сари ўтмаслашиб бораверади.

Ҳеч бир инсон дунёга мукамал бўлиб келмайди. У туғилиб-асарлардаги қахрамонлардек ботир, паҳлавон, доно ва билимдон бўлиб қолмайди. Умуман, инсон ўзининг қуршовидаги кишилар орасида, табиат ва жамият қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичида, улар билан мулоқотда ҳамда бевосита аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, камолга етади. Шунинг учун ҳам комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан маънавий-ахлоқий, илмий, эътиқодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга етган хислатларини назарда тутди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий **“Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илму-хунар ўрган. Дунёдан камолотга етмай ўтиш, ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишнинг ўзи”**, деб авлодлар тарбияси учун жон куйдирган. Унинг комил инсон борасидаги қарашлари дунёвий руҳда, ҳаётнинг реал талабларига жуда яқинлиги билан ҳам қадрлидир. Алишер Навоий ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриб, халққа яхшилик қилиш, омманинг мушқулини осон қилиш – инсон руҳиётини безайдиган энг олий фазилат, деб билган.

Унинг фикрича, учта фазилат: ҳалоллик, ростгўйлик ҳамда ҳаё инсонга шон-шараф келтиради. Шу фазилатлар бирлашсагина инсонни комилликка олиб чиқади ва иқбол унинг ҳузурига бош эгиб келади, деб эътироф этган.

Шунингдек, қадимий маданиятимизнинг бебаҳо дурдонаси ҳисобланган “Авесто”да ерни, сувни, инсоннинг вужудини пок сақлаш талаб этилади. Инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ҳамда иши бир-бирига мос бўлишига катта аҳамият берилади. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу тарихий-мумтоз асарда инсонни учта асосий қонуният – эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал билан умр кечиришга даъват қилинади. Азалдан ҳам барча диний ва дунёвий таълимотларда яхши ният, яхши сўз, яхши амал бир-бирига мутаносиб келиши талаб этилган. Қадимда аجدодларимиз одам яхши ният билан яшаса, ўзига ҳам бошқаларга ҳам яхшилик келтиради. Ёмонликни ният, мақсад қилиб яшаса, ўзига ҳам ёмонлик бўлади.

Аммо яхши ният билан яшашнинг ўзи кифоя эмас. “Авесто”да қайд этилганидек, яхши ният “эзгу сўз” ва “эзгу амал” билан уйғунлашсагина, “эзгу мурод” ҳосил бўлади.

Таълимнинг тарбиявий қудрати, тарбия берувчи билан тарбияланувчи орасидаги мулоқот маданиятига ҳам боғлиқ. Таълим тизимининг ҳар қандай босқичида ҳар қандай замонавий қудратли ўқитиш воситалари ва технологиялари, ҳатто замонамизнинг энг нодир ҳисоблаш техникаси - компьютерлар ҳам ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги жонли мулоқотга тенглаша олмайди. Жонли мулоқотсиз таълим бериш тизимининг самарадорлиги ҳамиша пастлигича қолаверади.

Таълим-тарбия берувчи билан таълим ва тарбия олувчи орасидаги мулоқот энг аввало сабоқ олувчининг маънавий эҳтиёжи, истаги, орзу-умидлари, хоҳиши ва кайфияти, интеллектуал имкониятиларига таяниши лозим. Шунинг учун ҳам таълимнинг ташкилотчиси ўзидан сабоқ олаётган ҳар бир ўғил-қизни қандай шароитдаги оилада ўсиб-улғайиб келаётганлигини, оилавий тарбиясининг хусусиятларини зудлик билан билиб олиши зарур. Масалан, ҳар доим янги чоп этилган китоб қахрамонининг ижтимоий кийёфаси, ёки кунлик оммавий ахборот воситаларида босилган мақолада кўтарилган муаммонинг долзарблиги ҳақида гапириладиган оилада камол топган бола билан хонадонида китоб, газета, журналлар анқонинг уруғи бўлган оилада ўсган боланинг интеллектуал имкониятлари, маданий савиясида катта фарқ бўлиши турган гап. Афсуски, собиқ совет тузуми мактабларида ўқувчилар ўртасидаги бундай кескин тафовутлар ҳисобга олинмасдан ҳаммага бир хил тошу-тарози қўйилди. Таълимнинг тарбиявий қудратини белгилаб берувчи энг муҳим мезонлардан бири, узлуксиз таълим тизимини тугатиб мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қизларнинг ҳалол, покиза меҳнат қилишга бўлган мойиллиги эгаллаган касбий кўникма ва малакалари, маҳоратига боғлиқ бўлади. Ўқувчиларда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш билан бирга эл-юрт бойлигига, она табиатга чуқур ҳурмат руҳини барпо этиш, ўз фаолиятини танқидий баҳолаш, мониторинг қилиш, кундалик фаолиятини тўғрилиқ, яхшилик, адолат, эл-юрт, жамият манфаатлари томон бура билиш,

бошқара олиш малакасини тарбиялаш таълим бериш жараёнининг кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларидан биридир.

Таълимнинг тарбиявий таъсири доирасини ўқувчининг бўш вақтига йўналтириш, унинг самарадорлигини ошириш узлуксиз таълим тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлмоғи лозим. Дарсдан кейин амалга ошириладиган тарбиявий жараёни бошқариш бошқарувчидан юксак касбий билимга, тажриба ва малакага эга бўлишни талаб этади. Бундай масъулиятли мураккаб ижтимоий механизмни бошқаришни таълим-тарбия тизимини яхлит тасаввур қила олмайдиган, унинг структурасини билмайдиган кишилар қўлига топшириб қўйиб бўлмайди.

Масаланинг кўзга кўринмас иккинчи тарафи ҳам борки, тарбия билан шуғулланувчи ўша дипломли мутахассис олий педагогик таълим муассасаларида етарли тайёргарликка ва малакага эга бўлмаган бўлса-чи? Уларда замонавий талаблар асосида комил инсонни тарбиялашдек, жамиятни узлуксиз ривожланишини таъминлашга йўналтирувчи, юксакликка етакловчи интеллектуал салоҳият бўлмаса, номигагина “мутахассис” бўлганларга тарбия жараёни билан шуғулланишга рухсат этмаслик мақсадга мувофиқдир.

Бугунги ўқитувчи чинакам инсонпарвар, гуманистик қиёфага, мустақил профессионал маҳоратга эга бўлмоғи шарт. Унда энг аввало, шахсий, миллий ва байналминалқадриятлар, туйғулар жамулжам бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Мустақилликдан кейин жамиятимиз ўқитувчига катта умид боғламоқда.

Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч бир шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғралган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотираларимиздан айрилиб, охиروقибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан

четга чиқиб қолишимиз мумкин... Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”⁹, деганида аини ҳақиқатни айтган эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент: “Маънавият”, 2008 .

2. А.Чориев, Ф.Қаноатова. Таълим тизимининг интеллектуал кудрати. Тошкент: “Меҳнат”, 1992 й.

3. Мусурманов Р., Мусулмонова Н. Ўқитувчи касб маҳоратининг интеллектуал имкониятлари “Халқ таълими” журнали. –Т.: 2011, 3-сон, Б. 95-98

МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНТИЗОМЛИЛИК ТАРБИЯ – ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ХУЛҚИЙ ОҒИШ ХУСУСИЯТИНИ ЕНГИБ ЎТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Х.Ф.Рашидов,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

З.А.Дехкамбаева,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти катта илмий ходими педагогика фанлари номзоди, катта
илмий ходим

Давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнлари социумда шахсни ижтимоийлаштириш ҳамда тарбиявий институтларни такомиллаштириш, янги омилларини ҳисобга олиб, таълим сиёсатини амалга оширишни талаб этади.

Замонавий таълим жараёнида қўлланиётган замонавий педагогик технологиялар ўқувчиларнинг билим даражалар билан бир қаторда уларда белгиланган меъёрий тамойиллар асосида интизомли бўлиниши ҳам талаб қилади. Зеро, интизом шахс фаолиятидаги қарашлар ва ишонч асосида, топшириқларни бажаришда бирор кимсанинг ёрдамисиз, мустақил тафаккурга эга бўла олиш, тарбияда ахлокий сифатлар билан олдинга

⁹ И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т: “Маънавият”. – 2008– 4-бет.

қўйилган вазифаларни бажариш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, хатти-ҳаракатларни амалга ошириш малакаларини шакллантиришда муҳим (жиддий) аҳамиятга моликдир, сабаби ўзимизни ва ўз хулқимизни назорат этибгина, уларни ҳақиқий ҳаётга ҳамда бошқа одамларга мувофиқлаштира оламиз.

Интизомдан мақсад фақатгина тартибни қўллаб-қувватлашдангина иборат эмас. Тарбиянинг вазифаси шундаки, инсонга ва унинг ички оламига табиатнинг таъсир этишига имкон бериш, унинг борлигини маданиятнинг салбий(негатив) таъсиридан сақлашдан иборат.

Ўқувчининг шахсий интизомлилиги муаммоси бугунги кунда қайта кўриб, фикр-мулоҳаза юритиш босқичидан ўтмоқда. Ўқувчилар билан тарбиявий ишлар катъий назорат табиатига эга бўлмаслиги, бироқ унинг вазифалари авторитар усуллар билан ҳал этилмаслиги зарур.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг қадриятли асосларини кўриб чиқиш масаласи педагогик жараёнга инсонпарварона(гуманистик) хусусиятда ёндашиб, тарбия жараёнини шахсий-йўналтирилган педагогик концепциялар нуқай назаридан, қайта кўриб чиқиш ва мулоҳаза юритишни талаб этади. Ҳар бир ўқувчи шахсида дастлабки қадамлариданок, ноёб, такрорланмас шахсий хусусиятлар намоён бўлади, умумтаълим мактабларининг вазифаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахсий ўзлигини намоён этиши ҳамда ўз мавқеини белгилаши учун шароитлар яратиш бўлиб ҳисобланади.

Бироқ шу билан бирга, шахсий интизом фақатгина бўйсиниш деб қаралиши мумкин эмас, у шахснинг эркинлиги, шахснинг ўзлигини шакллантиришда унинг субъектив қодирлиги мазмунида қаралиши шарт.

Ўқувчиларда интизомлиликини шакллантириш масаласини ўрганиш учун интизомлилик тарбияси технологиясини мураккаб бўлган тизимости тарбия технологияси сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бошқарув таъсирида қутиладиган натижага эришиладиган, тарбия тизимини бошқаришга доимий намунавий ёндашувга таяниб, тарбия тизимида белгиланган технологияларсиз ҳам, маълум тартиб-қоидалар мавжуд эканлигини тан олиш мумкин. Бундан ташқари, амалда интизомлилик малакаларини шакллантириш учун кўп куч сарфланиши муваффақиятсиз бўлиб чиқади. Бунинг сабаби шундаки, бундай меъёрлар шахснинг ўз ривожига хусусий интилишларига қарама-қарши келади. Бунда диалектиканинг марказий таифаси бўлган – ривожланиш тоифаси “алоқаларни тартибга солиш, ахборотлар тўпланиши, янги тузилмалар ҳосил бўлиши, уларнинг мураккаблашиши ҳамда детерминацияларга

қўшилган жараёнлар акс этиши билан боғлиқ ўзгаришлар сифатида намоён бўлади”[1].

Интизом – шахсининг ўзини шакллантиришда субъектив қобилияти сифатида мактаб ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олади. У тарбия ва таълим жараёнининг энг самарали шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Интизом ўз хатти-ҳаракатлари ва олдинга қўйилган режаларини амалга оширишга эришишдаги мақсадларини бўйсундира билишни шакллантиришга қодир, қийинчиликларни енгиб ўтиш шароитларини яратади.

Замонавий ёшлар мазмун-моҳиятининг асосий қисмини ахлоқсизлик (интизомсизлик) хулқ-атворига эга суперқаҳрамонларни, шунингдек, маънавий-ахлоқий кадриятларга қарши мазмундаги сюжетларни тарғибот қилувчи, шахс ички ҳиссиётларидан келиб чиқадиган манкуртликни акс эттирувчи турли компьютер технологиялари, Интернет манбаларига қизиқадиладар.

Шу билан бирга таълим муассасаларида мақсадга йўналтирилган интизомлилик тарбия жараёни ўрнига ахлоқий сифатларни фақат меъёрлари жиҳатидан тарғиб этишдангина иборат кўринишдаги қутилмаган жараёнлар эгаллайди.

Мазкур вазиятларда ёшлар ҳам шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари (оила, оммавий ахборот воситалари, тенгдошлар, кўча)даги интизомсизлик хулқ-атвори намуналарини намоён этадилар, ўқувчилар билан тарбиялаш ишлари асосан назорат кўринишида бўлади, тарбия вазибалари эса асосан авторитар усулда амалга оширилади, жамиятда зарурат ва инсонлардаги интизомлилик хусусиятлари ўртасида катта қарама-қарши лик ва мзкур шахсий хусусиятни шакллантирувчи қўплаб омиллар мавжуд эмаслиги ҳақида гапириш мумкин.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида ҳар доим ҳам ўқувчига шахс, индивидуаллик, таълим жараёнининг субъекти сифатида муносабат амалга оширилмайди, инсонга кадриятли муносабатда бўлиш тарбияланмайди. Тарбиядаги мазкур йўқотишлар алоҳида шахс, шунингдек, жамоа шаклланишида салбий хусусият сифатида жамланиб боради. Мазкур шароитларда интизомлиликнинг шаклланиши, ўқувчиларнинг ҳақиқий интизомсиз хулқ-атворларига, таълим муассасаларида интизом муаммоларини ҳал этишга таъсир кўрсатмай, расмий характерга эга бўлади.

Интизомлилик орттирилган тажриба ва ютуқлар бўйича малака ва одатларга чамбарчас боғлиқ ҳолда, онг элементи ҳамда одатий амалий

таъсир усули сифатида ўз хулқ-атворини бошқариш, уни хусусий қоидалар, жамоа ва жамият талабларига бўйсундириш интегратив (интеграл) шахсий хусусият сифатида қарашга мажбур этади. Мазкур хусусиятни шакллантириш йўлида хулқ-атворни эркинлик ва мустақилликка йўналтирувчи аста-секин заруратдан, анланмаган рағбатлар, ташқи тарбиявий таъсирдан келиб чиқиб содир бўлади.

Интизом ва эркинлик – бир мақсаднинг икки мазмуний жиҳатидир. Интизом фикр ва ҳатти-ҳаракат таъсирининг анланган заруратидир. Анланган интизом ўз тизимининг маънавий тамойиллари, мақсад ва ғояларини шакллантиради, унинг зарурлиги ва қимматини тан олади, ўзида ўз ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори учун масъулиятни қабул қилади.

Интизомлилик – инсон ҳаётининг турли соҳалари (фикр, ҳис-туйғу ва хулқ-атвори)ни уйғунлаштириб, тартибга солган ҳолда ахлоқий-иродавий хусусияти бўлиб, изчил тизимли меҳнати ва ўзини такомиллаштириш қобилиятида ёққол намоён бўлади.

Интизом эркин ҳамкорликни ташкил этишга ихтиёрий уйғунлиқдир. Ахлоқий маданиятни шакллантирувчи функциялардан бири – бу онгли равишдаги интизомдир. Онгли равишдаги интизом инсоннинг умумий дунёқарашида, одамлар билан ўзаро муносабатида, хулқ-атворида, кундалик фаолиятида ифодаланади.

Онгли равишдаги интизомга эга бўлган инсон маънавий бойлик ҳақидаги у ёки бу, яхши ва ёмон, ҳаётий вазиятларни ҳал этиш ва ҳаёт мазмуни ҳақидаги тасаввурларга боғлиқ бўлади.

Онгли равишдаги интизомга эга бўлган ўқувчи жамият олдида ўз ахлоқий мажбуриятларини англаб етади, тенгдошларининг дарсга салбий таъсир этувчи интизомсиз хулқ-атворлари ҳақида мулоҳаза юритади. Ўқувчи ўз хулқ-атворини баҳолаш билан бирга, хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатлари учун шахсий жавобгар эканлигини англаб етади.

Ўқувчининг шахсий интизомлигини тарбиялаш муаммоси бўйича бугунги кунда, қайтадан мулоҳаза юритилмоқда. Ўқувчиларда тарбиявий ишлар назорат қилиш хусусиятига эга бўлмаслиги зарур, вазифалар эса авторитар усулда ҳал этилмаслиги зарур.

Таълим ва тарбиянинг қадриятли асосларини кўриб чиқиш масаласи педагогик жараёнга инсонпарварлик (гуманистик) характер, тарбия жараёнларини шахсий йўналтирилган педагогик концепция позициясидан қайта мушоҳада юритишни назарда тутати. Ҳар бир ўқувчида илк қадамиданоқ ноёб, такрорланмас шахс хусусиятлари тан олинади, мактабнинг вазифаси ўсиб келаётган инсонда ўз шахсий мавқеини

белгилаш ва ўзлигини намоён этишга зарур шароитларни яратишдан иборат.

Шу тариқа, интизом – шахснинг социумга бўлган муносабатиди ташки ва ички талаблар ва меъёрларга мувофиқ, ўз хулқ-атворини бошқарадиган, ўзи ва ўз хулқ-атворини англашдаги субъектив қобилятидир.

Ўз интизомлиги, ўзини бошқаришга эга бўлиб, ўқувчи ўзини ташқи қазият ҳолатларидан ҳимоя қилади, бу билан шахсий эркинлиги даражасини оширади. Ўзида ахлоқий эркинлик ва ижтимоий масъулиятни бирлаштирган, демократик жамиятда интизом инсонда унинг инсонпарварлик йўналганлигини олий кадрият сифатида акс эттиради.

Интизомлилик тарбияси эвазига ўқувчиларда ижобий шахсий хусусиятлар шаклланади. Интизом шахснинг кадриятларни шахсий зарурат сифатида қабул қилган табиий эркинлигидир. Интизомлилик ва унинг тарбиясига тайёрликни шакллантиришнинг психологик механизми педагог ҳамда ўқувчиларнинг “бошқа одам” манфаатларига ахлоқий йўналтирилганлик бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланган адабиёт:

1. Философский словарь / Под.ред. И.Т.Фролов – издание 7-е переработанное. М., Республика, 2001 – 719 с. С.519-520.

ПРОЕКТИРОВАНИЕ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ СРЕДЫ ЛИЧНОСТНОГО РАЗВИТИЯ ОБУЧАЮЩИХСЯ

Х.Ф.Рашидов,

Директор научно-исследовательского института педагогических наук имени Т.Н.Кори Ниёзий, доктор педагогических наук, профессор

Способ раскрытия сущности личностного развития обучающихся через

сопоставления различных взглядов, представленных в определениях исходных педагогических понятиях, применим для определения условий и факторов личностного развития. Сегодня средовой подход в той или иной степени выражения довольно широко представлен в многочисленных работах по проблемам образования, воспитания и развития личности. Как правило, в этих работах среда рассматривается с точки зрения условий или возможностей, способствующих воспитанию и развитию, поэтому выделение наиболее значимых элементов, содержащихся в образовательной среде, рассматривается в значительном числе

исследований в качестве критериев оценки, выраженности ее образовательного потенциала.

Социальная среда, понимаемая как многомерное иерархически постро-

енное системное образование, включает в себя: физический мир и природно-

географические условия; систему существующих отношений между людьми и общественными институтами; культуру, традиции и обычаи; «пространство» или «набор возможных и доступных деятельности» [1].

Данный подход позволяет определить условия социальной среды, которые в наибольшей степени влияют на формирование личности, рассмотреть особенности взаимодействия личности и среды. В широком смысле образовательная среда представляет собой объект деятельности, связанный с целеполаганием образования в целом и содержанием педагогического процесса, как производной от общего содержания образования, его социально ценной культурной направленности. В обобщенном виде понятие «образовательная среда» трактуется как часть социокультурной среды, обладающая образовательным потенциалом, с которой личность непосредственно взаимодействует в процессе своего образования и которая оказывает на личность образовательное воздействие. Социокультурная среда является системообразующим фактором профессионально-личностного развития студента, обеспечивающим необходимые условия для его продуктивной учебной, творческой, профессионально-ориентированной деятельности [2].

Обобщая разработки современных педагогических исследователей проблем образовательной среды, можно прийти к выводу, что общим подходом для них является понимание образовательной среды как совокупности факторов, компонентов и параметров, планируемых на уровне системы образования. Концепция социокультурной среды, обладающей сложным внутренним устройством, своими специфическими взаимосвязями и взаимоотношениями позволяет более объективно и целостно исследовать

современные образовательные процессы.

Особое место в системе педагогических технологий занимает социокультурное проектирование, которое мы рассматриваем как мировоззренческую и технологическую основу социально-педагогического проектирования, которое имеет свой предмет, цели, задачи и специфические средства их решения, но в своей сущности представляет собой разновидность проектной деятельности, а ее исходным результатом должен стать проект, предназначенный для практической реализации. В основе социально-педагогического

проектирования лежит способность подготовить программу и провести систему мероприятий, предварительно обосновав ее идею (замысел), определив цели и задачи, предполагаемые средства их решения. Мероприятие, акция, программа будут эффективными лишь в том случае, если в их основу будет положен идеальный замысел, предваряющий действие проект. Преимущества технологии проектирования по сравнению с другими методами целенаправленных изменений социокультурной среды заключается в том, что она сочетает в себе нормативный и диагностический подходы, характерные для программирования и планирования.

Органично сочетая нормативный и диагностический аспекты, проекти-

рование, во-первых, разрабатывает модель «должного» в соответствии с имеющимися ресурсами; во-вторых, соотносит проблему с общим образом ее решения, допуская альтернативные пути и средства достижения цели. Цели и задачи социокультурного проекта определяются преимущественно содержанием социокультурных проблем. Точкой отсчета в процессе его разработки является область проблематики, поэтому разработка проекта начинается с анализа социокультурной ситуации и выявления наиболее типичных проблем, характерных для тех или иных составляющих социокультурной среды. Технология разработки социокультурного проекта предполагает предварительное определение границ проектирования.

В своих феноменологических проявлениях социокультурная среда не имеет четко очерченных в пространстве и во времени границ. Как утверждалось ранее, социокультурная среда есть созданная субъектом материальная и духовная среда, способ преобразования его природных задатков и возможностей, условие развития творческих способностей личности. В основе технологии социокультурного проектирования лежит проблемно ориентированный анализ. Знание реальных проблем позволяет: (а) точно определить приоритетные направления социокультурного проектирования и четко определить социокультурный субъект (личность, группу); (б) сформулировать цели и задачи, определить виды социокультурной деятельности, которые в рамках проекта рассматриваются в качестве средства решения проблем. Суть метода проблемно-ситуационного анализа состоит в диагностике социально и личностно значимых проблемных ситуаций на различных уровнях функционирования социокультурного субъекта.

Таким образом, социокультурное проектирование – это специфическая технология, представляющая собой конструктивную, творческую деятельность, сущность которой заключается в анализе педагогических проблем и выявлении причин их возникновения,

выработке целей и задач, характеризующих желаемое состояние объекта социокультурной деятельности, разработке путей и средств достижения поставленных целей.

Список литературы

1. Маджитов М. Ф. Формирование социально-активной личности в системе высшего педагогического образования: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1991. – 21 с.

2. Фельдман Н. И. Профессионально-личностное развитие будущего специалиста в условиях социокультурной среды технического вуза в малом городе России: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Елец: 2009. – 23 с.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
Х.Ф.Рашидов	Дарс интизомига салбий муносабатда бўлган ўқувчиларга нисбатан конструктив чоралар кўриш йўналишлари	5
Х.Ф.Рашидов, З.А.Дехкамбаева	Мактаб ўқувчилар ўртасида интизомлиликни шакллантиришнинг таълимий-методик омиллари	10
Х.Ф. Рашидов, З Дехкамбаева, С.Н.Алимходжаева	Девиант хулқ-атворли ҳамда интизомли ўқувчиларнинг айрим психологик хусусиятлари	16
Х.Ф.Рашидов, Р.Мусурманов	Ўқув фаолияти шароитида юзага келадиган келишмовчиликлар ва улар олдини олиш хусусида	22
Х.Ф.Рашидов, С.Н.Алимходжаева	Дарс интизомига салбий муносабатда бўлган болаларга таъсир этиш усуллари	28
Х.Ф.Рашидов, Р.Мусурманов, С.Н.Алимходжаева	Дарс интизомига салбий муносабатга таъсир этувчи омилларнинг таҳлили	39
Р.Мусурманов Н.Р.Мусулмонова	Ўқитувчи маҳорати ва ота-она масъулияти ўқувчининг дарс интизомига риоя қилиш омили	49
Р.Мусурманов	Узлуксиз таълим тизимидаги дарс интизомига салбий муносабатда бўлган ўқувчилар ота-оналарига тавсиялар	53
Х.Ф.Рашидов, Р.Мусурманов, С.Н.Алимходжаева	Ўқитувчиларни дарс интизомига салбий муносабадаги ўсмирлар билан ишлашга тайёрлаш	60
Р.Мусурманов	Ижтимоий назорат - ўсмирларни тарбиялашнинг ишончли воситаси	69
Х.Ф.Рашидов	Ўқувчиларнинг дарс интизомига нисбатан салбий муносабатларини олдини олишда мактаб ва отаоналар ҳамкорлиги муаммолари	74
Х.Ф.Рашидов, С.Н.Алимходжаева	Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларнинг ота-оналари билан ишлаш усуллари ва шакллари	79
Х.Ф.Рашидов, З.Дехкамбаева, С.Н.Алимходжаева	Оила - интизомсиз ўқувчилар хулқига таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омил сифатида	86
М.Т.Ахмедова, А.У.Ахмадалиев	Педагогик конфликтологиянинг фан сифатида ривожланиши ва аҳамияти	94
М.Т.Ахмедова, М.Х.Умарова	Ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги конфликтларнинг ўзига хос сабаблари ва ечимлари	97
Х.Ф.Рашидов, З.А.Дехкамбаева	Ўқувчиларда онгли интизом шаклланишининг йўллари	102
З.А.Дехкамбаева	Шарқ мутафаккирларнинг одоб ва интизом ҳақида қарашлари	107
Р.Мусурманов, Н.Р.Мусулмонова	Таълимнинг тарбиявий қудрати	111
Х.Ф.Рашидов, З.А.Дехкамбаева	Мақсадга йўналтирилган интизомлилик тарбия – ўқувчиларнинг хулқий оғиш хусусиятини енгиб ўтиш воситаси сифатида	115
Х.Ф.Рашидов	Проектирование социокультурной среды личностного развития обучающихся	119

**ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ
ЎҚУВЧИЛАРГА НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ ТАЪСИР
ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

мавзусидаги
умумий ўрта таълим мактабларида
таълим-тарбиявий жараёнларда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун
илмий-методологик семинар мақолалар тўплами

МАТЕРИАЛЛАРИ

Муҳаррир:	Х.Худайбердиев
Мусахҳиҳ:	А.Зокиров
Компьютерда териш ва дизайн:	М.Холиқов

Босишга рухсат этилди 04.09.2015.
Бичими 60x84¹/₁₆. Босма табағи 7,75.
Буюртма №28/10. Адади 130 нусха.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти
босмахоначида чоп этилди.